

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI
SAMARQAND DAVLAT UNIVERSITETI**

Qo'lyozma huquqida

UDK

**MUXIDDINOVA MAVZUNA SIROJIDDIN QIZI
«Abdulg'ozii Baxodirxonning «Shajarayi Turk» asarida o'zbek
xonliklari tarixining yoritilishi**

**5A 120301-O'zbekiston tarixi mutaxassisligi «O'zbekiston tarixi» bo'yicha
magistr darajasini olish uchun**

MAGISTRLIK DISSERTASIYASI

**Ish ko'rib chiqildi va himoyaga Ilmiy rahbar: dots. Nasrullayev M.I.
ruxsat berildi**

«O'zbekiston tarixi» kafedrasi

mudiri_____

dots. Xoliqulov R.Sh.

Prof. N.O'.Xolmatov_____

M.O'

S A M A R Q A N D – 2016

РЕЖА

Кириш.....	3-9
1-боб. Ўзбек хонликлари тарихида Абулғози Баходирхоннинг тутган ўрни.....	10-46
1.1 Абулғозихоннинг ҳаёти ва илмий фаолияти.....	10-23
1.2 «Шажарайи турк» асари яратилиши арафасидаги тарихий шароит.....	24-30
1.3 «Шажарайи турк» асарининг ёзилиши ва ўрганилиши тарихи.....	31-46
2-боб. «Шажарайи турк» асарида тарихий воқеаларнинг баён этирилиши.....	47-67
2.1. Асарда Ўзбек уруғлари сулолавий курашларининг акс этирилиши.....	47-56
2.2. Асарда тарихий шахслар ҳаёти баёни.....	57-67
3-боб. «Шажарайи турк» асарида ўзбек хонликлари тарихининг ёритилиши.....	68-93
3.1 Асарда хонликлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт масалалари ҳақидаги маълумотлар.....	68-77
3.2 Асарда ўзбек хонликларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт масалалари.....	77-93
4. Хулоса.....	94-97
5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	98-102
6. Иловалар.....	103-116

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Президентимиз И.А.Каримов “Авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, кадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуг аجدодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур”¹, — деб таъкидлаган эдилар «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида. Айнан мана шу сўзлар мустақил диёримизда яшаётган ҳар бир шахс учун дастуруламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир. Зеро, ўз ўтмиши, аجدодлари, маданияти, миллий қадриятларини билмай туриб буюк келажак қуриб бўлмайди. Мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги кенг қамровли ислохотлар шубҳасиз, фуқароларимизнинг турмуш даражасини ошириш, халқимизнинг миллий маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жумладан, президентимизнинг 1998-йил 26-июнда бир гуруҳ тарихчи олимлар ва журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 27-июлдаги «ЎЗРФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида тарих фани олдида турган асосий вазифалар белгилаб берилди. Қарорда ўзбек давлатчилиги тарихини чуқур ва атрофлича тадқиқ этиш асносида «энг қадимги даврдан ҳозирга қадар давлатчилик тарихий босқичларида ҳудудимизда яшаган халқларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаёти масалаларини ўрганиш» тарихчилар олдида муҳим вазифалардан бири эканлиги қайд этиб ўтилган.

Уч минг йиллик давлатчилик анъаналарига эга бўлган ўзбек халқи тарихида Хоразм давлатчилиги, унинг бошқарув тизими алоҳида ўрин тутади. Зеро, «Хива – бизнинг жонли тарихимиз, бу дунёга келиб кетган қанча-қанча салтанатларнинг гувоҳи, юртимизнинг, халқимизнинг, миллатимизнинг мислсиз ўтмишидан, ота-боболаримизнинг даҳосидан, маънавий мулкимизнинг

¹ Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т.: «Маънавият», 2008. -176.

буюк иқтидори ва қудратидан далолатдир»² - деб Хоразм тарихига бўлган бугунги кундаги муносабатни яққол кўрсатиб берган эдилар юртбошимиз Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда.

Албатта, мустақиллик йилларида кўплаб буюк алломаларимизнинг илмий меросини тадқиқ этишга бағишланган қатор изланишлар амалга оширилди. Шундай бўлсада, ўзбек халқи тарихининг ўрганилиши лозим бўлган жабҳалари ҳали бисёрдир. Шундай экан, биз тарихчилар ҳали кўп меҳнат қилиб, халқимиз олдидаги фарзандлик бурчимизни адо этишимиз, аجدодларга муносиб авлод бўлишимиз лозим эканлигини сира унутмаслигимиз керак.

Ўзбек халқи азалдан шонли тарих эгалари сифатида дунё ҳамжамияти тарафидан эътироф этиб келинади. Дунё илми тамаддунига ўзларининг беназир ҳиссаларини қўшган ва илм фанда башариятга намуна бўлган алломалар, ўзи подшоҳ бўла туриб, жаҳон илм маърифатининг юксалишига сабабчи бўлган, олимликда тенги йўқ ҳукмдорлар ҳам бизнинг аجدодларимиздир. Шундай зотлар қаторида биз Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абулғози Баҳодирхон каби улуғ ҳукмдорларни шараф ила зикр этамиз. Улар ўзбек халқи тарихини ёритишда ўзларидан бебаҳо ва нодир асарларни халқимизга тақдим этганларига тарих гувоҳ. Жумладан Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари, Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” ва “Шажараи тарокима асарлари” ҳали ҳануз халқимиз тарихини ўрганишда муҳим тарихий манба вазифасини бажараётгани ҳеч биримизга сир эмас. Хусусан, Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» асари Хива хонлигининг вужудга келган давридан то XVII асрнинг 2-ярмигача бўлган давр тарихини ёритишда XVII асрда яратилган энг муҳим манбалардан бири саналади. Асарда ўрта асрлар даври ўзбек давлатчилиги, ижтимоий, иқтисодий, ҳамда маданий ҳаёт масалалари шунингдек, давлат бошқаруви сиёсати, ўзбек хонликларининг ташқи давлатлар билан олиб борган алоқалари жараёни кенг ёритилган.

² Каримов И.А. Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи / Хавфсизлик ва тараққиёт йўлида 6 жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1998й. -374б.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқотга манба сифатида Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асари ва унинг 1992-йилдаги нашри асос қилиб олинди. Диссертацияда ўзбек хонликлари тарихи асар нуқтаи назаридан ўрганилади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. «Шажарайи турк» асарини ўрганиш натижасида хонликлардаги XVII асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврдаги муҳитни, жумладан:

- Хива хонлиги тарихи, унинг ташкил топиш ва ривожланиш даврини манбалар («Шажарайи турк») асосида ўрганиш;
- Асардаги ўзбек хонликлари оид маълумотларни таҳлил қилиш;
- Хонликларнинг инқирозга юз тутиши сабаблари ва бу даврда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт масалаларининг ёритилиши;
- Хонликларнинг ижтимоий-маданий ҳаёти, Амударё ўзанининг ўзгариши ва бунинг халқ ҳаётига таъсирининг акс эттирилиши;
- Ўзбек уруғларининг сулолавий муносабатлари ва курашларининг асарда баён этилиши;
- Хонларнинг ички ва ташқи сиёсати, ҳамда қўшни давлатлар билан муносабатларнинг ёритилиши масалаларини ўрганиш;
- Ўзбек хонликларининг ўзаро муносабатлари ва алоқаларини ўрганиш;
- Бу давр тарихий жараёнларини илмий тадқиқ этилишининг бугунги кунда Ўзбекистон тарихи фанининг ривожланиши ва тарихий босқичлардаги ўрни ва аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Маълумки, ўзбек халқи узок даврларга бориб тақаладиган ўзининг бой тарихига эга. Аммо ўтмишимиз сарчашмалари ҳалигача етарли ўрганилмаган. Маънавий тикланиш долзарб масала ҳисобланган бугунги кунда аجدодларимиз дурдоналарини татқиқ этиш катта аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан, ўзбек хонликлари тарихини ўша даврга оид манбалар («Шажарайи турк») асосида ўрганиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Ушбу магистрлик диссертация ишининг асосий масаласи ўрта асрлар давридаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаёт масалаларини тарихий асарларда акс этиш услубини таҳлил этиш. Тадқиқотнинг асосий фарази Ўзбекистон тарихини бирламчи манбалар асосида ўрганиш.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асари ва ўзбек хонликлари тарихини ёритишга оид илмий адабиётларни уч гуруҳга ажратиш мумкин. Булар:

- 1) XVI-XX асрларда битилган асарлар;
- 2) Советлар даврида амалга оширилган тадқиқотлар;
- 3) Мустақиллик даврида чоп этилган асарлар;

Биринчи гуруҳ адабиётлари ҳақида сўз борар экан, уларга аввало Абулғозийнинг “Шажарайи турк”, ҳамда “Шажарайи тарокима” асарларини, шунингдек, Шермуҳаммад Мунис ва Муҳаммадризо Огаҳийнинг “Фирдавс ул-иқбол”, Баёнийнинг “Шажарайи хоразмшоҳий” каби асарларини киритиш мақсадга мувофиқдир. Чунки Бу юксак маҳорат билан ёзилган тарихий асарлар ўз мазмуни, келтирилган маълумотларнинг кўплиги ва ишонарлилиги билан алоҳида ўринни эгаллайди. Бу тарихчилар бир-бирларининг ишларини давом эттириб, Хива хонлиги ҳудудида XVI асрдан XX аср бошларигача юз берган воқеаларни ўз ичига олувчи асарларни ёзиб қолдирганлар. Бу асарларнинг кўпчилиги Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» асари таъсирида ёзилган бўлиб, ундаги тарихнавислик анъаналарини давом эттирди. Шу билан бирга бу асарларда ҳам “Шажарайи турк” асарида бўлганидай бошқа хонликлар ҳақида ҳам талайгина маълумотлар бор. Шу маънода, Мунис ва Огаҳийнинг «Фирдавс ул-иқбол» асарини «Шажараи турк»нинг давоми сифатида қараш мумкин. Бу икки асар бир бутун ҳолда Хива хонлиги тарихини ўрганишда катта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўша давр Хоразм маданияти, урф-одати, бадиий тилини ўрганишда асосий манбалардандир.

Шунингдек, асарни ўрганиш жараёнида қиёсий таҳлил учун Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»³, Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома»⁴, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома»⁵ каби асарлари билан ҳам танишилди.

Советлар даврига оид илмий адабиётлардан академик олим С.П.Толстовнинг «Қадимги Хоразм»⁶, академик олим Я.Ғуломовнинг «Хоразмнинг суғорилиш тарихи»⁷ асарлари, шунингдек, В.В.Бартольд⁸ асарлари бу борадаги энг муҳим тадқиқотлар ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида ҳам Хоразм тарихини ўрганиш юзасидан бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Н.Полвонов ва О.Қўшжонов⁹, С.Ҳасанов¹⁰, А.Абдурашулов¹¹, Д.Бобожонов ва М.Абдурашулов¹², Қ.Муниров¹³нинг асарлари, шунингдек икки жилдли «Хоразм тарихи»¹⁴ китоблари алоҳида аҳамиятга эга.

С.Ҳасановнинг «Хоразм маънавияти дарғалари» номли асарида эса Хоразмда етишиб чиққан алломалар ва уларнинг фан соҳасига қандай янгиликлар қўшганлиги ёритилади.

Қ.Мунировнинг «Хоразмда тарихнавислик» асарида Хива хонлигида ёзилган тарихий асарларга эътибор қаратилади. Муаллиф хонликда тарих мактабига хон Абулғози асос солганини ҳам эслатиб ўтади.

Бундан ташқари, Ҳудуднинг XIX аср 3-ярмигача бўлган тарихининг барча давлари ҳақида маълумот берувчи «Хоразм тарихи»¹⁵ монографиясини алоҳида такидлаш лозим.

³ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: 2002.

⁴ Гулбаданбегим. Ҳумоюннома. Т.: 1998.

⁵ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. Т.: 1966.

⁶ Толстов С.П. Қадимги Хоразм. Т.:1964.

⁷ Ғуломов Я.Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Т.:1959.

⁸ Бартольд В.В. Сочинение.Ч.I. М.:1963.

⁹ Қўшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. Т.: 2007.

¹⁰ Ҳасанов С. Хоразм маънавияти дарғалари. -Т.: 2001.

¹¹ Абдурашулов А. Хива.-Т.: 1997.

¹² Бобожонов Д., Абдурашулов М. Фирдавсмонанд шаҳар. Хива, 2008.

¹³ Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик.Т.: 2002.

¹⁴ Хоразм тарихи. Муаллифлар жамоаси. Урганч, 1997.

¹⁵ Хоразм тарихи. Муаллифлар жамоаси. Урганч:1997.

Тарихчи олим Ҳ.Худойназаровнинг Абулғози Баҳодирхон ҳаёти ва илмий фаолиятини ўрганишга доир тадқиқотлари айниқса диққатга сазовор. Олимнинг «Абулғози Баҳодирхон тарихчи ва адиб»¹⁶, шунингдек, ««Шажараи турк» ва унинг ўрганилиши»¹⁷ асарларида Абулғозихоннинг илмий мероси, ҳамда унинг Хива хонлиги тарихида қўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритилган.

Шунингдек, бир қатор докторлик ва номзодлик диссертациялари билан танишилди. Жумладан, Хива шаҳри тарихи билан шуғулланган соҳа олималаридан бири Г.А.Агзамова¹⁸нинг тадқиқотларида Хива XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда кечган урбанизацион жараёнлар билан узвий алоқадорликда тадқиқ этилган. Н.А.Аллаева¹⁹ ўз номзодлик ишида XVI-XVIII асрларда Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги алоқалар тарихи, Ю.М.Рахманова²⁰ тадқиқотларида эса XVI-XX асрларда Хива шаҳридаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт масалалари ёритилган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов асарларида ёритилган маданий мерос ва миллий маънавият, ўзликни англаш ғоялари билан боғлиқ қарашлар тадқиқотнинг методологик асосини ташкил қилади. Тадқиқотда тарихшунослик, манбашунослик, этнография бўйича ишлаб чиқилган ва йиғилган бой илмий-назарий таҳлил, шунингдек, қиёсий-тарихий методлардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» асаридаги маълумотларнинг илмий муомалага киритилиши, тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлилдан ўтказилиши, асарнинг тарихий аҳамияти билан белгиланади.

¹⁶ Худойназаров Ҳ. Абулғози Баҳодирхон тарихчи ва адиб. Т.: 1994.

¹⁷ Худойназаров Ҳ. «Шажараи турк» ва унинг ўрганилиши. Т.: 1993.

¹⁸ Агзамова Г.А. XVI-XIX асрлар биринчи ярмида Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти. Тарих фанлари докт... дисс... – Т.:2000. – 348б.

¹⁹ Аллаева Н.А. Хива Хонлиги ва Эрон ўртасидаги ўзаро алоқалар. Тарих фан. Ном. Дисс. Т.:2007й. – 169б.

²⁰ Рахманова Ю.М. Хива шаҳрининг XVI-XIX асрнинг бошларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти: анъана ва ўзгаришлар. Тарих фан.ном.дисс... Т:2009.

Диссертация материаллари олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари тарих, манбашунослик, этнография, филология, маданият йўналишларидаги талаба ва ўқувчиларга дарслик, ўқув қўлланмалари, ҳамда махсус курслар яратишда, миллий маънавиятини бойитишда, янги авлодни миллий ва умумбашарий кадриятлар асосида тарбиялашда ёрдам беради.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация кириш, асосий уч боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

1-боб. Ўзбек хонликлари тарихида Абулғози Баҳодирхоннинг тутган ўрни.

1.1 Абулғозихоннинг ҳаёти ва илмий фаолияти.

XVII асрда яшаб ижод қилган Хива хони Абулғози Баҳодирхон олий насаб, тахт-тож соҳиби, ўз сулоласининг шону шуҳрати учун кураш олиб борган, айна чоғда парчаланиб кетаётган хонлиқни кучли марказлашган давлатга айлантириш учун ҳам қурул билан, ҳам қалам билан кураш олиб бориб, нисбий осойишталик ўрнатишдек эзгу ниятни амалга оширишга интилан феодал ҳукмдор эди. Шунингдек, Абулғозихон Шарқ халқлари тарихи, маданияти, адабиётининг ўткир билимдони, илм-фанга эътиқод қўйган, нодир меъморий ёдгорликларнинг яратилишида бевосита ҳомийлик қилган маърифатпарвар давлат арбоби ва олим адиб ҳамдир.

Абулғозихон 1603 йил 15-августда Урганчда дунёга келган. У Хива хони Араб Муҳаммадхон (ҳукмронлиги 1602-1621)нинг тўртинчи ўғли эди. Абулғозихон туғилишидан 40 кун олдин Арабмуҳаммад Урал қозоқлари билан бўлган урушда ғалаба қозонган эди. Шу сабабли у ўғлига Абулғозий деб ном беради. Бундан ташқари унинг онаси ғозийлар авлодидан бўлиб, наслунасаби Чингизхонга бориб тақалган. Абулғозий 6 ёшга кирганда онаси вафот этади. У 16 ёшга киргунча Урганчда отаси қўлида тарбияланади. У ўзининг таваллуди ҳақида «Шажарайи турк» асарида шундай ёзади: «Урганч вилоятинда тарих минг тақи ўн тўртда топушқан йили ва асад буржи ва рабиъул-аввал ойининг ўн бешида душанба куни офтоб бирлан баробар тулуъ қилибмиз»²¹.

Араб Муҳаммадхоннинг Асфандиёрхон, Ҳабаш султон, Элбарс султон, Абулғозийхон, Шариф Муҳаммад султон, Хоразмшоҳ султон, Авғон султон номли етти ўғли бўлган²². Мазкур етти ўғил Араб Муҳаммадхоннинг бир неча хотинидан дунёга келган фарзандлари эдилар. Абулғозийнинг

²¹ Абуғозий. Шажарайи турк. Т.: «Чўлпон», 1992. – 1676.

²² Ўша асар, 1606.

ёзишича: «Асфандиёрхоннинг онаси ўз жамоатимиздан эрди. Ҳабаш ва Элбарснинг онаси Найман қизи бўлиб, бир онадин эрди. Шариф Муҳаммад султон бирлан Хоразмшоҳ султон иккисининг онаси Хожа Мавдуд Чиштий авлодидин эрди. Авфон султоннинг онаси Абулхайрхон авлодиндин эрди»²³.

Абулғози Баҳодирхон ўз отасининг номи билан аталувчи Арабмуҳаммадхон мадрасасида таҳсил олди. Арабмуҳаммадхон ўғлининг ўқиши ва дунёвий ишларни ўрганишига алоҳида эътибор берган. Ака ва укалари ўртасида ўта зеҳнли ва қобилиятли бўлган Абулғози ўз замонасининг билимдонлари қўлида таҳсил кўргач, тарих фанига ихлос ва иштиёқ қўяди. Халқ оғзаки ижодини меҳр қўйиб ўрганиши туфайли унинг ижодкорлиги ёшликдан ортиб боради. Буларнинг барчаси унинг йирик давлат арбоби, ўз даврининг илғор сиймоси, ижодкори бўлиб етишувига ёрдам берган омиллардир.

Абулғози отаси ва ака-укалари қатори феодал урушларда баҳодирларча жанг қилгани учун уни Баҳодирхон деб атаётганлар²⁴. Абулғозихон ёшликдан турли фанларни ўрганиш, ҳарбий таълим олиш билан машғул бўлади. Ўн олти ёшидан бошлаб эса, давлат ишларига аралаша бошлайди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзади: «... Олти ёшқа етканда онамиз ҳақ раҳматига кетди. То ўн олти ёшқача Урганчда ота қўлида бўлдук. Андин сўнг отамиз катхудой қилди»²⁵. Абулғозихон Хива хонлигида оғир сиёсий вазият юзага келган бир даврда яшади. У болалик ва ўсмирлик йилларидан бошлаб узоқ ва яқин қариндошлар ўртасидаги салтанат учун олиб борилган аёвсиз курашларнинг гувоҳи бўлиб ўсди. Баъзан бу курашларнинг уруғ ва элатлар ўртасида фитначиликка қиргин келтирувчи даҳшатли босқинларга айланиб кетганлигини кўрди ва ўзи ҳам кўпинча уларда иштирок этди. Абулғозий аввало катта акаси Ҳабаш султон билан Урганчда ҳоким

²³ Дмитриева Л.В., Мугинов А.М., Муратов С.Н. Описание тюркской рукописей Института народов Азии. Т.1. М.: 1965. -С. 93.

²⁴ Худойназаров Ҳ. «Шажарайи турк» ва унинг ўрганилиши. Т.: «Ўқитувчи», 1993. – 346.

²⁵ Абулғозий. Шажарайи турк. Т.: «Чўлпон», 1992. – 168б.

бўлиб туради. Кейинчалик ўрталарида низо пайдо бўлгандан сўнг Ҳабаш билан бирга Урганчда тура олмаган Абулғозий Хивага отаси Араб Муҳаммадхон ҳузурига келади. Бу ерга келгандан кейин Араб Муҳаммадхон Абулғозийни Катга ҳоким қилиб тайинлайди. Бу ҳақда «Шажарайи турк»да қуйидаги маълумот берилади: «Тақи Урганжнинг ярмини улуғ оғамиз Ҳабаш султонга ва ярмини бизга берди. Бир йилдан сўнг Ҳабаш ва Элбарс отли оғаларимиз бирлан орамизда низо бўлди. Ул сабабдин тура билмай Хевакга отамиз қатиға келдук»²⁶. Ҳабаш ва Элбарс султонлар Арабмуҳаммадхоннинг қаршилигига қарамай бир неча марта Эрон ва Бухорога хужум уюштирадilar. Абулғозий Катда ҳоким бўлиб турганда отаси Араб Муҳаммадхондан ўз аскарлари билан унинг ҳузурига келишга фармон олади. Араб Муҳаммадхон, Абулғозий, Асфандиёр ва Шариф Муҳаммадлар Ҳабаш ва Элбарс устига юриш қиладилар. Юриш ҳақида «Шажарайи турк» шундай ёзади: «Аввал баҳор эрди. Катга бориб олти ой турғандин сўнг отамиз бирлан отланиб, Ҳабаш, Элбарс устига бордук... Бизнинг хон тўп бўлдилар. Асфандиёрхонни сўл ва фақирни ўнг қилиб эрдилар. Фақир уч от йиқилгунча уруштум. Барча халқдин сўнг кетдим»²⁷. Бу юришда Араб Муҳаммадхон енгиледи, қўлга тушади ва кўзи кўр қилинади. Минг машаққатлар билан сувдан кечиб ўтган Абулғозий аввало Катга ва у ердан Имомқулихон олдига келади. Асфандиёр, Шариф Муҳаммад ва Хоразмшоҳлар Хазорасп қалъасига кириб бекинадилар. Ҳабаш қалъани 40 кун қамал қилади ва ниҳоят сулҳ тузилади. Асфандиёрга Маккага ҳаж учун Эронга жўнашга руҳсат этилади. Абулғозийнинг ёзишича, Имомқулихон саройида турган Абулғозийга акаси Асфандиёр хат ёзиб, Ҳабаш ва Элбарсга қарши бошлаган курашда ёрдамлашишни сўраган. Аммо Имомқулихон унинг боришига руҳсат бермаган. Абулғозий Имомқулихон саройида икки

²⁶ Ўша асар, 1686.

²⁷ Ўша асар, 1686.

йил туради.

Маълум вақт давом этган курашдан сўнг Ҳабаш ва Элбарс устидан ғалаба қилган Асфандиёрхон Имомқулихон саройига ўз инилари Абулғозий ва Шариф Муҳаммадни сўратиб киши юборади. Шундан кейингина Имомқулихон уларга Хоразмга қайтишга рухсат беради. Абулғозий Хивага келгач Асфандиёр уни Урганчга ҳоким қилиб тайинлайди. Асфандиёр билан Абулғозий ўртасида келишмовчиликлар юзага келган бўлса-да, Абулғозий укаси Шариф Муҳаммад билан Урганчда ҳоким бўлиб турадилар. Лекин бу зиддиятлар оқибатида Абулғозийни Туркистон ҳокими Эшимхон ҳузурига кетишга мажбур қилади. У ерда уч ой турган Абулғозий Тошкентга келади ва Тошкентда икки йил истиқомат қилади. Шундан кейин Абулғозий Имомқулихон олдида келади. Кейинчалик Абулғозий Хивага қайтади. Икки ой ўтгандан кейин Шариф Муҳаммад ҳам Ҳазораспга — Асфандиёр ҳузурига боради²⁸.

Абулғозий билан Асфандиёр ва Шариф Муҳаммад ўртасида яна кураш бошланади. Бир неча бор юришлардан сўнг Абулғозийни енга олмаган Асфандиёр уни хийла ишлатиб қўлга туширади ва ўзига ишончли бўлган 20 киши билан Эроннинг Обивард шаҳрига жўнатади. Обивард ҳокими эса Абулғозийни Хуросоннинг беглар бегига топширади. У ўз навбатида Абулғозийни Ироққа юборади.

Шу вақтда Шоҳ Аббос ўлиб, набираси Шоҳ Сафо тахтга ўтирган эди. Абулғозий у билан Ҳамадонда учрашади. Шоҳ Сафо Абулғозийни Исфaxonга юборади. Унга у ерда уй-жой тайин қилади ва харажат учун йилига 10000 танга ажратади. Бундай марҳамат кўрсатилганига қарамай Абулғозий назорат остида сақланади.

Шундай қилиб, Абулғозий Исфaxon шаҳрида 10 йил туради. Сўнг у ердан ўз юртига қайтишга ҳаракат қилади. Бир қанча тадбирлар ишлатиб, у ердан чиқиб олишга муваффақ бўлади. Бу масала унинг «Шажарайи турк» асарида батафсил ёритилган. Исфaxonдан чиқиб Бастомга келганда қўлга

²⁸ Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик. -Т.: 2002. -Б.26.

тушишига сал қолади. Ҳар хил ҳийлалар ишлатиб, бу можародан қутулган Абулғозий ўз ҳамроҳлари билан Хуросоннинг Маҳин деган қишлоғига келади. У ерда баҳоргача туради.

Баҳор бўлгандан сўнг Абулхон бориб, у ерда икки йил яшайди. Ундан сўнг Манқишлоққа боради ва у ерда бир йил туради. Сўнгра Урганчга келади. Абулғозий (1052) 1642 — 1643 йили Урганчга келган эди. У Хоразмга қайтгандан олти ойдан сўнг Асфандиёрхон вафот этади. 1644 -1645 (1054) йили Асфандиёрхон ўлгандан бир йил ўтгандан кейин Амударёнинг денгизга қуяр ерида яшаётган халқ Абулғозийни хон қилиб кўтаради. Бундан икки йил бурун иниси Шариф Муҳаммад ҳам вафот этган эди.

Оролда хон қилиб кўтарилган Абулғозий бир қанча тўқнашувлардан сўнг 1644 – 1645-йили Хива тахтини эгаллайди ва 1663-1664 йилгача Хивада хонлик қилади. Шундан сўнг хонлик тахтини ўғли Анушага топширади ва 1664 йили вафот этади.

Абулғозихон ҳаммаси бўлиб йигирма йил атрофида хонлик тахтида ўтирди. Лекин ҳукмдорлик даврининг урушларда ўтди: 1646 - 1653 йиллари у Тажан, Боми баурма (Қизил арвотнинг жанубий-шарқий тарафида жойлашган манзилгоҳ), Атрок ва Журжон туркманлари билан уруш олиб борди, 1655 - 1662 йиллари ўлкага вақт-вақти билан босқин қилиб турган Ёйиқ (Урал)лик рус қозоқлари, қалмиқлар ва қозоқ кўчманчилари билан кураш олиб борди, 1663 - 1664 йиллари бир неча марта Бухоро устига юриш қилади.

Абулғозихон хонлик тахтига чиққач, Хоразмда илм-фанни тараққий эттириш ва маданиятни яхшилаш мақсадида ўз саройига бинокорлар, табиблар, шоирлар тарихнавислар, адиб, хаттот ва бошқа касб эгаларини тўплади²⁹. Жумладан, 1657-йилда Бухоро ва Карманага қилинган омадли юришдан қайтгач, юртга катта тўй берди ва халойиқ олдида ўз ўғлининг хизматларини қадрлаб, унга туғ, лашкар, байроқ ва ноғора ҳамда Ҳазораспни туҳфа этди. Шунингдек бу ғалаба шарафига янги Оқмасжид

²⁹Худойназаров Ҳ. Абулғози Баҳодирхон тарихчи ва адиб. Т.: «Ўзбекистон», 1994. – 66.

курди. Оқмасжид қадимий санъат услубида қурилган бўлиб, бу масжид Полвон Дарвоза ёнида жойлашган эди. Оқмасжид пишиқ ғишдан барпо этилиб, унинг ёнида пишиқ ғишдан қурилган ҳаммом харобалари ҳозиргача сақланади³⁰. Анушахон шарафига қурилган бу ҳаммом ҳам Абулғозихон ўз ўғлига қилган марҳаматларидан биттасидир. Шунингдек, у умрининг охирида ҳали ўлмай туриб тахтни Анушахонга топширди. Бу ишни Абулғозихондан бошқа Хоразмда ҳукмронлик қилган хонлар қилишмаган. Шундан кейин хон узлатга чекиниб бир қатор тарихий асарлар яратди³¹.

Абулғози Баҳодирхон ижтимоий-сиёсий ҳамда ижодий фаолияти билан бугунги ёшларга яхши маълум бўлмаса-да, у улкан тарихий шахсдир. Сабаби – Ўрта Осиёда давлат ва маданият ривожланишида юз берган қарийб икки асрлик инқироздан кейинги юксалиш Абулғозининг ижтимоий-сиёсий ва ижодий фаолияти билан бошланади. Маърифатпарвар ва билимдон Амир Темур яратган шароитда буюк шоир Алишер Навоий бошлиқ улкан алломалар майдонга келгани каби Абулғозихондан кейинги даврдаги Хоразмда ҳам юксак маданият ва илму ирфон томон ривожланиш кўзга ташланади³². Академик олим Бўрибой Аҳмедовнинг сўзи билан айтганда у «тарихда олий ҳукмдор сифатида эмас (тарихда жаҳонни титратган не-не подшолар ўтмади, лекин аллақачонлар улардан ном-нишон қолмаган), балки йирик олим сифатида қолди. Илмнинг хосиятидан шундай бўлди у. Дарҳақиқат, Абулғозихон кенг ва чуқур маълумотли киши эди»³³. У ҳукмдор сифатида бекликлар ўртасидаги ўзаро қирғин урушларга хотима берувчи тadbирлар ўтказиш билан бирга, ижодкор сифатида «Шажарайи турк»³⁴, «Шажарайи тарокима»³⁵ ва «Манофёъ ул-инсон»³⁶ («Инсон учун фойдали

³⁰ Худойназаров Х. «Шажарайи турк» ва унинг ўрганилиши. Т.: 1993. – 216.

³¹ G'afforov Sh.S. va b. O'zbekiston arxitektura yodgorliklari tarixi. Samarqand: 2011. – 173b.

³² Худойназаров Х. Абулғози Баҳодирхон тарихи ва адиб. Т.: «Ўзбекистон», 1994. – 116.

³³ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 2176.

³⁴ Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. Ўзбекистан Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди, инв.№ 7668.

³⁵ Шажарайи тарокима. Ўша жойда, инв. .Уз 1223.

³⁶ Манофёъ-ул-инсон. Ўша жойда, инв. № 4017.

тадбирлар») каби тарихий-бадий ҳамда табибликка оид нодир китоблар ёзди.

Абулғозихоннинг биринчи тарихий асари «Шажарайи тарокима» деб номланиб, ўғуз қабилаларнинг, хусусан туркман халқининг келиб чиқиши ҳақида қимматли маълумот беради. Абулғози уни ёзилиши ҳақида асарда батафсил маълумот беради. 1644-йилда, яъни Абулғозихон ҳокимиятни эндиgina эгаллаган даврда туркманлар Манғишлоқ, Болхон ва Тажан дарёси атрофларида яшар эдилар. Абулғозихон ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва туркманларни ўзига тобе қилиш мақсадида улар устига кўп марталаб қўшин тортди. Муаллифнинг ёзишича, «Бир карат Хуросонда Дурунга тааллуқ Беурма теган сувнинг яқосинда бизнинг бирлан саф тортиб уруштилари. Аволдин то охиргача биз сабабли йигирма минг чоқлик кишилати ўлди. Анинг ичинда гуноҳкорлари ҳам бор эрди ва бегуноҳлари ҳам бор эрди»³⁷. Абулғозий ўз босқинчилик урушлари туфайли йигирма мингдан ортиқ туркманларнинг ҳалок бўлишига сабаб бўлгани учун ўзини улар олдида қарздор деб билган, ҳамда туркманлар илтимосини бажонидил қабул қилган. Муаллиф айтишига қараганда, «Шажарайи тарокима» туркман оқсоқоллари ва улуғ бошлиқларнинг таклифига кўра оддий турк кишиси тушунадиган, ҳатто беш яшар турк ўғлони ҳам англайдиган тилда ёзилган. Асарда Одам ато авлодлари, Муҳаммад (с.а.в) алайҳиссалом пайғамбаримизга қадар ўтган пайғамбарлар эсланади, Нуҳ пайғамбарнинг Хом, Сом, Ёфас ҳамда Ёфаснинг ўғли Турк ҳақида ҳикоя қилади, турк, мўғул халқлари тарихи сўзланади, Қорахон ўғли Ўғузхон фаолияти ҳақида тўхталади, бутун ўғуз эли ва туркман халқининг қабилавий таркиби, уруғларининг бир-бири билан боғланган нуқталари, тарихий-етногенези кўрсатиб ўтилади. Шунингдек, Хива хонлиги билан туркманларнинг сиёсий курашлари ҳам эслаб ўтилган. «Шажарайи тарокима» асари Абулғозий Баҳодирхон тахтга ўтиргандан анча вақт ўтгандан сўнг ёзилганлиги таъкидланган. Бу маълумотга қараганда, 1660—1661 йиллар орасида ижод қилинган. «Шажарайи тарокима» ёзма обидасида

³⁷ Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи тарокима. Самарқанд: 1995. – 126.

туркман қавми билан Хива хонлиги орасидаги сиёсий курашлар, туркманларни итоат қилдириш учун олиб борилган курашлар баён этилган, ўзбек ва туркман халқлари ўртасида иноқлик ўрнатилиши таъкидланган³⁸.

“Шажарайи тарокима” асари дастлаб А.Г.Туманский томонидан рус тилига таржима қилинган бўлиб, бу таржимадан В.В.Бартолд, Г.И.Карпов, С.П.Толстов, А.Ю.Якубовскийлар туркман халқининг этногенези ва тараққийоти тарихини ўрганишда фойдаланганлар³⁹. “Шажарайи тарокима”нинг А.Г.Туманский томонидан 1893 йилда амалга оширилган таржимасида⁴⁰ бир қанча камчиликлар мавжудлигини эътироф этган А.Н.Кононов ҳам асарни рус тилига таржима қилади. А.Н.Кононов фақат таржима билан кифояланмасдан унинг қиёсий матнини ва тилшунос-олим сифатида грамматик очеркни ҳам яратган. Шу нуқтаи назардан А.Н.Кононов таржимаси “Шажарайи тарокима”нинг нисбатан мукаммал наشري сифатида алоҳида илмий қийматга эга. 1995 йилда Қозоқбой Маҳмудов “Шажарайи тарокима”нинг кирилл алифбосидаги ўзбекча нашини чоп эттирди. “Шажарайи тарокима”нинг бу наشري кенг жамаотчилик учун асар билан танишиш имконини берди. Нашр ҳақида танқидий фикр билдириш бошқа масала, бироқ, унинг илмий қийматини юқори баҳолаб бўлмайди. Чунки, нашр фақатгина қисқа сўзбоши ва матннинг кирилл алифбосига табиблидангина иборатдир⁴¹.

Шу ўринда бу хусусият фақат, “Шажарайи тарокима”нинг наشريгагина хос эмаслигини, балки, бошқа ноёб дурдоналаримизнинг нашрларида ҳам кузатилишини таъкидлаб ўтиш зарурдир. Шу сабабли, “Шажарайи тарокима” ва бошқа шу каби дурдона асарларнинг ўзбек тилидаги академик нашрларини таёрлаш ва чоп эттириш ниҳоятда долзарб масалага айланиб қолди.

³⁸ Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи тарокима. Самарқанд:2005.

³⁹ Кононов А.Н. Родословная туркмен. Сочинение Абу-л-Гази хана Хивинского. – Москва - Ленинград, 1958. – Б.20-21.

⁴⁰ Ушбу нашрнинг нусхаларидан бири Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нодир китоблар бўлимида (–шифр №ПЯ 1707) сақланмоқда – С.Х.

⁴¹ Қаранг: Абулғози. Шажарайи тарокима. – Тошкент: Чўлпон, 1995. – Б.48.

“Шажарайи тарокима”нинг тўхталиб ўтиш мумкин бўлган нашрларидан яна бири 1992 йилги унинг туркман тилидаги нашридир. Ушбу нашр Р.Ражабов томонидан таёрланган бўлиб, унга ношир томонидан ёзилган сўзбоши ва кўрсаткичлар алоҳида аҳамиятга сазовордир⁴². Лекин мазкур нашрда ҳам изоҳлар берилмаган.

Жаҳон кутубхоналари фондларида “Шажарайи тарокима”нинг қуйидаги нусхалари мавжуд:

1. Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик Институти фонди. Қўлёзма №1522/V⁴³. Мазкур нусха биринчи бўлиб Йе.Кал каталогида тавсиф қилинган эди⁴⁴. Бироқ Е.Кал асарнинг охирида келтирилган 1071/1661 ҳижрий йилни асар кўчирилган йили деб қабул қилган. Унинг бу хатосига А.А.Семенов эътибор берган⁴⁵. Дарҳақиқат асарнинг охирида келтирилган сана кўчирилган қўлёзма нусхага эмас, балки асарнинг ўзига тегишли, асл нусханинг ўзи ўша асрларга хос бўлган рус фабрика қоғозида кўчирилган. Мазкур асар мажмуа таркибидан жой олган (65^а-106^а вар.). Ҳажми 15х20 см. Асарнинг нусхасидан XIX асрнинг бошларида яна бир нусха кўчирганлар ва у Д-109 рақам билан Санкт-Петербургдаги Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади.

2. Асарнинг иккинчи нусхаси А.Г.Туманскийга тегишли бўлиб, унинг вафотидан сўнг (1920 йил) Осиё музейига берилди ва бугунги кунда Санкт-Петербургдаги Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида (№А-895) сақланади. Шу нусхадан собиқ СССР ФА ротокопия қилиб, уни Турк тили жамияти (Түрк Дил Куруми)га ҳадя этади. Бу жамият мазкур ротокопияни

⁴² Абулғазў Баҳадурхан. Шежереи теракиме. Нашрга таёрловчи ва сўз боши муаллифи Р.Ражабов. – Ашхабад: Ўлим. 1992. – 112 с.

⁴³ Тавсифи: СВР. Т. I. – Ташкент:Фан, 1952. – № 171.

⁴⁴ Каль Е. Персидские, арабские и тюркские рукописи Туркестанской публичной библиотеки. – Ташкент: 1889. – С. 52-54 (– №80^г).

⁴⁵ СВР. Т. I. – № 171. – С. 72.

Истанбулда 1937 йили чоп этган⁴⁶. Бу нусхани ўз вақтида А.Н. Самойлович тавсиф қилган⁴⁷.

Асар матни кўк рангли қоғозга ўртамиёна настаълиқ хати билан кўчирилган. Ҳажми 18x11,5 см. Асар А.Г. Туманский томонидан 1дан 55 гача рақамланган. Биринчи варақча 8 варақ сарғиш-оқ ва 2 варақ кўк рангдаги қоғозлар мавжуд. Уларда турли шоирларга тегишли шеърлар ёзилган. Ҳазалларнинг аксарияти Навоийникидир. Асарнинг охириги 2 та нахзацлисти сарғиш-оқ рангда бўлиб, улар ҳам шеърлар билан тўлдирилган. Фарзацлистдаги V-VI варақларда Аҳсан шайх ва Доно отанинг шеърий “Ўғузнама”лари келтирилган⁴⁸.

Нусханинг 3^a варағида асарнинг номи “Шажарайи туркия” деб ёзилган. Нусха ражаб оийи 1237/март-апрел 1822 йили кўчирилган. Котиби: Мулло Қурбон Келди Ўроз Муҳаммад (ўғли) асли Қойихон насаби Чориқ.

3. Ўзбекистон ФА ШИ 1807 рақамли кўлёзма нусхаси⁴⁹. Асар сарғиш рус қоғозига настаълиқ хати билан кўчирилган. Бироқ асарнинг муқаддима қисми йўқ. Мазкур нусха ҳижрий 1314 йили зу-л-ҳижжа оийи/1897 йил майида Хоразмдаги Уйғур Зили қишлоғида кўчирилган нусхадан кўчирилган. Котиби “имон қалъали ўзбек тоифасидин Муҳаммад Шариф хўжажон ўғли”. 43 варақ (1^b-43^a). Ҳажми 19x19 см. Замонавий картонли муқоваси бор.

4. Ўзбекистон ФА ШИ 5973 рақамли кўлёзма нусхаси⁵⁰. Қалин оқ қоғозда, хунук настаълиқ хати билан, қора сиёҳда кўчирилган. 1^b, 2^{a,b} варақлари бир сатрли ўқувчилар дафтаридаги варақларда кўчириб, қайта тикланган. Шу саҳифаларидаги матн асарнинг 1223 рақамли нусха асосида қайта тикланган. 48^b варағида қуйидаги ёзувда бор: “Инв 764/900. Рукопис Огус(?)наме на тюркском (?)языке”. А.Н. Кононов хулосасига кўра мазкур нусха айни А.Н Самойлович Ашхобод халқ кутубхонасида кўрган ва ахборот

⁴⁶ Қаранг: Şejerei Terakime. Yezan: Ebülğazi Bahadır. İkinci Türk Tarih Kurultayı üyelerine Türk Dil Kurumu'nun armagani. Sovyet İlimler Akademisinin Türk Dil Kurumu'na gönderdiği fotokopidir.

⁴⁷ Самойлович А.Н. Один из списков “Родословного древа туркменского” Абульгази-хана // Доклады АН СССР: Серия В. –Ленинград. 19 (йили ?). – С. 39-42.

⁴⁸ Ўша жойда. – С. 39.

⁴⁹ Қисқа тавсифи: СВР. Т. I. – № 174. – С. 73.

⁵⁰ Қисқа тавсифи: СВР. Т. I. – № 174. – С. 72.

берган (ЗВОРАО, т. XVIII 1908. – С, 0161. прим. 4.) нусхадир⁵¹. Асар охирида (48^a вар.) келтирилган 1214/1799-1800 санаси, шубҳасиз асар ундан кўчирилган нусхага тегишли. Чунки тавсиф қилинаётган нусханинг қоғозида “№6, первушина синовей в Вятке” деган сув нақши бор. Ашхобод халқ кутубхонаси фондига 1900 йили келиб тушган. Котиби номаълум. Жами 48 varaқ. Ҳажми 17x21,5 см.

5. Ўзбекистон ФА ШИ сақланаётган 1223 рақамли қўлёзма нусхаси⁵². Олдинги нусхадан матни ва луғатлари фарқ қилади. Бухорода 1341 йил, ражаб ойида/1923 феврал-март, сарғиш маҳаллий қоғозда настаълиқ хати билан қора сиёҳда кўчирилган. Котиби Мирзо амон Эсан Хузорий. 58 varaқ. 18,5x22,5 см.

6. Туркменистон Республикаси Махтумқули номидаги Тил ва Адабиёт институти фондидаги 546 рақамли қўлёзма нусхаси. Олимлар буни энг ишончли ва асосий матнга яқин нусха сифатида тан олганлар⁵³.

Асар Ўрта Осиёда ишлаб чиқарилган қоғозда, қора сиёҳ билан настаълиқ хатида кўчирилган. Котиби, кўчирилган санаси ва жойи маълум эмас. Асар аввалда қайси бир мажмуанининг таркибида бўлган. Кейин ундан йиртиб олиниб, алоҳида муқоваланган. 45 varaқ (1⁶-45^a). Ҳажми 15x25 см. Саҳифада 13 сатр.

7. Туркменистон Республикаси Махтумқули номидаги Тил ва Адабиёт институти фондидаги иккинчи 555 рақамли қўлёзма нусхаси. Нусха 1931 йили 6 сентябр Гургенли Охундовдан сотиб олинган. Бу ҳақда рус ва туркман тилларида асарнинг биринчи варағида қайд мавжуд. Асар катакли ўқувчи дафтарида настаълиқ хати билан қора сиёҳда кўчирилган. 78 саҳифа. 16-33 саҳифалар оқ қоғозда 1347/1928-29 йили кўчирилган. Котиби номаълум.

Шундай қилиб, “Шажарайи тарокима” асарининг жами еттита нусхаси олимлар тадқиқотларига жалб қилинган ва уларнинг асосида асарнинг

⁵¹ Кононов А.Н. Родословие Туркмен. – С. 27-28.

⁵² Қисқа тавсифи: СВР. Т. I. – Ташкент: Фан, 1952. – № 174. – С. 72.

⁵³ Кононов А.Н. Родословие Туркмен. – С.28.

илмий-танқидий матни тузилиб, чоп этилган. Бироқ юқорида айтилганидек асарнинг ўзбек тилидаги илмий ва изоҳли нашри амалга оширилмаган.

Абулғозихоннинг иккинчи асари «Шажарайи турк» номи билан машҳур. Мазкур асарнинг асосий қисми 1663-1664 йилларда ёзилган. Унда Хоразмнинг XVI аср ва XVII аср биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий тарихи баён этилади⁵⁴. «Шажарайи турк» тарихнинг турли масалаларига (ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, этник ва ҳ.) оид эътиборга молик маълумотларга бой асардир.

Абулғози Баҳодирхон фақат тарихий асарлар ёзиш билан чекланмади. Табобатга оид «Манофе ул-инсон» (Инсон учун фойдали тадбирлар) номли асар ҳам яратди. Асар тахминан 1657-йилда ёзилган. Муаллиф Аллоҳнинг ўзига берган қобилиятлари қаторида табобат ва табиблик сирларини ўрганганлигини ёзмасада, у инсонларнинг касалликлари ва уларни даволаш усулларини яхши билганлиги яққол сезилиб туради. Китоб тўрт қисм ва 21 бобдан иборат. ЎзФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 4107-рақами билан сақланади. Асарида тиббиётнинг 120 га яқин соҳаларида касалликни даволаш ва эмлаш усулини баён этган. Аввал турли оддий дори­лар, кейин мураккаб дори­лар, уларни тайёрлаш ва қўллаш йўллари, ундан кейинги қисмларда даволаш усуллари ва даволашга доир мулоҳазалар келтирилган. Шунингдек, асарда муаллиф ўз салафларининг бу соҳага доир фикрлари ҳақида баҳс юритган. Жумладан, ревматизм, тери ва асаб

⁵⁴ Абулғозийнинг ушбу асари­дан 11 нусхаси Тошкентда (Ўз­ФА ШИ) ва ол­тита нусхаси Санкт-Петербург­да сақланади. Қаралсин: СВР. Исто­рия. – С. 154-155; Ахмедов Б. Исто­рико-географическая литература. – С. 72-78; Шу муаллиф.Тарихдан сабоқлар. – Б. 217-223; Дмитриева Л.В., Мугинов А.М., Муратов С.Н. Описаниетюркских рукописей Инсти­тута Народов Азии. I. Исто­рия. – С. 93-94; Яна қаранг: Лекции И.Н.Березина, записанные студентом В. Игнатьевым в 1866 г., 4-я лекция. / Архив востоковедов ЛО ИНА АН СССР, разряд III, опись 1. – № 31. В «Ученых записках ИВ АН СССР». VI, 1953. – С. 41 ва кейингилари (№29); Яна асарнинг бошқа нусхалари ҳақида қаранг: PertschW. DieHandschriften-VerzeichnissederköniglichenBibliothekzuBerlin.Bd.VI. Verzeichniss der türkischen Handschriften, Berlin. 1889. B. 228. №204; Rieu Ch. Catalogue of the Turkish Manuscripts in the British Muzeum. London. 1888. 282a; Blochet E. Catalogue des manuscrits tures de la bibliothèque Nationale de Paris. T. I. Paris. 1932. 232. №141; Таржималари: Desmaisons P. Aboul-Ghâzi Bèhâdour-Khan. Histoire de Mogols et de Tatares..., St.-Pbg. I, 1871 (матни). II. 1874 (таржима); Абулгази. Шаджарайи турк. Перевод Тредьяковского. (Казань) 1770; Родословное древо тюрков. Сочинение Абуль-Гази хана хивинского. Перевод и предисловие Г.С. Саблукова. Казань, 1906.

хасталиклари, умумртқа поғонаси, қўл ва оёқ буғимларида туз йиғилиши хасталикларини даволашда табиий куёш нури, маҳаллий кум, туз ва сув конларидан фойдаланган. У юрт озодалик ободончилигини, халқ соғлигини сақлашни биринчи масала сифатида қараган.

Абулғозихон ўз замонасининг йирик давлат арбоби, атоқли тарихнависи ва олими эди. Унинг қуйидаги сўзларидан келтирсак, унинг қандай шахс эканлигини яна очиқроқ тасаввур этамиз: «Бу фақирға Худойи таоло иноят қилиб қўб нимарса берган турур. Хусусан, уч хунар берган турур. Аввал, сипоҳийгарликнинг қонуни ва йўсиниким, нечук отланмоқ ва юрумак ва ёвға ёсоқ ясамоқ, кўп бирлан юруганда нечук қилмоқ, оз бирлан юруганда нечук қилмоқ. Иккинчи, маснавиёт ва қасойид ва ғазалиёт ва муқаттаот ва рубоиёт ва барча ашъорни фаҳмламаклик, арабий, форсий ва туркий луғатларнинг маъносини билмаклик. Учинчи, Одам аҳдиндан то бу дамгача Арабистонда, Эрон ва Туронда ва Мўғулистонда ўтган подшоҳдарнинг отлари ва умрларининг ва салтанатларининг кам ва зиёдин билмаклик. Бу вақтда фаҳмламакликда ва тарих билмакликда фақирдек киши шояд Ироқда ва Ҳиндустонда бўлса бўлғай, йўқ айцам ёлғон бўлғай. Аммо сипоҳийнинг йўсуни билмакликда, бу чоқда мусулмон ва кофирда биз кўриб ва эшитатурғон ерларда ва юртларда йўқ турар. Ер юзи кенг турур, эшитмаган ерларимизда бўлса ажаб эрмас⁵⁵». Бу келтирилган маълумотларга қараганда, Абулғозий шеърятни яхши тушуниш билан бир қаторда, араб, форс ва туркий тилларни ҳам яхши билган. Тарих илмидан яхши хабардор бўлган Абулғозий юқорида кўрсатиб ўтилган асарларни тасниф этган. Абулғозийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида гапирар эканмиз, биринчи навбатда, унинг мазкур асарларига мурожаат қилишга тўғри келади. Чунки ўзи тасниф этган асарларида таржимаи ҳолига оид анчагина маълумотларни келтиради. Айниқса, «Шажарайи турк» асарида ўз ҳаётига ва сиёсий фаолиятига анча батафсил тўхтаб ўтади. Абулғозий ҳақида биографик

⁵⁵ Абуғозий. Шажарайи турк. Т.: «Чўлпон», 1992. – 1676.

⁵⁵Толстов С.П. Древний Хорезм. М.: 1948: По следам древнехорезмийской цивилизации. М- Л.: 1948.-45б.

маълумотлар К.Юсуповнинг диссертасия ишида (Абулгази и Хивинское ханство в первой половине XVII века) ва А.Ю.Якубовскийнинг «Очерки по истории Туркменского народа и Туркменистана VIII — XIX вв. (216 — 233с.) номли асарида ҳам келтирилган»⁵⁶.

Абулғози издан чиққан савдо-сотик ишларини йўлга қўйишга, чет эллар билан маданий алоқага ҳам эътибор берди. У ўзининг элчиси Давлатманд орқали рус подшосига Россия билан Хива ўртасида савдо муносабатларини мустаҳкамлашни ва икки ўртада савдо муносабатлари ўрнатишни таклиф қилди. Абулғози Баҳодирхон Хива ва Ҳиндистон давлатлари ўртасида дипломатик ва савдо муносабатларини мустаҳкамлаш учун Шохбобо ва Шохжонларни элчи қилиб Ҳиндистонга юборади. Абулғози 1648 йилда Эрон шоҳига элчи юборгач, улар ўртасида ҳам савдо муносабатлари яхшиланади⁵⁷.

³⁵ Худойназаров Х. «Шажарайи турк» ва унинг ўрганилиши. Т.: 1994.

⁵⁷ Худойназаров Ҳ. Абулғози Баҳодирхон тарихчи ва адиб. Т.:1994. – 116.

1.2 «Шажарайи турк» асари яратилиши арафасидаги тарихий шароит.

Мўғуллар даврида бўлиб ташланган, Темурийлар даврида эса баъзан Самарқанд, баъзан Хуросонга бўйсунган Хоразм XVI аср бошларида кўчманчи ўзбеклар (1505-й.) ва қизилбошлар босқинига дуч келди. 1510 йилда Шайбонийхон вафотидан сўнг Хоразм ҳудуди Эрон шоҳи Исмоил томонидан бўйсундирилди. 1510-1512 йилларда Хоразмни Эрон шоҳининг ноиблари идора қилдилар. Аммо, 1512 йилда Хоразм ҳудудларида эронийларга қарши халқ ҳаракатлари бошланди. Ушбу ҳаракатга Вазир шаҳрининг (Устюртда, Кўхна Урганчдан 60 км узоқлик да жойлашган бу шаҳарни XV асрда узбек хонлардан бўлган Мустафоҳон барпо этган) қозиси Умаршайх бошчилик қилди. Қўзғолончилар Хоразмнинг Вазир, Урганч, Хива, Хазорасп шаҳарларидаги эроний ноиблар ва уларнинг қўшинларини қириб ташладилар. 1512 йилда Хоразмнинг обрўли шайхларидан бўлган Шайх Ота авлодлари кўчманчи ўзбекларнинг Берка султон авлодидан бўлган Элбарсхонга мактуб йўллаб, уни Хоразм тахтига таклиф қилдилар. Ўзбекларнинг шаҳарга яқинлашиб келаётганидан хабар топган аҳоли кечаси қизилбошларни ўлдира бошладилар ва ғалаба қозонгач, Элбарсхонни хон қилиб кўтардилар. Элбарс ва Билбарс Жўжининг бешинчи ўғли Шайбоннинг вориси Арабшоҳ авлодларидан бўлганлиги сабабли, уларнинг хонлик сулоласи Арабшоҳлар деб ҳам ном олди.

Ўзбек хонлиги ташкил этилиб орадан уч ой вақт ўтгач, Элбарсхон Урганчни эгаллаш мақсадида қўшин тортиб келди. Шаҳардан ярим фарсах масофада бўлган жангда Элбарсхоннинг қўли устун келиб, ҳоким Субҳонқули бошлиқ қизилбошлар ва уларнинг иттифоқчилари енгилди. Урганчни эгаллаган Элбарсхон Даштда қолган Ёдгорхон ўғлонларига чопар жўнатди. Орадан сал вақт ўтиб, Абулакхоннинг ўғли ва Амнакхоннинг олти ўғли элдошлари билан бирга Хоразмга келдилар.

Уларнинг кучига таянган Элбарсхон қисқа муддатда Хива, Ҳазорасп ва Катни олди. Кейинчалик эса, укаси Билбарс лашкарлари ёрдамида Хуросоннинг Махнача ва Дурун ерлари, ҳамда туркманларнинг Абулхон ва Манғишлоқ ҳудудларига тез-тез босқинчилик юришлари қилиб турди. Шундай қилиб, Элбарсхон даврида давлатнинг сиёсий географияси шаклланиб, жанубда Хуросон, шимолда Орол, ғарбда Каспий, шарқда Бухоро хонликлари билан чегарадош бўлди.

Хоразмга келиб жойлаша бошлаган ўзбек уруғ-қабила вакиллари турк-мўғул анъаналарига асосланган бошқарув тизимини жорий этиб, хонликнинг ижтимоий-сиёсий ҳолатига катта таъсир эта бошлашди. Бу даврда ўз ҳудудларини кенгайтириш ва даромадлироқ мулкларни эгаллашга интилган ўзбек султонлари ўртасида ўзаро курашни авж олдиришга туртки бўлган удел-мулк тизимининг салбий жиҳатлари яққол кўзга кўрина бошлади. Академик Я.Ғуломов тўғри таъкидлаганидек, бошқарувнинг удел тизими бирлашишга ёрдам бериш ўрнига, Хоразмдек ҳосилдор мамлакат хўжалигининг тушкунликка учрашига олиб келган эди⁵⁸.

1516-йилда Элбарсхоннинг вафотидан сўнг фарзандлари ўртасида тахт ва мансаб учун кураш бошланди. Бу даврда Ёдгорхоннинг набиралари орасида Беркенинг ўғли Султонҳожидан ёши улуғи йўқ эди. Шу сабабли, уни Вазирга келтириб, хон қилиб кўтардилар. Султонҳожининг қўшини оз бўлиб, аτροφдаги душманларига қақшатқич зарба бера олмади. Унинг вафотидан кейин тахтга Абулакхон ўғли Ҳасанқули кўтарилди. Эндиликда янги хон тахти Вазирда эмас, Урганчда жойлашганди.

Орадан бироз вақт ўтгач, барча ўзбек султонлари Урганчга ҳужум уюштириб, қамал қилдилар. “Урганч улуғ шаҳар тез-ўқ қаҳатлик бўла қолди. Бир эшакнинг калласи қирқ-еллик танга бўлди, топилмади”⁵⁹

⁵⁸ Ғуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи... - 190-191б.

⁵⁹ Абулғозихон...-125б.

дейилади “Шажарайи турк”да бу хусусида. Ўта оғир муҳтожликни бошидан кечирган Урганч аҳолиси 4 ой давомидаги қамалдан кейин таслим бўлди. Шаҳар олингач, Ҳасанқули ва унинг катта ўғли Билол Султон ўлдирилди.

Урганчда Сўфиён хон деб эълон қилинди. Вазир, Янгишаҳр, Тирсак, Хуросон, Дурун, Манқишлоқ туркманини Берка султон набираларига топширилди. Амударёга яқин Хива, Ҳазорасп, Кат, Булдумсоз, Пингичка, Боғобод, Нисой, Обивард, Чаҳордеҳ, Маҳна, Чача ҳамда дарё ирмоқлари бўйида ўтирган Абулхон ва Деҳистон туркманлари Амнакхоннинг тўрт ўғли томонидан бўлиб олинди. Хон топшириғи билан барча амалдорлар солиқ йиғиши ва пойтахтга юбориб туриши лозим эди. Аммо, ўзбек султонлари ва шаҳзодалар ўртасида сиёсий бирлик йўқ эди. Тез орада улар ўртасида ҳокимият учун ўзаро курашлар авж олиб кетди. Ушбу курашлардан фойдаланган Бухоро ҳукмдори шайбоний Убайдуллахон 1537 - 1538 йилларда, қисқа муддат Хоразмни эгаллашга муваффақ бўлди. Бироқ, Убайдуллахоннинг ҳукмронлиги узоққа чўзилмади. Убайдуллахон 1538 йилда яна Хоразмга қўшин тортди. Ҳазорасп билан Хива шаҳарлари оралиғидаги Кардаронхос деган жойда Бухоро қўшинлари мағлубиятга учради. Шайбонийлардан озод бўлган Хоразмда энди ички курашлар авж олиб кетди. Шунингдек, Урганч, Кат, Янги шаҳар, Хива, Ҳазорасп каби шаҳарлар ва вилоятлар ҳукмдорларининг марказдан қочувчи ҳаракатлари кучайиб, улар амалда ўзларини мустақил ҳисоблар эдилар. Айрим шаҳарлар бир вақтнинг ўзида иккита ҳукмдор томонидан (мас., Хивада Пўлат Султон ва Темир Султон) бошқарилди. Ўзаро курашлар айниқса Элбарсхон ва Амнакхон авлодлари ўртасида кучайиб кетди. XVI асрда Абдулғозий маълумотларига кўра, бундай курашлар натижасида қисқа муддатга ҳокимиятдан ўнлаб хонлар алмашганлар. Натижада марказий ҳокимият деярли инқирозга учраган эди. Ўзаро курашлар ва сиёсий танглик, ўз навбатида иқтисодий

ҳаётнинг ҳам издан чиқишига сабаб бўлган эди⁶⁰.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Хожимхон (Хожи Муҳаммадхон, 1558-1593/1598-1602 йй.) ҳукмронлиги даврида Хоразмдаги ўзаро урушларга бироз барҳам берилиб тинчлик ва осойишталик ўрнатилди. Суғориш ва деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо сотиқ ишларига жиддий эътибор қаратилиб ташқи савдо ҳамда муносабатлар ривож топди. Хожимхон ҳукмронлиги даврида пойтахт Урганчдан Хивага кўчирилади (айрим манбаларда XVI асрнинг 70-йилларида, айримларда эса 90-йилларда). Бунга асосий сабаб Амударё ўзанининг ўзгариб Касбий денгизга оқмай қўйиши натижасида (Урганч ва Хиванинг пойтахтга айланганлиги санаси тўғрисида - 1556 й, 1598 й, 1602- 1621 йй., 1611-1611 йй., 1610-1612 йй., 1557-1603 йй. каби фикрлар мавжуд) унинг атрофларидаги сув танқислиги бўлса, иккинчидан, Хиванинг бу даврда сиёсий ва иқтисодий мавқеи анча кучайиб, асосий савдо марказига айланиши яна бир сабаб эди. Пойтахт Хивага кўчирилганидан сўнг давлат ҳам Хива хонлиги деб атала бошланди⁶¹.

Бу орада Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II Шайбонийлар давлатини қайта тиклашга муваффақ бўлиб Хоразм ҳудудларини яна Шайбонийлар тасарруфига олиш учун ҳаракат бошлади. Чунончи, бир неча юришлардан сўнг 1593 йилда Хоразм яна Шайбонийлар қўлига ўтди. Абдуллахондан мағлубиятга учраган Хожимхон Хивани ташлаб бир гуруҳ навкарлари билан Эронга қочди ва шоҳ Аббос саройидан паноҳ топди. 1598 йилда Абдуллахон II вафот этганидан сўнг Хожимхон шоҳ Аббосдан рухсат олиб Хоразмга қайтди. Янги шароитда у Урганч билан Вазирни бошқаришни ўзига олиб Хива билан Катни Араб Муҳаммадхонга, Ҳазораспни Исфандиёр Султонга берди. 1600 йилда Хожимхон Урганч ва Вазир қалъалари бошқарувини Туркиядан келган ўғилларига топшириб, ўзи Хивада кичик ўғли Араб

⁶⁰ Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Т.: «Янги аср авлоди», 2012.

⁶¹ Рахманова Ю. Общественно-политическая жизнь города Хивы в XVI- начале XX века. Авт.-т. Канд. Ист. Наук. Т.: 2009.

Мухаммадхон билан қолади. 1601 йилда Ҳожимхон 83 ёшида вафот этгач, тахтга унинг ўғли Араб Мухаммадхон (1602-1623 йй.) ўтирди⁶².

Араб Мухаммадхоннинг дастлабки ҳукмронлиги йилларида тожутахт учун курашлар давом этди. Хусусан, 1605 йилда найман уруғи вакиллари Элбарсхон авлодига мансуб Хусрав Султонни тахтга ўтказишни режалаштирадилар. Аммо, бу фитна ошкор бўлиб, Хусрав Султон қатл этирилади. Орадан икки йил ўтгач, уйғур оксоқолларининг маслаҳати билан Солих Султон тахтга давогар бўлади, бу исён ҳам бостирилиб, Солих Султон ўлдирилди.

1616 йилга келиб тахт ва мансаб талашиш можароларига Араб Мухаммадхоннинг ўғиллари ҳам қўшилдилар. Исфандиёр Ҳазораспда, Абулғозий Султон Катда, Ҳабаш билан Элбарс султонлар Вазир ва Урганч ҳокимлари этиб тайинланган эдилар. Хон фарзандларининг ҳар бири тахтга давогар эди. Айниқса Ҳабаш султон билан Элбарс султонларнинг ҳаракатлари кескин эди. Ота - болалар ўртасидаги зиддиятлар кучайиб охир-оқибатда қонли урушга айланди. 1621 йилда Тошли Ёрилиш ариғи (Хива яқинида) ёнида Араб Мухаммадхон ва унинг ўғиллари Ҳабаш ҳамда Элбарс султон қўшинлари ўртасида жанг бўлди. Исфандиёр ва Абдулғозий султонлар отаси томондан туриб курашган бўлсаларда, бу жангда Араб Мухаммадхон енгилди. Араб Мухаммадхон аввал кўзлари кўр қилиниб Хивага жўнатилди. 1623 йилда эса Қум қаъласи яқинида Араб Мухаммадхон хотинлари, ёш ўғиллари ва иккита набираси билан ўғиллари Ҳабаш ва Элбарс султон томонидан ўлдирилди. Исфандиёр Эронга (гарчи унга Маккага боришга рухсат берган бўлса-да), Абдулғозий эса Бухорога қочиб, жон сақладилар.

1623 йилда отасининг қатл этирилганлигини эшитган Исфандиёрхон Дурун шаҳри, Абдулхон тоғларидан, туркманларнинг така, ёвмут, сариқ уруғларидан қўшин тўплаб Урганчга юриш бошлади. Урганч яқинида

⁶² Ўзбекистон тарихи. I қисм. Т. 2002. – 211б.

Исфандиёрхон ва Ҳабаш - Элбарс қўшинлари ўртасида 23 кун давом этган жангда бирлашган ака - укалар қўшинлари Исфандиёр қўшини томонидан тор-мор этилди. Элбарс қўлга олиниб қатл этилди. Ҳабаш Сирдарё бўйларидаги қорақалпоқлардан нажот сўради. Аммо, у бу ердан бошпана тополмади ва навкарлари билан қўлга олиниб, Исфандиёрхонга топширилди ҳамда уларнинг барчаси қатл этилди.

1623-1643 йиллар давомида Хива хонлиги тахтини Исфандиёрхон бошқарди. Ўзининг йигирма йиллик давлат бошқарувини Исфандиёрхон туркман қабила бошлиқларига таяниб олиб борди. Хонликнинг юқори лавозимларига туркманлар тайинланиб, уларга катта имтиёзлар берилди. Натижада ўзбек уруғларнинг Исфандиёрхон сиёсатига қарши норозилиги кучайиб борди. Исфандиёрхон тахтга ўтирган йилиёқ найман уруғларини қирғинбарот қилди. Хонликдаги ўзбек уруғлари уч бўлакка бўлиниб, бири - Манғит, бири - Қозоқлар юрти ва яна бири Мовароуннахрга кўчиб кетди. Орадан кўп ўтмасдан ўз юртига қайтиб келган ўзбеклар Исфандиёрхон томонидан қиличдан ўтказилди.

Исфандиёрхон хонлиги даврида ҳам Хоразмда тинчлик ва осойишталик ўрнатилмади. Тожу-тахт учун курашлар илгариги даврлардагидек давом этди. Хонликдаги сиёсий ҳокимиятни туркманлар қўлига бериб қўйган Исфандиёрхондан норози бўлган кучлар уни тахтдан четлатиш режаларини туздилар. Бу кучларга хоннинг укаси Абулғози бошчилик қилди. Шунингдек, Амударёнинг Оролга қўйилиш жойида (Орол бўйи)да истиқомат қилган ўзбеклар (бу ерда ўзбек қўнғиротлари катта сиёсий мавқега эга эдилар)нинг хонликнинг сиёсий ҳаётига таъсири кучайиб борди.

Манбалар маълумотларига кўра, 1643 йилда Орол бўйи ўзбеклари Абулғози султонни (1643-1663 йй.) хон қилиб кўтардилар. Хоразм давлатчилиги тарихида йирик давлат арбоби ва тарихнавис ижодкор сифатида машҳур бўлган Абулғозихоннинг ҳаёт йўли оғир кечган. Абдулғозихон отаси Араб Муҳаммад тахтдан кетгач ўзи тахтга

ўтиргунга қадар узок йиллар (йигирма йилдан кўйроқ) мухожирликда яшашга мажбур бўлган эди. У дастлаб Бухоро ҳукмдори Имомқулихон ҳимоясида, кейинроқ эса, икки йилга яқин қозоқ султони Эшимхон саройида яшаган. Шундан сўнг Тошкентга келиб бу ерда икки йил яшади. Тошкентдан Бухоро орқали Хивага қайтган Абулғозийни Исфандиёрхон босқинчиликда айблаб хибсга олади ва Исфaxon шаҳрига Эрон шоҳи ҳузурига бадарға қилади. Исфaxon яқинидаги Таборак қалъасида ўн йил асирликда яшаган Абулғози 1639 йилда ўз назоратчилари ёрдамида бандиликдан қочишга муваффақ бўлди. Шундан сўнг у бир йилга яқин Хуросоннинг Моҳин қишлоғида, икки йилга яқин Манғишлоқ туркманлари орасида яшайди. Кейин уни қалмиқ хони ўз ўрдасига таклиф этади. Бу ерда Абулғози бир йилга яқин яшагач қалмиқ хони тўплаб берган катта куч билан 1643 йилда Урганчга қайтиб, Орол бўйи ўзбеклари ёрдамида Хива тахтига ўтиради.

Абулғозихон ҳали ўзи ҳаётлик даврида Хива хонлиги тахтини ўғли Анушахон (1663-1687 йй)га топширди ва орадан олти ой ўтиб вафот этди. Анушахон Хива хонлиги мавқеи ва қудратини ошириш мақсадида отасининг ишларини давом эттирди. У Бухоро, Самарқанд ва Хуросонга бир неча марта ҳарбий юришлар уюштириб хонлик чегараларини мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтириш ҳаракатида бўлди. Анушахоннинг ҳарбий юришларида жасорат кўрсатган туркманларга бўлган муносабат ўзгарди. Хон туркманларга Хоразм воҳаси ҳамда унинг атрофларига кўчиб келишига руҳсат берди⁶³.

⁶³ Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Т.: «Янги аср авлоди», 2012.

1.3 «Шажарайи турк» асарининг ёзилиши ва ўрганилиши тарихи.

Абулғозихоннинг иккинчи – йирик асари «Шажарайи турк» номи билан машҳур. Мазкур асарнинг асосий қисми 1663-1664 йилларда ёзилган. Асар Хоразмнинг XVI-XVII асрлардаги ижтимоий сиёсий тарихини қрганишдаги нодир манбадир⁶⁴.

Абулғози асарларида феодализм давридаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давр хусусиятлари, зиддиятли ривожланиш жараёнлари, дипломатик ва савдо иқтисодий алоқалар ўша даврнинг йирик ҳукмдорларидан бирининг нуқтаи назаридан баён қилинган.

Абулғозининг асарни яратишидан асл мақсади ўз авлодларининг тарихини баён қилиш билан чекланмасдан, улар фаолиятининг бошқа асар ва манбаларда яратилмаган томонларини ўрганиш ва бу ҳақда авлодларга маълумот қолдиришдан иборат ҳам: «Аммо бизнинг ота-ақаларимизнинг бепарволиқи ва Хоразм халқининг бевуқуфлиги, бу икки сабабдин бизнинг жамоатимизнинг Абдуллахоннинг (Шайбоний Абдуллахон II (1583-1598 йй.)) оталари (Абулхайрхон (1528-1568 йй.)) бирлан бизнинг оталаримизнинг (Шайбоний Ёдгорхон (XV аср)) айрилган еридан то бизга келгунча тарихларини битмай эрдилар. Бу тарихни бир кишига таклиф қилали теб фикр қилдук, ҳеч муносиб киши топмадук, зарур бўлди (ва) ул сабабдин ўзимиз айтдук»⁶⁵.

⁶⁴ Абулғозийнинг ушбу асарида 11 нусхаси Тошкентда (ЎзФА ШИ) ва олти нусхаси Санкт-Петербургда сақланади. Қаралсин: СВР. История. – С. 154-155; Ахмедов Б. Историко-географическая литература. – С. 72-78; Шу муаллиф. Тарихдан сабоқлар. – Б. 217-223; Дмитриева Л.В., Мугинов А.М., Муратов С.Н. Описание тюркских рукописей Института Народов Азии. I. История. – С. 93-94; Яна қаранг: Лекции И.Н. Березина, записанные студентом В. Игнатьевым в 1866 г., 4-я лекция. / Архив востоковедов ЛО ИНА АН СССР, разряд III, опись 1. – № 31. В «Ученых записках ИВ АН СССР». VI, 1953. – С. 41 ва кейингилари (№29); Яна асрнинг бошқа нусхалари ҳақида қаранг: Pertsch W. Die Handschriften-Verzeichnisse der königlichen Bibliothek zu Berlin. Bd. VI. Verzeichniss der türkischen Handschriften, Berlin. 1889. B. 228. №204; Rieu Ch. Catalogue of the Turkish Manuscripts in the British Museum. London. 1888. 282a; Blochet E. Catalogue des manuscrits turcs de la bibliothèque Nationale de Paris. T. I. Paris. 1932. 232. №141; Таржималари: Desmaisons P. Aboul-Ghâzi Bêhâdour-Khan. Histoire de Mogols et de Tatares..., St.-Pbg. I, 1871 (матни). II. 1874 (таржима); Абулғози. Шажарайи турк. Перевод Тредьяковского. (Казань) 1770; Родословное древо тюрков. Сочинение Абуль-Гази хана хивинского. Перевод и предисловие Г.С. Саблукова. Казань, 1906.

⁶⁵ Абулғозий. Шажарайи турк. Т.: «Чўлпон», 1992. – 116.

«Шажарайи турк» асарини муаллиф 1663-1664 йиллар давомида ёзган. Аммо Абулғозихон асарни якунига етказа олмай оламдан кўз юмади. Асарни унинг ўғли Анушахоннинг топшириғи билан Маҳмуд ибн Мулла Урганжий деган уламо якунига етказади. Муаллиф асарни ёзиш жараёнида хасталанганлигига қарамай, уни давом эттиришга аҳд қилади: «Биз тарихни мўғул-да, ўзбек-да ўтган яхши подшоҳлар ва кенгашли бийларнинг аслини ва қилган ишларини ва айтган сўзларини барчасини бир-бир айтиб улуғ китоб қилмоқ кўнглимизда бор эди, айтайин теб юруган вақтда хаста бўлдум. Хастам узоққа тортди. Кўнглимиздин айтдим, ўла қолсам, китоб айтилмай қолур. Мен тек билур киши йўқ. Хусусун бизнинг жамоатимизни Ёдгорхондин то фақирғача ёт юртнинг кишиси билмас. Ўз халқимизда ҳеч билур киши йўқ. Пас мен мунини гўрга олиб борганимдин не фойда айтдим. Таки тўрт навесандани ўлтуртдим. Таки то Одамдин Жўчихонга келгунча гоҳ кўҳна тарихларнинг юзина боқдим. Гоҳ боқмай айтдим, анинг учун барчасин ёд билур эрдим. Шайбанхондин то ўзумга келгунча ҳеч китоб юзина боқмадим. Ўзумнинг ёдимда бор эрди айтдим»⁶⁶.

У ўз асари устида ишлаётганда бир неча ўнлаб тарихий асарларни ўрганиб тарихий ҳақиқат деб топганларини умумлаштириб ёзган. Бу ҳақда Абулхайрхон асарни ёзишга киришар экан, ўз қўл остида 18 та форсий ва туркий тилларда ёзилган манба борлигини қайд қилади. Китобда муаллиф улардан фақат иккитасини: Фазлуллоҳ Рашидиддиннинг «Жомеъ ут-таворих»⁶⁷ ва Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»⁶⁸ асарларини келтиради. Бундан ташқари, асарнинг оригинал қисмини (8, 9-боблари) ёзишда муаллиф ўзи билан ва сўраб-суриштириб тўплаган маълумотларидан ҳам кенг фойдаланган.

Ўзбекистон ФА ШИ фондларида «Шажарайи турк»нинг қуйидаги қўлёзма нусхалари сақланади:

⁶⁶ Ўша асар, – 506.

⁶⁷ Рашидиддин. Жомеъ ут-таворих. Тошкент: 1995.

⁶⁸ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент: «Шарқ», 1997.

1. Ўзбекистон ФА ШИ сақланаётган 851 рақамли қўлёзма нусхаси настаълиқ хатида, тахминан XVII аср охири XVIII аср бошларида кўчирилган. Котиби номаълум. Нусханинг боши ва охиридаги varaқлар ва улардаги матн қайта тикланган. 194 varaқ. 16x25. Асар юқори сифатли сарғиш Ўрта Осиёда ишланган қоғозга қора сиёҳда анчагина яхши настаълиқ хати билан кўчирилган. Сарлавҳалар эса қизил сиёҳ билан ёзилган. Бу нусха 194 varaқдан иборат бўлиб, ҳар бир бетдаги матн кўк, қора ва тилло сувидан ишланган зарҳал рамка ичига олинган. Асарнинг кўп ерларида хошиясига баъзи аниқликлар киритилган.

2. 7626 рақамли иккинчи қўлёзма нусхаси 159 varaқдан (17x21) иборат бўлиб, унчалик чиройли бўлмаган настаълиқ қора сиёҳ билан рус фабрика қоғозига ёзилган. Асарнинг охирида кўчирувчининг исми келтирилмаган. Бу нусха Бекжон Раҳмон коллекциясидан чиққан бўлиб, уни Бекжон Раҳмон 1924 йили сотиб олган. Бу нусха аломатларига қараганда XX асрнинг бошларида кўчирилган.

3. 7668 рақамли қўлёзма нусха. 1349/1930 йили рус фабрика қоғозига унчалик чиройли бўлмаган настаълиқ хатида кўчирилган. 280 (+1) varaқдан (14,5x21) иборат. Котиби номаълум.

4. 2056 рақамли қўлёзма нусхаси 253 (+ 4 та бўш varaқ) (16,5x27,5) varaқдан иборат бўлиб, ҳар хил настаълиқ хати билан қора сиёҳда оқ, қизил ва кўк рангли қоғозга ёзилган. 12 рамазон 1351/10 январь 1933 йили кўчирилган. асарнинг аввали ва охирида бу қўлёзма эгаси бўлган Ҳасан Мадаминов номи ёзилган муҳри бор.

5.11110 рақамли нусхани бир неча шахс настаълиқда кўчиргани маълум ва улардан бирининг номи Иброҳим Қаландар ўғли Хивақийдир. 1350/1931 йили фабрика қоғозига кўчирилган. 220 varaқдан (17x21) иборат ⁶⁹.

⁶⁹ Абулғозийнинг ушбу асаридан нусхалар Тошкентдан ташқари (Ўз ФА ШИ) яна Санкт-Петербургда ҳам сақланади. Қаралсин: СВР. История. – С. 154-155; Ахмедов Б. Историко-географическая литература. – С. 72-78; Шу муаллиф. Тарихдан сабоқлар. – Б.217-223; Дмитриева Л.В., Мутинов А.М., Муратов С.Н. Описание тюркских рукописей Института Народов Азии. I. История. – С. 93-94; Яна қаранг: Лекции И.Н. Березина, записанные студентом В. Игнатьевым в 1866 г., 4-я лекция. / Архив востоковедов ЛО ИНА АН СССР, разряд III, опись 1. – № 31. В «Ученых записках ИВ АН СССР». VI, 1953. – С. 41 ва кейингилари (№29); Яна

Абулғозининг «Шажарайи тарокима» ва «Шажарайи турк» асарларига Мунис ва Огаҳийнинг «Фирдавс-ул-икбол»⁷⁰ асарида, С.П.Толстов «Қадимги Хоразм маданиятини излаб»⁷¹ номли китобида, Я.Ғ.Ғуломов «Хоразмнинг суғорилиш тарихи»⁷², Баёний эса «Шажарайи Хоразмшоҳий» китобида ниҳоятда яхши фикрлар билдирганлар. Шунингдек, П.П.Иванов ва А.К.Боровковлар «XVI-XIX асрлар туркман тарихининг манбалари ҳақида мулоҳазалар» номли асарда, Б.В.Лунин «Ўрта Осиё тарихидан очерклар»⁷³ рисолада, М.И.Йўлдошев «Хива хонлигида ер эгалиги ва давлат тузилиши»⁷⁴ асарда, Б.В.Бартолд «Маданий ҳаёт тарихи», Қ.Муниров «Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари»⁷⁵, Б.А.Аҳмедов «Кўчманчи ўзбеклар давлати»⁷⁶ каби асарларда ҳам Абулғози Баҳодирхоннинг ижодига юқори баҳо берганлар.

Абулғози Баҳодирхоннинг фаолияти ва тарихий мероси К.Юсупов томонидан алоҳида илмий тадқиқот объекти қилиб олинган. У 1950-йилда «XVII асрнинг биринчи ярмида Хива хонлиги ва Абулғози» мавзuida номзодлик ишини ёзиб, ҳимоя қилди.

Абулғозининг асарлари Шарқ тарихчи ва олимларинигина эмас, балки рус ва бошқа чет эл олимларининг ҳам диққат этиборини XVIII асрдаёқ ўзига торта бошлади. Жумладан, рус тарихий адабиётларида хорижий тиллардан таржима қилинган асарлар қаторига 1770-йилдан «Шажарайи турк» асари ҳам қўшилди. Муаллифнинг «Шажарайи турк» асари 1825-йилда Қозонда Румянцев, 1854-йилда Г.С.Саблуков, 1871-

асарнинг бошқа нусхалари ҳақида қаранг: Rieu Ch. Catalogue of the Turkish Manuscripts in the British Museum. London. 1888. 282a; Pertsch W. Die Handschriften-Verzeichnisse der königlichen Bibliothek zu Berlin. Bd.VI. Verzeichniss der türkischen Handschriften. – Berlin. 1889. B. 228. – №204; Blochet E. Catalogue des manuscrits turcs de la bibliothèque Nationale de Paris. T. I. – Paris. 1932. – P.232. – №141; Таржималари: Desmaisons P. Aboul-Ghâzi Bêhâdour-Khan. Histoire de Mogols et de Tatares... – St.-Pbg. I, 1871 (матни). II. 1874 (таржима); Абулғози. Шажарайи турк. Перевод Тредьяковского. (– Казань) 1770; Родословное древо тюрков. Сочинение Абуль-Гази хана хивинского. Перевод и предисловие Г.С. Саблукова. – Казань, 1906.

⁷⁰ Шермухаммад Мунис. Муҳаммадризо Огаҳий. Фирдавс ул-икбол. Т.:2010. – 382б.

⁷¹ С.П.Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Т.:1964. -437б.

⁷² Я.Ғ.Ғуломов. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Т.:1959. -323б.

⁷³ Лунин Б.В. Очерки по истории Средней Азии. М.: 1958.

⁷⁴ Йўлдошев М.И. Хива хонлигида ер эгалиги ва давлат тузилиши.

⁷⁵ Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. Т.: ЎзФА нашр., 1960.

⁷⁶ Аҳмедов Б. Кўчманчи ўзбеклар давлати.

йилда П.И.Демизонлар томонидан, «Шажарайи тарокима» асари эса 1898 ва 1966-йилларда бир неча мартаба рус тилида нашр этилди. «Шажарайи турк»нинг рус тилига таржимаси Россия олий ўқув юртларида Шарқ халқлари тарихи ва тилини ўқитиш ишига ҳам ижобий таъсир этди. Масалан, Қозон Давлат дорилфунунининг профессори И.Н.Березин туркий халқлар тарихини ўқитишда Абулғозининг асарларига ҳам таянган: «Турк хрестоматияси» номли китоби ва дорилфунун талабаларига ўқиган маърузаларида «Шажарайи турк» таянч манбаи бўлиб хизмат қилганлигини олимнинг ўзи таъкидлайди.

Ғарбий Европада эса асар немис, инглиз, француз тилларида, ҳатто Америкада ҳам таржима қилиниб нашр этирилди. Европа бу асар билан XIX асрнинг иккинчи чорагида танишди. Полтав яқинидаги ғалабадан сўнг Сибирга жўнатилган швед офицерлари Тоболскда Абулғозихоннинг кўлёмаси ва унинг мундарижаси билан танишгач бу асар таржимаси устида ишлай бошладилар. Бу илмий тадқиқотнинг асосий ташаббускори Филипп Иоанн Табберт Штраленберг эди. Рус тилини яхши билган бухоролик охунд Абулғозихон асарининг таржимасини рус ёзувчисига баён қилган. Ўз навбатида швед Шенстрем рус тилидаги таржимадан фойдаланиб асарни немис тилига таржима қилишга муваффақ бўлади. Бу таржима 1780-йилда “Abulgasi Bahadur Chan’S Geschlecht buchder Mungalischen Chanen, auseiner turkischen Handschrift udersetzt von Dr.D.G.Messerschmid, 1780” Мессершмидт таҳрири остида чоп этилган. Асар немис тилига таржима қилинишидан олдин француз тилида 1726-йил Брюсселда «Histoire genealogique des Tatars, traduite du manuscript tartare d’Abulgasi – Bahadur – Chan, et enrichie d’un grand nombre de remarques et tres curieus sur le veritable estat present de l’Asie septentrionale, aves cartes geographiques necessaries. ParD.» номи остида нашр қилинган. Бу нашрга Бендик томонидан изоҳ берилган. Ушбу француз тилидаги таржима ўз навбатида асарнинг инглиз тилидаги таржимаси (1780) учун ҳам асос бўлиб хизмат қилди. Рус олими Тредиаковский асарни француз тилидан рус тилига «Родословная история о

татарах, переведенная на французский язык с рукописных татарской книги, сочинения Абулгачи-Баядур-Хана... а с французского на Российской в Академии наук» (1770) номи билан икки томда нашр қилдирилади.

Мазкур асарнинг матни 1825 йили Қозон шаҳрида академик Френъ томонидан нашр этилган эди. Бу матнга Френъ томонидан латин тилида сўзбоши ҳам ёзилган. Сўнгра бу асарнинг матни (1871) ва француз тилига қилинган таржимаси 1874 йили Санкт-Петербургдаги Шарк тиллари институтининг профессори барон Демезон томонидан нашр этилган. Биринчи жилдда асарнинг матни ва иккинчи жилдда эса унинг француз тилига қилинган таржимаси берилгандир. Биринчи жилдда асар матни охирига исм кўрсаткичи ҳам келтирилган. Биринчи ва иккинчи жилдга барон Демезон тарафидан француз тилида сўзбоши ёзилган. У бундай деб ёзган эди: «Мен биринчи жилдда Абулғозий Баҳодирнинг «Мўғуллар тарихи» номли асарининг матнини нашр қиламан. Иккинчи жилд эса унинг таржимаси ва асарга ёзилган шархдан иборат бўлади.

Мазкур матн, ҳозирда Император фанлар академиясининг Осиё музейида сақланаётган ва Даль қўлёзмаси номи билан шуҳратланган қўлёзма асосида нашр қилинаётир. Бу қўлёзма менинг томонимдан Қозон нашри ва Геттинген ва Берлин Қўлёзмалари билан солиштирилиб чиқилди. Менинг Даль қўлёзмаси ҳақида М.Френга ёзган хатимга қаранг. Мазкур «Абулғозийнинг «Шажарайи турк» асарининг қўлёзмаси» номли хат 8 июнь 1838 йили, Бюлл с. ИВ, №12 сонидан босилган.

«Бу қисқагина сўзбоши охирида мен қуйидагиларни айтиб ўтишни лозим деб топдим. Матн нашр этилгандан сўнг, М.Лерш орқали Абулғозий асарининг яна икки қўлёзма нусхаси мавжудлиги ҳақида хабар топдим. Бу қўлёзманинг бири академик Френнинг Қозон нашри сўзбошисида келтирган маълумотларига қараганда, марҳум М.Ярцовга тегишли бўлган. Иккинчиси эса М.Лерш томонидан Хивадан келтирилган. Бу қўлёзма ҳақида иккинчи жилдда тўхталиб ўтиш

имкониятига эгаман.

Х февраль 1871 йил, барон Демезон».

Орадан бир йилдан кўпроқ ўтгандан сўнг, мазкур асарнинг француз тилига қилинган таржимаси нашрига қуйидаги сўзбоши барон Демезон томонидан ёзилган эди: «Жаноби академик Френнинг Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» асарининг 1825 йил Қозон нашрига ёзган илмий сўзбошисидан сўнг, менга бу асарнинг илмий қиймати ва унинг шу кунгача бўлган нусхалари ҳақида кўп гапириб ўтиришга тўғри келмайди.

Илмий жамоатчиликнинг назар-эътиборига ҳавола қилинаётган бу таржима 1837-йили тамомланган эди. Бу таржима, ҳозирда Петербургдаги Император фанлар академияси музейи сотиб олган Даль қўлёзмаси асосида қилинган бўлиб, Берлин, Геттингем қўлёзмалари ва Қозон нашри билан синчиклаб солиштириб чиқилган (1837 йили Петербургдаги Император фанлар академиясининг Бюллетенида босилган менинг М.Френга ёзган хатимга қаралсин).

Узоқ муддат сафарда бўлишим ва хизмат билан банд бўлганлигим таржимани нашр этишга монелик қилиб келди. Узоқ вақт мен ориенталистларимиздан бирон-бир киши бу тарихий асарнинг таржимасига киришар деган умидда бўлдим. Шу вақтгача бу иш амалга ошмаганини кўриб, қилган таржимамни нашр қилишга қарор бердим. Шу билан бир қаторда, бу асарнинг янги матнини тайёрлаш ҳамда нашр қилиш вазифасини ўз зиммамга олдим. Чунки Қозон нашри фаннинг долзарб талабларига жавоб беролмай қолди.

Бугун таржимамни нашрга топширишдан олдин кўздан кечирган вақтимда унинг Осиё тарихи ва географиясига оид бир қанча шарҳларини ҳам топиб олдим.

1837 йилдан бошлаб Европа айниқса, Россияда татар ва чигатой диалектларини ўрганиш ва Марказий Осиёнинг тарихи ва географиясини билиш борасидаги қўлга киритилган муваффақиятлар туфайли 30-

йилларда диққатга сазовор бўлган баъзи шарҳлар энди ўз қадрини йўқотган эди. Бу ортиқчаларини мен ўз таржимамдан чиқариб ташладим ва матнни тушунишда зарур ва фойдали бўлганларинигина қолдирдим.

Шарҳларни тузишда мен қуйидаги асарлардан фойдаландим:

1) Фазлуллоҳ Рашидуддиннинг «Монгол уруғлари ва Чингизхон тарихи» (Березин нашри. Петербург, 1861).

2) Мирхонднинг «Равзат ус-сафо».

3) Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр».

4) Хондамирнинг «Хулосат ул-ахбор».

5) Тарихи Банокатий.

6) Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий».

7) Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома».

8) Ибн ал-Асирнинг «Китоб ул-хайр (Комил) фит-тарих».

9) Масъуд ибн Усмон Кўҳистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний».

10) «Тарихи Муқимхоний».

11) Роқимнинг «Тарихи Темурий».

12) Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн».

13) «Восточная библиотека Эрбало».

14) «Описания Китая» Малля.

15) «История монголов от Чингизхана до Тимурлянга» Оссона.

16) «История Кассимовских царей» Вельяминова-Зернова, Спб., 1870.

17) «Монеты Бухарские и Хивинские» Вельяминова-Зернова, Спб., 1859.

18) «Шейбани-наме». История монголо-тюрков на джагатайском диалекте. Издание Березина, Казань, 1849.

Жаноби академиклар Дорн ва Вельяминов-Зернов ва М.Лерш ва бошқаларга ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни билдираман.

Мен матнни нашр қилиб бўлганимдан сўнг М.Лерш менга Хивада сотиб олган Абулғозийнинг бу тарихий асарининг бир нусхасини лутфан

марҳамат этди. Лекин бу унчалик тўлиқ нусха эмас экан... Яна Петербургда, университетда «Ярцов қўлёзмаси» номи билан машҳур нусха ҳақида ҳам гапириб ўтмоқчиман. Бу нусханинг кўп жойлари тушиб қолган бўлиб, кўчиришда жуда кўп хатоликларга йўл қўйилган. Бу нусхадан мутлақо фойдаланиш мумкин эмас. Мен ўз таржимамда Абулғозийнинг мазкур асарида учрайдиган хонларнинг номи бўйича икки генеологик жадвал ҳам келтирдим. Бу жадвал ва бошқа маълумотлар М.Лерш назорати остида босилди... Номлар билан лиқтўла бу асар устида иш олиб борганимда хатоликларга йўл қўйган бўлишим мумкин. Шунинг учун ўқувчилардан афв этишларини сўрайман. Чунки инсон хатодан холи эмас...»¹. Барон Демезон, Санкт-Петербург, 16 май 1872 йил. Барон Демезон бу нашрнинг сўзбошисида, ҳақиқатда ҳам «Қозон» наشري фаннинг долзарб талабига жавоб беролмай қолди, — деб тўғри айтган. Чунки биз бу асарни нашрга тайёрлаш борасида, акад. Френь, барон Демезон томонидан нашр этилган матнларни ва ЎЗР Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтга қўлёзмалари фондида 851 рақами остида сақланаётган Абулғозийнинг «Шажарайи турк» асарининг энг қадимий нусхасини ва бошқа нусхаларини солиштириб ўргандик. Бу солиштириш борасида ҳақиқатда ҳам Қозон наشريда анча камчиликларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Шунингдек, барон Демезон наشريда ҳам баъзи камчиликларга йўл қўйилган. Баъзи камчиликларга қарамай, ўша вақтларда Абулғозийнинг мазкур «Шажарайи турк» асарининг юқоридаги олимлар томонидан ўрганилиши, айниқса, акад. Френь ва барон Демезон томонидан унинг матнлари нашр қилиниши ва француз тилига таржима қилиниши мақтовга сазовор ишлардан бири бўлган.

Кейинчалик бу асар устида Г.С.Саблуков жиддий иш олиб борди. Г.С.Саблуков бу асарни рус тилига таржима қилди. Сўзбоши ёзди ва асар охирига кўрсаткич ҳам тузди. Унинг бу таржимаси 1906 йили Қозонда нашр этилган.

Г.С.Саблуков ҳам мазкур сўзбошида «Шажарайи турк»нинг ўрганилиш тарихига ҳам тўхтаб ўтади.

Сўзбошида Г.С.Саблуков ҳам юқорида айтилган барон Демезон фикрини аниқ маълумотлар асосида тасдиқлайди. У ҳам Френъ нашрининг тўлиқ эмаслигини таъкидлаб, тушиб қолган ерларини кўрсатиб ўтади. Шунингдек, таржима қилишда қайси нусхаларга асосланганлигини ёзган.

Г.С.Саблуков ҳам қўлида мавжуд бўлган Френъ, барон Демезон нашрлари ва қўлёзмаларга таянган ҳолда таржимани қанчалик тўғри ва тўлиқ қилишга ҳаракат қилса-да, яхши қўлёзма нусхаларнинг йўқлиги туфайли у ҳам баъзи камчиликларга йўл қўйган. Чунки ҳар хил номларни ва сўзларни келтиришда ўша Френъ ва Демезон нусхаларидан келиб чиққан.

Шундай қилиб, Абулғозийнинг мазкур «Шажарайи турк» номли асарининг матни акад. Френъ ва барон Демезон томонидан нашр этилган ва рус, ғарб тилларига таржима қилинган. Бу матнларнинг нашрига ва таржималар аввалига Абулғозийнинг ҳаёти ва унинг бу асари ҳақида мулоҳаза юритувчи сўзбошилар ҳам ёзилган. Унинг мазкур асари ва ҳаёти ҳақида ҳар хил журналларда ва энциклопедияларда қисқача маълумотлар ҳам ёзилган⁷⁷.

Рус олими Г.Саблуковнинг қайд этишича, асар матнидаги ибораларнинг аниқроқ тушунтирилиши ҳамда тарихий билимларнинг манбалар асосида тўлдирилиш мақсадида канцлер граф Н.П.Румянцев Абулғозихон асарининг нашри учун маблағ ажратди ва асар Қозон университети типографиясида чоп этилди⁷⁸.

Венгрия фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, машҳур шарқшунос олим Г.Вамбери 1863 йилда Техрондан чиқиб Каспий денгизининг шарқий қирғоғи бўйлаб саёҳат қилади. Ана шу саёҳат

⁷⁷ Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик. Т: «Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр.». 2002. – 126.

⁷⁸ Абуль –Ғази –Багадур –Хан. Родословное древо тюрков. Москва –Ташкент – Бишкек: 1996. – 6-9с.

давомида Абулғозининг «Шажарайи турк» китобини қўлга киритади ва у билан мукамал танишади. Китоб шарқшунос олимга кучли таъсир этади. Шу боисдан ҳам у «Шажарайи турк» асарига юксак баҳо берган эди.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Абулғозихоннинг «Шажарайи турк» асари ўтмишда Шарқ тарихчилари, рус ва Ғарбий Йеуропа шарқшуносларининг эътиборига сазовор бўлган ноёб асарлардан бўлиб келган. У қарийб уч асрдан буён туркий халқлар тарихи бўйича қимматли манба сифатида ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. «Шажарайи тарокима» ва «Шажарайи турк» асарларининг тарихшунослик фанида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида бир қатор илмий текшириш ишлари олиб борилди. 1938 йилда яратилган «XVI-XIX асрлар туркман тарихининг манбалари ҳақида мунозаралар» ҳамда 1958-йилда нашр этилган «Ўрта Осиё тарихидан очерклар» номли китоблар Абулғозининг тарихчилик фаолияти тўғрисида ҳам баҳс юритган асарлардандир. «Абулғозининг асарлари яна шунинг учун ҳам муҳимки, мазкур муаллифдан илгари бундай асарлар яратилмаган эди, шунингдек, улар вужудга келган ва кейинги XVIII—XIX асрлар учун ҳам характерли бўлиб қолаверган Хива — туркман муносабатларини ва туркманларинг Бухоро на Эрон билан ўзаро алоқаларини тушуниш учун жуда бой материал беради»⁷⁹.

«Абулғози Баҳодирхон ўзининг муаррихлиги билан мўғул, турк тарихчилари орасида шуҳрат қозонганва шу билан бир вақтда Хива ҳукмрони (1643-1663) бўлиб, унинг асарлари Россия ва чет эл тилларида ҳам таржима қилингандир»⁸⁰,— деб ёзади олим А.Семенов. Айниқса, Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон халқлари тарихини ёритувчи тарихшунослар Абулғозий асарларига таянч манбаи сифатида мурожаат қилганлар⁸¹.

⁷⁹ИВАНОВ П.П. Оценки по истории Средней Азии. М.: 1958. - 31б.

⁸⁰Семенов А. А. Собрание Восточных рукописей ,том I. Т.: 1952, 72- б.

⁸¹ Худойназаров Ҳ. «Шажарайи турк» ва унинг ўрганилиши. Т.:1993. -8б.

Шунингдек, академик Я.Ғуломов «Хоразмнинг суғорилиш тарихи» номли монографиясини яратишда Абулғози асарларига кўп мурожаат қилади. «Янги Урганч барпо этиш, Урганч каналини қуриш, Гурландан шимолда Вазир истехкомини солиш каби тадбирлар хон Абулғози даврида тугатилади. Шундай қилиб, унинг даврида чап қирғоқ Хоразмнинг жанубий ерларини иккинчи марта ўзлаштириш бошланган. Хоразмнинг бу маърифатли ҳукмрони ўз ота-боболарининг кўчманчилик одатларидан воз кечиб, шаҳар ва деҳқончилик воҳасининг маданиятини ўзлаштирди. Ғозобод канали ва ундаги истехком (Ғозовот) ҳам Абулғози номи билан боғлангандир»⁸².

Академик М.И.Йўлдошев Хоразмдаги уруғларнинг таркиби ва тузилишини ўрганишда Абулғозихоннинг тадбиркорлигини баён этиб: «Абулғозихон томонидан кўрилган тадбирлар тўғрисида Шермуҳаммад Мунис асарида келтирилган маълумотлар ҳам уруғларнинг таркиби ва тузилишини ўрганиш учун диққатга сазовордир»⁸³,— деган эди.

XX асрнинг дастлабки йилларидан бошлаб Абулғози асарлари тилшунос олимларни ҳам қизиқтириб келмоқда. Бир қанча атоқли туркшунослар ўзбек адабий тили тарихига бағишланган илмий-назарий ишларида Абулғози асарларидан унумли фойдаланганлар.

1957-йилнинг 4-11-июн кунларида Тошкентда ўтказилган Бутуниттифок шарқшуносларининг биринчи илмий-назарий конференциясида «Хивалик Абулғозихон асарлари — ўзбек адабиёти ва тилининг ёдгорлиги сифатида» деган мавзуда маъруза қилинган. Маърузада Абулғозихон адабий меросини тўплаш, тизимлаштириш ва улар устида ҳар томонлама, чуқур илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор берилди. 1958 йилда эса, А.Н.Кононов томонидан Абулғозининг «Шажарайи тарокима» асари рус тилига таржима қилиниб, танқидий матни нашр этилди. Бу асарга таржимон

⁸²Ғуломов Я. Хоразмнинг суғорилиши тарихи. Т.: 1959. – 303б.

⁸³ Йўлдошев М.И. Хива хонлигида ер эғалиги ва давлат тузилиши. Т.:1959. - 81б.

қисқача сўз боши ёзган.

А.М.Шчербакнинг 1959-йилда Москвадаги Шарқ адабиёти нашриётида «Ўғузнома ва муҳаббатнома» номли китоби босилиб чиқади. Бу китоб қадимги уйғур ва эски ўзбек ёзувлари ёдгорликларига бағишланган бўлиб, унда Ўғузнома муносабати билан Абулғозининг «Шажарайи турк» асарига ҳам анчагина ўрин ажратилган. Бу икки асар тадқиқотчи томонидан таққосланади ва улардан илмий-назарий хулосалар чиқарилади. А.М.Шчербак Ўғузхоннинг афсонавий тарихини ёритувчи қўлёзмаларнинг турли хил вариантларни бир-бирига қиёслаб кўриб, шулар орасидаги энг кўп тарқалгани, аҳамиятлиси ва қадимгиси Абулғозининг «Шажарайи турк»да келтирилган варианты, деган хулосага келади. У уйғур варианты билан «Шажарайи турк»даги айрим деталларни, яъни ёй ва олтин ўқларни қўллаш ўринларини қиёслаш орқали ҳам Абулғозининг қўлида бизгача етиб келмаган «Ўғузнома»нинг қадимийроқ нусхаси бўлган, деб ҳукм чиқаради. Баъзи бир тарихчиларнинг Абулғозихон Ўғузхон ҳақидаги далилларни Рашидиддиннинг «Жоме ат-таворих» асаридан олган деган бир томонлама фикрларига қарши чиқиб, олим бундай деб ёзади: «Умуман, Абулғозининг қўлида Ўғуз ҳақида бизгача етиб келмаган ишончли, қадимий нусханинг бўлиши ҳақиқатдир... Рашидиддиннинг «Жоме ат-таворих»идан ўзлаштирилган бир қанча фактларни Абулғози Эронда бўлган вақтида бошқа форс ёзувчиларининг тарихий хроникаларидан ҳам ўқиб ўрганган. Дарвоқе, Ризо Нурнинг «Абулғози Ўғуз ҳақидаги афсонани бутунича Рашидиддиндан ўзлаштирган» деган фикри асосли эмас. Абулғозининг Ўғуз ҳақидаги баёнига ва умуман «Шажарайи турк»ка тил нуқтаи назаридан турли хил белгиларнинг аралаш ишлатилиши характерли хусусиятдир. Ғарбий ва жанубий тил қатламларининг мавжудлиги ҳамда муаллифнинг ижтимоий келиб чиқиши унинг Хива шевасига яқинлигидан далолат беради. «Ўғузнома ва муҳаббатнома» номли китобда «Ўғузнома вариантлари»,

«Ўғузноманинг мазмуни ҳақида», «Афсонанинг тили ва ёзилган жойи», «Афсонанинг тили ва қадимги ўзбек қарлук-уйғур тилларининг ўзаро алоқадорлик муаммоси» номли бўлимларда ҳам Абулғозининг «Шажарайи турк» асари тилига оид қимматли мулоҳазалар баён этилган.

Таникли туркшунос С.И.Иванов Абулғозихоннинг «Шажарайи турк» асари бўйича кўп йиллар давомида тадқиқот иши олиб бориб, самарали меҳнатининг маҳсули сифатида «Абулғозихоннинг «Шажарайи турк» асари («Родословное древо тюрок» Абулгазихана») номли монографиясини ёзди. Монография 1969 йилда Тошкентда нашр этилган. Тилшунос олим 1970 йилда «Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» асарида феъл ва ном» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

«Шажарайи турк» ҳақидаги монографияда асар тилининг грамматик қурилиши ҳозирги замон тилшунослик фанининг ютуқлари ҳисобга олинган ҳолда янгича метод асосида таҳлил қилинган. Кўриниб турибдики, тилшунослигимизда ҳам тарихшунослигимиздагидек, Абулғозининг «Шажарайи турк» асари ҳар томонлама ва кенг ўрганилмоқда.

Айни чоғда, 40-йилларда «Шажарайи турк»ни ўрганишга киришган, «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси»ни тайёрлаб нашриётга топширган адабиётшунос Олим Шарофиддинов 1945 йилда нашр этилган «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси»нинг иккинчи китобида «Шажарайи турк» китоби ҳақида қисқача маълумот ва ундан айрим намуналар бериб: «Абдулғози Баҳодирхон бинни Арабмуҳаммад ўзбек хонлари ичида Бобурдан кейинги муҳим шахсдир. Унинг маданият тарихида қилган ишлари улуғ»⁸⁴,— деб адибга жуда тўғри баҳо беради. А.П.Абражеев 1944-йилда, «Абулғози Баҳодирхон «Шажарайи турк» асарининг адабий аҳамияти» мавзуида номзодлик диссертациясини ёзди ва ҳимоя қилди. А.П.Абражеев ўз тадқиқотида биринчи бўлиб

⁸⁴ Ўзбек адабиёти тарихи. I жилд. Т.: 1988, 531- бет.

«Шажарайи турк»нинг адабий аҳамиятини ўрганишга киришди, асарнинг қурилиши, унга киритилган қўшимча эпизодлар, иштирок этувчилар таърифи, воқеалар тасвиридаги бадиийлик, тил ва услуби ҳамда шеърларнинг бадиий қимматини ёритишга интилки ва қисман муваффақиятларга эришди. Тадқиқотчи Абулғози сиймосини асарнинг бош қаҳрамони, худди бадиий образ сифатида талқин этишга берилиб кетади. Лекин «Шажарайи турк»нинг композицион тузилиши, бадиий қиммати, турли-туман бадиий тасвир воситалари, пейзаж, портрет тасвири, халқ урф- одатлари, фольклор унсурлари каби жуда кўплаб жиҳатларини мукаммал тадқиқ этмайди.

Мазкур асарни ўрганиш борасида кейинги йилларда ҳам айрим ишлар қилинди. М.Юнусовнинг «XIX аср шоири Комил Хоразмий ижодиёти» мавзuida ёқлаган номзодлик диссертациясида, В.А.Абдуллаевнинг «XVII—XVIII асрларда Хоразм ўзбек адабиёти» мавзuida ёқлаган докторлик диссертациясида ва Ҳ.Кўрўғлининг 1969-йилда Москвада «Ўғузларнинг қаҳрамонлик эпоси» деган мавзуда ёқлаган докторлик диссертациясида ҳам Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» ва «Шажарайи тарокима» номли асарлари таянч манбаларидан бири бўлиб хизмат қилган. Э.Рустамов ҳам ўзининг «XV асрнинг биринчи ярмида ўзбек шеърлятига бағишланган монографиясида ўқ ва ёй таърифи, тавсифида бошқа манбалар қатори Абулғозининг «Шажарайи турк» ва «Шажарайи тарокима» асарларига мурожаат этган.

Олтмишинчи йилларга келиб, олий ўқув юртлари учун ўзбек адабиёти тарихидан дарсликлар яратилиши муносабати билан Абулғози Баҳодирхон фаолияти ва ижоди олий ўқув юртлари учун яратилган «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигининг иккинчи китобида муаллиф В.А.Абдуллаев Абулғози фаолиятига «XVII аср тарих асарлари ва тазкиралар» бўлимида бирмунча ўрин ажратган⁸⁵. Китобхонлар, талабалар дарслик орқали Абулғози ва унинг меросининг адабий

⁸⁵ Абдуллаев В. А. Ўзбек адабиёти тарихи, Тошкент, 1964, 14- бет.

қиммати ҳақида ҳам маълум даражада тасаввур ҳосил қиладилар.

«Шажарайи турк» тарихий манба сифатида ҳам, бадий-адабий, сиёсий ёдгорлик сифатида ҳам Абулғози ижодида мумтоз ўрин тутди ва ўзбек адабий прозасининг етакчи хусусиятларини ўзида ифода этади. «Шажарайи турк»да XVI-XVII аср Хоразм тарихини тасвирловчи тарихий воқеалар мавжуд. «Шажарайи турк»да эсдалик тарзида баён қилинган насрий парчалар, ривоятлар ҳамда, муаллифнинг ўз саргузаштлари ва азоб-уқубатлари шу қадар жонли акс эттирилганки, у бадий асардай ўқилади. Абулғози асарларининг туркий халқлар тарихига, Хоразм тарихига оид маълумотлари муҳим аҳамиятга моликдир. Шунингдек, халқ оғзаки ижоди билан яхши таниш бўлган Абулғози мазкур асарларида кўплаб афсона ва ривоятларни ҳам келтиради. Абулғози Баҳодирхон ўтмишдошлари анъанасини давом эттириб, улардан илҳомланиб, феодал ўзаро урушлар ва унинг салбий оқибатларини акс эттирди.

Абулғозихон асарнинг 7, 8 ва 9-бобларининг бир қисмини (1644 йилгача кечган воқеалар тарихини)ёзиб улгурган. 1-6-боблар ва 9-бобнинг давоми (1644—1664 йил воқеалари) Анушахоннинг топшириғи билан Маҳмуд ибн мулла Муҳаммад Урганжий томонидан ёзилган.

2-боб. «Шажарайи турк» асарида тарихий воқеаларнинг баён этирилиши

2.1. Асарда ўзбек уруғлари сулолавий курашларининг акс этирилиши

«Шажарайи турк» асари тўққиз бобдан иборат бўлиб, қисқа муқаддима билан бошланади. Асарнинг биринчи бобида Аллоҳ Одамни яратганидан то Мўғулхон туғилгунигача бўлган давр қисқача баён қилинган. Чунки мусулмон Шарқда асарни шундай бошлаш анъанага айланиб кетган эди. Бунда албатта бошқа тарихий асарлардаги сингари афсона ва ривоятларга мурожаат қилинган.

Иккинчи бобда Мўғулхоннинг туғилганидан то Чингизхонгача бўлган давр акс этирилган. Бунда тарихий воқеаларнинг афсоналар билан қоришиб кетганлигини кузатиш мумкин. 3-боб эса, Чингизхоннинг туғилганидан вафот этганлигига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. 4-бобда Ўдагай қоон ва унинг авлодининг ҳукмронлиги ҳақида сўз юритилади. 5-боб Чигатойхон авлодининг Мовароуннаҳр ва Қошғарда подшолик қилганлиги, кейинги боб Тулухон авлодининг Эронда ҳукмронлик қилганлиги, 7-боб эса Жўчихон авлодининг Дашти Қипчоқда подшолик қилгани ҳақидадир. 8-боб Жўчихоннинг ўғли Шайбонхон авлодининг Мовароуннаҳр, Қрим, Қозоқ ва Туронда хон бўлганлиги ҳақида баён этилган. 9-боб Шайбонхон авлодининг Хоразмда подшолик қилганлигининг зикридир. Бу боб асарнинг энг қимматли қисми бўлиб, айнан мана шу бобда муаллиф Хива хонлигида XVI-XVII асрнинг иккинчи ярмидаги сиёсий, ижтимоий тарихи баён қилинди. Муаллиф уни ёзар экан, ўша даврдаги ижтимоий муҳитни, отаси ҳамда акалари ўртасидаги тож-тахт учун олиб борилган курашни, шунингдек ўзининг қочоқликда юрган кезлари, уруш ва мағлубиятларини тўлиқ ёритишга ҳаракат қилади.

Асарда Абулғози Баҳодирхон ўтмишдошлари анъанасини давом эттириб, улардан илҳомланиб, феодал ўзаро урушлар ва унинг салбий оқибатларини акс эттирди. Тарихий воқеаларни баён қилишда улар

каби ҳикоя ва ривоятларга мурожаат этди. Чунончи, Гулбаданбегим ўзининг «Ҳумоюннома»⁸⁶ асарида ўзбошимчаликларни бартараф қилиш ва Ҳиндистонни забт қилиш учун Ҳумоюннинг қайта отланганлигини қаламга олади. Асарда Ҳиндолнинг ўлдирилиши, Комрон кўзининг кўр қилиниши, Ҳумоюннинг буйруғи билан Комроннинг ўлдирилиши каби тарихий воқеалар Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» асаридаги воқеаларга, яъни Арабмуҳаммаднинг кўр қилиб ўлдирилиши, Асфандиёрхон томонидан Абулғозининг Эронга сургун қилиниши, Афғоннинг рус подшолиги ихтиёрига Москвага юборилиши каби тарихий воқеалар билан монанд келади. Асосий масала бу ўхшашликда эмас, тарихда такрорланиб турувчи тож-тахт учун курашларни илғор нуқтан назарда туриб қаламга олишда Абулғозига Гулбадаибегим анъаналарининг қўл келганлигидадир.

Шунингдек, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланом» асари Ўрта Осиё халқларининг XVI асрдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ўрганишда катта ўрин тутди. Асар 1534 йилдан 1539 йилгача Ўрта Осиё, Қозоғистон ва қисман Афғонистон ва Хуросонда бўлган сиёсий воқеаларни ўз ичига олади. Бу асарнинг 56—88- саҳифасигача қадимий афсоналар ўрин олган. «Шажарайи турк»нинг ҳам 8—88- саҳифасида ана шундай воқеалар бериладики, бу жиҳатдаи бу икки асарнинг бошланмаси бир-бирига ўхшаб кетади. Зотан Абулғозининг «Шажарайи турк» асаридаги Нуҳ пайғамбар, Олонқува ва унинг фарзандлари ҳақидаги ҳикоялар «Абдулланом»даги афсоналарни эслатади.

Шунингдек, Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» ва «Шажарайи тарокима» номли асарларининг қадимий афсоналардан бошланиши бу икки асарда муаллиф бир хил усул қўллаганлигидан дарак беради. Чунончи, «Шажарайи тарокима»нинг 17—41-саҳифаларида ҳам қадимий афсоналар жой олган.

Абулғози анъанасини давом эттирган Мунис ва Огаҳийнинг

⁸⁶ Гулбаданбегим. Ҳумоюннома, С. Азимжонов таржима-си, Т., 1959.

«Фирдавсул-иқбол» асарида эса, «Шажарайи турк»да ёзилмай, туширилиб қолдирилган воқеалар тўлдирилади. Мунис ва Огаҳнй бу ишни бажарар эканлар, улар ҳам бу асарни одатдаги афсонавий ривоятдан бошлайдилар. «Фирдавсул-иқбол»нинг ҳам энг қадимий даврлардан бошланиши Абулғозининг «Шажарайи турк» асарининг бошланишига ўхшайди.

Абулғози ўз асарларини яратишда халқ оғзаки ижодиётига, халқ афсоналарига дастлабки манба сифатида мурожаат қилган ва ундан фойдаланган. Бу афсоналар Абулғозига қадар оғиздан-оғизга, наслдан-наслга ўтиб, ёки тарихий китоблар саҳифаси орқали етиб келган иккинчи асосий манба муаллиф фойдаланган тарихий китоблардир. Муаллиф бир неча ўнлаб тарихий китобларни жуда синчиклаб ўрганган ва тарихий ҳақиқат деб топганларини ўз асарида умумлаштираб берган. «Шажарайи турк»нинг яратилишида асосий роль ўйнаган манбалар Абулғози кўрган, иштирок этган на ўз бошидан кечирган тарихий воқеалар, саргузаштлардан иборатдир. Ана шу манбалар «Шажарайи турк» асарининг йўналишини белгилаб беради. Юқорида қайд этилганидек, муаллифнинг асосий мақсади Хоразм шоҳларикинг ёзилмай қолган тарихини тиклашдан иборат бўлса-да, муаррих ўз асарларини узоқ ўтмишдан бошлайди. Тарихий ва бадиий асарларни бундай бошлаш мусулмон Шарқида анъанага айланиб кетган эди. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си ҳам, Рашидиддиннинг «Жомеъ-ут-таворих»и ҳам шундай бошланган. «Шажарайи турк»да ҳам бу анъана давом эттирилган.

Юқорида таъкидланганидек, асарнинг биринчи бобида Одам атодан то мўғул хонигача бўлган тарихий воқеалар тасвири берилган. Муаллифнинг баёнида аниқ тарихий воқеалар баёнидан кўра афсоналар ҳикоя қилиш устунлик қилади. Масалан, «Худойи таоло Одам алайҳиссаломни яратқанининг зикри» қисми «Қуръон» ва бошқа диний-дидактик китоблар баёнига асосланган. Чунончи, «Ёфасни баъзилар

пайғамбар эрди, теб турурлар ва баъзилар пайғамбар эрмас, теб турурлар. Ёфас отасининг ҳукми бирлан Жуди тоғидаи кетиб Атил (Итил) ва Ёйиқ сувининг ёқосига борди, икки юз эллик йил айда турди. Таки вафот тобди. Саккиз ўғли бор эрди. Авлоди бисёр кўб бўлиб эрди... Ёфас ўларинда улуғ ўғли Туркни ўрнида ўлтуртуб, ўзга ўғлонлариға айттиким, Туркни ўзларингизга подшоҳ билиб, анинг сўзидин чиқманг. Туркка Ёфас ўғлони теб лақаб қўйдилар. Бисёр адаблик ва оқил киши эрди, отасидин сўнг куп ерларни юруб кўрди. Таки бир ерни хушлаб, анда ўлтурди. Бу кун ул ерларни Иссиқкўл дерлар... Кунлардан бир кун овға чиқиб кийик ўлтуруб, кабоб қилди. Ёб ўлтуруб эрди, илгидин бир турғам эт ерга тушди. Ани олиб еди эрса, оғзига бисёр хушмаза келди, анинг учун ул ер тузлоқ эрди. Ошға туз солмоқни ул чиқарди»⁸⁷.

Агар бунга ўхшаш ва ундан олдинги «Худойи таолонинг одам ва пайғамбарларни яратгани» ҳақидаги афсоналар билан қиёслаб кўрсак, унда қандайдир ҳақиқат мавжудлигини сезамиз. Бу инсоннинг туздан фойдаланишига доир бир тарихий ҳақиқатдир. «Шажарайи турк»да афсонавий, ярим тарихий, соф тарихий воқеалар ўзига хос тасвирга эга. Биринчи турдаги воқеалар тасвирида жанговар кайфият биринчи ўринга кўтарилади. Соф тарихий воқеалар тасвирида эса, реалистик баён устун бўлиб қолади.

Асарнинг иккинчи бобидаги тарихий воқеалар афсона ва ривоятлар билан қоришиб кетган. Бу бобда мўғул хонининг зикри берилиб, Мўғул Мунг номли тарихий шахснинг подшоҳлик қилгани, бу тоифадан тўққиз кишига подшоҳлик муяссар бўлгани, бу ҳақда Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарининг муқаддимасида ёзилганлиги айтилади ҳамда халқ орасида тўққиз ўлчови шу тарихий воқеадан келиб чиққанлиги ҳақида ривоят бор экани маълум қилинади: «Асл Лафз Мўғул Мунгул турур Авомнинг тили келмаслиқидин бора-бора Мўғул тедилар. Мунгнинг маъносин барча турк билурлар, қайғу маъносида

⁸⁷ Абуғозий. Шажарайи турк. Т.: «Чўлпон», 1992. – 156.

турар. Улнинг маъноси соддадил, яъни қайғули содда темак бўлур. Бу тоифадан тўққиз киши подшоҳлик қилдилар. Аввали Мўғулхон охири Элхон. Шарафиддин Яздий «Зафарнома»нинг муқадимасинда айтиб турур: Турк халқининг ичинда расм турур ҳар нимарсани тўққуз қилмоқ. Ул тўққузни мўғулнинг тўққуз хонининг юзидин олиб турур»⁸⁸.

Абулғозихон халқ орасида пайдо бўлган урф-одатнинг (яъни туздан фойдаланиш одатининг) пайдо бўлиши берилган бўлса, сўнгра то ҳозирги кунларга қадар халқимиз орасида қўлланиб келинаётган «тўққиз-тўққиз» расм-русумларининг тўққиз мўғул хонидан келиб чиқишини кўрсатган. Биз асарда тарихий воқеаларнинг афсона ва ривоятлар билан қоришиб кетган ҳолда берилишини ҳам, уруғ номларининг келиб чиқиши этимологиясини ҳам мана шу тарзда асослашга интильганини кузатишимиз мумкин.

Асарда муаллиф кўп уруғларни эл деб атайдди. Айниқса бир-бирлари билан ораси бузилиб кетган қариндошлардан уйғур элининг юзага келиши ҳақидаги афсона диққатга моликдир. Ана шу услуб, яъни тарихий воқеалар баёнида афсона ва ривоятларнинг қоришиқ ҳолда берилиши то XVII аср тарихий воқеаларининг баёнига қадар давом этади. XVII аср воқеалари баёнига келиб услуб ўзгаради, яъни тарихий воқеалар баёнида афсона ва ривоятлар ўрнини бевосита бўлиб ўтган тарихий воқеа-ҳодисалар тасвири эгаллайди.

Асарнинг саккизинчи-тўққизинчи боблари аниқ воқеа ва материалларга асосланган. Энди муаллиф фольклор ва тарихий манбалардан фойдаланишдан воз кечиб, ўз кўзи билан кўрган, ўзи иштирок этган ёхуд ота-оналари, ака-укалари, қариндош-уруғлари билан боғлиқ саргузаштларни баён қилишга киришади. Бундай тарихий воқеалардан бирин сифатида «Ҳожимхоншиғ зикри» воқеасини кўрсатиб ўтиш мумкин. Муаллиф бу тарихий воқеа баёнида Ҳожимхоннинг ёшлиқ йиллари, авлод-аждодлари, тахтга чиқиш тарихи, Абдуллахон ва

⁸⁸ Ўша асар, 176.

унинг оға-иниларн билаи тож-тахт талашишларини зикр қилади.

Абулғози XVII асрга оид бошқа тарихий воқеаларнинг баёнини берар экан, ҳукмрон табақа манфаатларини унутмайди. У гарчи асарнинг дастлабки саҳифаларидан то сўнгги саҳифаларига қадар тарихий воқеаларга холис муносабатда бўлишга интилиб, халқ оғзаки ижодиёти материалларига, афсоналарга, тарихий манбаларга ниҳоятда эҳтиёткорлик ва ҳурмат билан ёндашса-да, айрим тарихий шахслар ва фактларни шарҳлашда ўзининг сулолавий ёндашув йўлидан четга чиқолмайди. Масалан, Чингизхонни кўп ўринларда идеаллаштиради, ҳатто унинг босқинчилигини ҳам қораламайди. Лекин Абулғози ўзининг ёшлик йилларини тасвирлар экан, ота ва акалари ўртасидаги тож-тахт учун юз берган хунрезлик урушларини ҳам, ўзининг жанглардаги ютуқ ва мағлубиятларини ҳам, қочоқликда юрган йилларини ва бу йиллардаги дўст ва душманларини ҳам очиқ тасвирлайди. Абулғозининг Хабаши ва Элбарс султон номли ўз акаларига қарши, отаси тарафида туриб жанг қилганини, ёв ғолиб келгач, қочгани, энгагидан ўқ еб, суяклари пора-пора бўлгани, ўлим ҳолатидан базўр қутулиб, бир қанча вақт қувғинда яшагани ҳақида «Абулғозииннг 20 ёшидан то 23 ёшигача бошидан ўтказганиннг зикри»да берилган воқеалар тасвирида холислик яққол кўзга ташланиб туради.

Адиб уч йиллик воқеалар тафсилотини баён қилар экан, ўзи билан қўл остидаги кишилар ўртасида юз берган зиддиятларни ҳам очиқ-ойдин ифодалайди: «Биз йигирма ёшимизда эрдук. Қелур йил сичқон йили куз экинин олгандин сўнг барча халқ Асфандиёрхонни бориб кўрмакликни муносиб кўрдилар. Муҳаммад Шариф султон бирлан қўшулиб, отланур бўлганда бир кеча Шариф Муҳаммадни уч яхши кишиси бирлан ўзумнинг икки яхши кишимни чақирдим. Тақи айтдим, энди борамиз. Сизлар не айтасизлар. Барчалари бормоқни муносиб кўрдилар. Асфандиёрхондан ҳеч кўркунчинғиз борму?—теб сўрадум. Йўк, тедилар. Мен айтдим, сизлар шарт қилинг кишига айтмасликка, мен

кўнглимга келганин айтайин, онт ичдилар. Мен айтдим, Асфандиёрхон юрт олғали бир йил бўлди. Қирдан келган туркманларнинг яхшиларин не учун рухсат бермай сақлаб турур. Албатта онларга қилган бир ваъдаси бор. Биз борган сўнг ўзбекни қирар. Иложи не турур?— теб сўрдилар эрса, айтдим, Асфандиёрхон қатиға биз бормасак. Хевақда турган ўзбекни қира билмас, бормағали. Агар бормокни ўхшатсангиз, Хевақга яқин етганда ўзбек ва туркман Асфандиёрхоннинг навкарларининг барчаси бизга қарши келурлар. Туркманни шул ерда қирали, тақи Асфандиёрхоннинг олдина борали. Бўйнимизга фута солиб, арз қилали: «туркман фикрсиз, кам ақл халқ ва ҳам бизим бирлан қири душман. Анинг учун жонимиздин қўрқтук»⁸⁹.

Бу эпизодлар Абулғозининг тарихий воқеалар баёнида холис йўл тутганлигига далилдир. Бироқ Абулғози ҳам Ўрта Осиёда феодал тузум инқирозга юз тута бошлаган даврнинг фарзанди эди. Ҳар қандай муаллифнинг ҳам дунёқараши ўз даври ижтимоий тафаккури ва маданий савияси билан чамбарчас боғлиқ бўлади, давр ижодкор дунёқарашида ўчмас из қолдиради. Шу туфайли ўша ижодкорнинг яратган асарларида ўз даври билан боғлиқ бўлган айрим чекланишлар бўлиши табиийдир. Абулғозининг «Шажарайи турк» асари ҳам бундан мустасно эмас.

Кучли марказлашган давлат тузиш, айрим майда хонликлар ва бекликлар ўртасидаги қирғин урушларга барҳам бериш, элу юртга осойишталик бахш этишга интилиш Абулғозихон даври учун ижобий аҳамиятга эга эди.

«Шажарайи турк»да тарихий воқеалар баёнида икки хил йўналишни кўрнш мумкин: биринчиси — уруғ ва қабилалар, элу элатлар ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар, иккинчиси — тарихий шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятлари билан боғлиқ бўлган тарихий воқеалардир. Элу-элатларга тегишли бўлган бадиий лавҳаларда ўша элатларнинг кундалик юмушлари, турмуши ҳақида маълумотлар берилган. Масалан, «Қорлуқ элининг

⁸⁹ Ўша асар, 1706.

зикри»да: «Қорлуқ эли Мўғулистонда Берк тоғларининг ичинда юрт қилиб ўлтурдилар. Экин экарлар эрди ва моллари ҳам бўлур эрди. Бир яхшисини подшоҳ кўтариб, ул ўлса яна бирисини, ва кўп эрмаслар эрди»⁹⁰.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, «Шажаран турк» асарининг дастлабки саҳифаларидаги элатларнинг турмуши ҳақидаги ҳар бир тарихий воқеа тасвири ўша элатларнинг турмушини кўрсатувчи ҳикоялар даражасига кўтарилганлигидир. Бунга мисол қилиб, «Уйғур элининг зикри», «Найман элининг зикри» «Жалоир элининг зикри» ва бошқа жуда кўпгина шу тахлитдаги зикрларни кўрсатиб ўтиш мумкин. «Урманқит» элининг зикри»да «Бу элнинг юртлари қалин ёғочнинг ичинда турур. Анинг учун Урманқит от қўйдилар. Буларнинг юртлари қирғиз вилоятини яқин бўлур... Булардан бошқа тақиб бир Урманқит отли эл бўлур. Иккисининг бир-бирига ҳеч қариндошлики бўлмас. Бу айта турганимиз ўз олдини бир бошқа эл турур. Тақиб бири мўғул, нукуз ўғлонлариндин турур. Урман ичинда кўп ўлтурган учун онларга ҳам Урманқит от қолиб турур»⁹¹, дейилган бўлса, «Татар элининг зикри»да қуйидаги тасвирга дуч келамиз:

«Анинг оти қадимда ва бу вақтда ҳам машҳур турур. Қадим етмиш минг эвлик эрдилар. Кўп уруқ эрдилар. Ҳар қайсиси фалон элмиз теб айтурлар эрди. Ҳар уруқлари бошқа-бошқа ҳар ерда ўлтурурлар. Аммо яхшилари ва кўпраки Хитойга яқин. Буюрнавур тегин ерда ўлтурурлар эрди. Хитой подшоҳларини итоат қилиб хизмат қилурлар эрди. Гоҳ-гоҳ Хитой билан ёв бўлурлар эрди. Анда Хитой подшоҳи лашкарлар юбориб, ўлтуртиб ва чаптуртуб, тақиб ўзиға боқитурур эрди. Бир неча кўп эллари Айқирамуран теган сувнинг ёқасинда ўлтурурлар эрди. Айқирамуран қирғиз вилоятининг тушиндин ўткандин сўнг кўп сувлар анга қўшулур, тақиб улуг сув бўлур. Тақиб бориб Ачи (Аму) тенгизига қуяр. Қуйган еринда, тенгсиз ёқасинда бир улуг шаҳар бўлур. Кентлари кўп, кўчиб юруган моли, эли кўп. Йилқисининг барчаси ола, ўзга ранг бўлмас. Ул шаҳрнинг отини Алақчин дерлар. Анинг

⁹⁰ Ўша асар, 326.

⁹¹ Ўша асар, 346.

яқинида кумуш кони бўлур. Ул элнинг қозони, табақи ва оёғи барчаси кумушдин бўлур. Ўзбекнинг олали йилқили, олтунли ўчоқли эл бўлур эрмиш тегани бу турур»⁹².

Абулғози ўз китобининг таъсир кучини ошириш мақсадида тарихий воқеаларни жонли, таъсирчан шаклда беришга, содда жумлаларда баён этишга интилади. «Шажарайи турк»нинг дастлабки бобларида шахсларнинг дунёга келишлари, фаолиятлари ҳам кўпичча афсонавий йўналишда, диний тусда берилади. Масалан, «Ўғузхоннинг дунёга келганининг зикри» қуйидагича бошланади: «Қорахоннинг улуғ хотунидин бир ўғли бўлди. Кўркали ойдин ва кундин ортуқ. Уч кеча- кундуз онасин эммади. Ҳар неча ул ўғлон онасининг тушига кириб, айтур эрди: «Эй она, мусулмон бўлғил. Агар мусулмон бўлмасанг ўлсам ўларман, сенинг эмчагингни эммасман!»— теб. Онаси ўғлига қиё билмади, тақи Тангрининг борлигина имон келтурди. Андин сўнг ул ўғлон эмчакни эмди. Онаси кўрган тушини ва мусулмон бўлганини кишига айтмади, тақи яшурди. Анинг учун ким турк халқи Ёфасдин Аланчахон замониғача мусулмон эрдилар. Аланчахон подшоҳ бўлгандин сўнг халқнинг боши ва моли кўп бўлди. Давлатга эсардилар. Тақи Тангрини унутдилар ва барча эл кофир бўлдилар. Қорахон замонида кофирликда андоғ маҳкам эрдилар ким, агар отаси мусулмон бўлганин эшитса, ўғли ўлдурур эрди»⁹³.

Шундан сўнг Ўғузхоннинг уйланиш тарихи ва фаолиятлари деярли муболағали тарзда тасвирланади. Агар ёзувчининг элатлар ҳақидаги тасвирларида ўша элатларга тегишли турмуш шароити, урф-одат масалалари воқеаларнинг ғоявий йўналишини ташкил қилса, тарихий шахслар ҳақидаги тасвирларда ўша шахсларгагина алоқадор бўлган тарихий воқеалар қаламга олинади. Тарихий шахслар ҳақидаги ҳикояларнинг баъзиларида турк уруғларининг шажараси тарихининг тасвири берилади. Ана шу жиҳат Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» асарининг қимматини

⁹² Ўша асар, 34-356.

⁹³ Ўша асар, 17-186.

белгилайди. Мисол учун «Жўчихон бинни Чингизхоининг бешланчи ўғли Шайбанхоннинг авлодиндин Хоразмда подшоҳлик қилганларнинг зикри» ҳикоясига эътибор берайлик:

«Отлик ўзбек ул иккисининг отини абё араб тер. Пўлод ўлгандин сўнг, отасидин қолган элларни иккиси бўлушуб, ики оға-ини бир ерда кўчуб ва кўнуб ёйиқнинг бошин ёйлаб ва Сирнинг оёқин қишлаб тотулик бирлан умр ўтказдилар. Араб ўлгандин сўнг ўғли Ҳожи Тўли отаси ўрнинда ўлтуртуб элга подшоҳлик қилди. Анинг бир ўғли бор эрди, Темур шайх отлик. Ҳожи Тўли ўлар бўлганда Темур шайхни ўрнига ўлтуртуб кетди. Темур шайхнинг йигитлик вақтинда қалмоқдин икки минг киши келиб элин чошиб қайтди. Темур шайх кейинидин қува бориб, чирик йиғилмасдин бурун етиб урушти. Тақи бостирди-да, анда шаҳид бўлди. Ҳеч фарзанди йўқ эрди. Элни ёвға чобтирди. Тўрасиндин айрилди ва подшоҳдин ини ва ўғли қолмади. Уч умидсизлик бир-бирининг устина бўлди. Бу сабабдин ён ёноша ўлтурган халқ ўзга тўраларга келдилар. Анда уйғур халқининг оқсақоллари йиғилиб ўрду эшикина келдилар. Тақи хонимга киши юбордилар. Тақи айтдилар ким эл барчаси кетди. Биз тақи кета турурмиз. Тузларин бахил қилсунлар. Яна бир сўз ими буким, хоининг хотунларн ва қумалари кўп эрди. Муни яхши қаратсунлар, агар ҳар бирининг бўюнда бўлса кетмалинг. Ул бўлгунча ўлтуралинг. Бу сўзни эшиткаидин сўнг хоним айтди: «ўзғасининг бўюнда йўқ. Менинг уч ойлик ўғлоним бор». Бу сўзни эшитгандин сўнг уйғур халқи ўрду бирлан бирга ўлтурди. Найман халқи кетиб эрди. Бу сўзни эшитгандин сўнг ўзга тўрага бориб навкар-да бўлмади... Хоним олти ойдин сўнг бир эркак ўғул топди. Отини Ёдгор қўйдилар. Уйғур халқи бир кишини юбордилар, юруб барча кетган эллардин севинчи тилагил теб. Ул киши ул найман халқина борди. Онлар бир қора қашқа от севинчи бердилар. Тақи қайта кўчуб ўрду қатиға келдилар эрса, янги туқган ўғлонни энагаси кўтариб отасининг қурунушхонасина келтуруб тўрда ўлтурди. Сўл Мўғул расминда ўнгдин улуғ бўлур. Анинг учун ким бадан мулкининг подшоҳи юрак турур. Юракин тангри таолло сўл ёқда яратган турур. Найманни уйғур меҳмонсен

теб, сўлда ўзидан юқори ўрин берди. Бу вақтгача найманнинг юқори ўлтурмоқлигининг сабаби ул турур... Андин сўнг отасидин қолғон навкардари умид қилгани келдилар...»⁹⁴.

Ҳикоянинг давомида Ёдгорхоннинг вояга етиши, давр-даврон суриши, фарзандлари ҳақидаги қайдлар мавжуддир. Биз юқорида кўриб ўтганимиздек, Абулғозининг «Шажарайи турк» асарида тарихий воқеаларнинг тасвири баъзан эл-элатлар ҳақидаги ҳикоялар, баъзан турк уруғларининг келиб чиқиш тарихи ҳақидаги ҳикоялар келтирилади.

Кейинги боблардаги тарихий шахслар ҳақидаги ҳикояларда турмуш зиддиятлари яққолроқ кўзга ташлана бошлайди. Масалаи, «Ақатонхоннинг зикри» ҳикоясида Юнусхон ўз рақибларининг сиқуви натижасида Урганчдан Бухорога қочишга мажбур бўлади, отаси кетида қолган Қосим султон қуйидаги фожиага дучор бўлади:

— «... Қосим султон отасиндин адашти. Отаси тўғри Бухорога кетди. Уғли кеча юриб тангла бир берк қамишнинг ичинда бора эрди, бир чунгил сув учради. Ул вақтдин бери ани хон чунгили дерлар... Ул куп айда ётди. Қатинда бир кишиси бор эри, анга айтди: «Бир ердин озук олали, йўқ эрса мундин Бухорога озуксиз нучук борурмиз» теди. Навкари айтди, сен мун- да ўлтур. Мени ҳеч киши танимас, элга бориб озук олиб келайин теб, отланиб кетди.

Тақи илғаб Урганчга Ҳожимхон олдина келди. Тақи кўрганин айтди. Ҳожимхон киши юбориб тутуб келтуртиб ўлуртди»⁹⁵.

Абулғози феодал тарқоқлик ва бошбошлоқлик авж олган даврда яшар экан, марказлашган давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ва уни мустаҳкамлаш сиёсати туфайли ўзини Чингизхоннинг меросхўри ва сиёсат соҳасидаги кичик издоши деб билади ҳамда эътиқодига доимо содиқ қолишга интилади. Абулғози ўзбеклар билан туркманлар ўртасидаги ўзаро урушларни тасвирлар экан, ўзининг миллий жиҳатдан чегараланганини ҳам намойиш этади.

⁹⁴ Ўша асар, 114-1156.

⁹⁵ Ўша асар, 1396.

2.2. Асарда тарихий шахслар ҳаёти баёни

«Шажарайи турк»да 400 дан ортиқ тарихий шахсининг номи тилга олинган, улардан 110 кишининг ҳаёти ва фаолияти қисқача баён этилган. Булар: хонлар, амалдорлар, шахзодалар, лашкар бошлиқлари, аскарлар, деҳқонлар, хунармандлар, чорвадорлар ва бошқалардир. Асарда тилга олинган шахсларни икки гуруҳга — афсонавий ва тарихий шахсларга ажратиш мумкин. Бироқ, шуниси борки, муаллиф афсонавий шахсларни ҳам аниқ тарихий шахслар сифатида тасаввур қилади, уларни тарихда ҳақиқатан ҳам яшаб ўтган шахслар, яъни туркий халқларнинг энг биринчи аجدодлари сифатида китобхонларга тақдим қилади. Абулғози туркий халқлар уруғлари номларининг этнографиясини ҳам тарихий шахсларга олиб бориб боғлайди. Масалан, барча туркий халқлар, муаллифнинг ёзишича, Аланчахон деган шохнинг «Татар ва Мўғул исмли ўғилларидин» (18-бет) тарқалган экан. Албатта бу туркий халқлар этногенезининг илмий асоси бўла олмайди. «Ўғузхоннинг дунёга келганининг зикри» бобига қадар ўндан ортиқ тарихий шахслар фаолияти ҳақида гап кетади. Бироқ муаллиф уларга жуда қисқа ўрин ажратади. Фақат икки киши — Ўғузхоннинг бобоси Мўғулхон ва отаси Қорахон ҳақида биров кенгроқ сўзлайди. Муаллиф бу ўринда ота билан ўғилни бир-бирига қарама-қарши қўяди, мусулмонлик эътиқодини тарғиб этади, Мўғулхонни халқ орасида яхши фазилатлар билан шуҳрат топган киши сифатида тасвирласа, «Қорахон замонида эл андоқ кофир бўлиб эрдик, ичларинда бир мусулмон қолмай эрди»,— деб таърифлайди.

Абулғозихон Ўғузхонни мусулмон, «яхши одам» маъносида таърифлайди ва унинг фаолиятига ўз асаридан анчагина ўрин беради. Булар «Ўғузхонни дунёга келганининг зикри», «Ўғузхоннинг хон бўлганининг зикри», «Ўғузхоннинг Туркманистон, Ҳиндистонга юрганининг зикри», «Ўғузхоннинг Эрон, Шом, Мисрға юрганининг зикри», «Ўғузхон юртина келиб тўй қилганининг зикри» бўлимларидир. Абулғози ана шу «ҳикоят»да майда элатларни бир йириклашган давлатга айлантириш йўлида Ўғузхоннинг хатти-ҳаракатларини маъқуллайди. Шундан кейин муаллиф, «Ўғузхоннинг

Ўғлонлари ва набиралари отларининг зикри»ни баён қилишга ўтади. Шулардан Ойхон, Юлдузхон, Тенгизхон, Элхон, Севинчхон, Қирғизхон кабиларни келтиради. Ойхон ҳақида «яхши одил, оғир ва адаблик киши эрди. Ота ва ақасининг айтган насиҳатлари ама-л қилиб кўп йиллар отасининг солғон йўлидан юруб, ҳақ раҳматига кетди»⁹⁶,— Манглайхон тўғрисида «Тақи яхши подшоҳ эрди. Ул тақи бир неча йиллар эт еб, қимиз ичиб... ойдай, кундай сулувларни кучуб ва симобдай йўрғаларни ва елдай югурукларни миниб, кўнгли теган ерларга учиб, ўғли Тенгизхонни ўз ўрнида ўлтуртуб, ул дунёга кетди»⁹⁷,—деб таърифлайди.

Абулғози Ўғузхонга унинг аждод ва авлодларидан кўра алоҳида ҳурмат билан ёндашади. Бунинг эса маълум сабаблари бор эди, албатта. Марказлашган йирик феодал давлати тузиш ва уни мустаҳкамлаш Абулғозининг асосий муддаосидир. Шунинг учун ҳам у ана шу йўлда қилинган ҳатто ҳар қандай қирғинни, қаттиққўлликни ва қотилликни гуноҳ санамайди. Шу боисдан Ўғузхоннинг диний эътиқоди ҳам, йирик марказлашган давлат тузишдаги фаолияти ҳам Абулғозини мамнун қилади. Муаллиф Уғузхоннинг туғилиш ва чақалоқлик даврини муболағали услубда тасвирлагани каби Чингизхоннинг ҳам туғилишини афсонавий тарзда тасвирлайди: «Чингизхон таърих беш юз тақи тўққизда тўнғуз йилинда мўғул юртинда дунёга келди. Бир қўли юмуқ эрди. Энага бўлган хотун қўлини очти, кўрдиким бир пора уюшқан қон. Муни келиб отасига айтдилар. Ўлтурган халқ ҳеч киши билмади. Бир киши айтди, бу ўғлон улуғ подшоҳ бўлур. Ер юзининг барчасин олур. Кўп элларни ва вилоятларни қатли ом қилур. Бу қон анинг нишонаси турур теди. Ул кишининг тега ни тек бўлди. Отаси отини Темучин қўйди. Хон кўтарганда Чингиз лақаб қўйдилар»⁹⁸.

Муаллиф Уғузхон ва унинг авлодларига беш зикр бағишлаган бўлса, Чингизхоннинг фаолиятига йигирмадан ортиқ зикрлар бағишлайди. Бунинг сабаби шунда бўлса керакки, Ўғузхон ҳақидаги тарихий маълумотларга

⁹⁶ Ўша асар, 276.

⁹⁷ Ўша асар, 276.

⁹⁸ Ўша асар, 486.

караганда, Чингизхон ҳақидаги тарихий манбалар ва маълумотлар Абулғози ихтиёрида кўпроқ бўлган. Шунинг учун ҳам Чингизхон фаолияти Ўғузхон фаолиятига нисбатан муфассалроқ ёритилгандир. Асарда «Чингизхоннинг 13 ёшиндин 40 ёшинача қилган ишларининг зикри», «Чингизхоннинг найман эли билан урушиб ғолиб келганининг зикри», «Чингизхоннинг Кирайт, Ўнгхон билан урушиб ғолиб келганининг зикри», «Чингизхоннинг Маркит элини ва андин сўнг бориб, Тонкут юртини олганининг зикри» турур. «Чингизхонни найман Буйруқхоннинг устига, Чингизхоннинг Хитой ва Қора хитой ва Журча (чурчит) вилоятларини олганининг зикри», «Чингизхоннинг Маҳмуд Ялавач теганни элчи қилиб Султон Муҳаммад Хоразмшоҳга юборганининг зикри» каби боблар бор.

Абулғози Чингизхонни баҳодир, шунқор ва мард киши сифатида тасвирлашга ҳар қанча интилмасин, унинг маълумотлари ва воқеалар тасвири Чингизхоннинг мустабидлиги, золимлиги ва шафқатсизлигини фош этади: «Қатти ва узоқ уруш бўлди. Ахирул амр худой таоло Чингизхоннинг қўлини юқори қилди. У шул куни беш-олти минг кишини ўлтурди. Тайжутдан тири тушган яхши кишиларни боғлатиб қўйди. Тақи етмиш ерда қазон остурди. Тўлтура сув солдурди. Сув қайнаган вақтда қўлун ва оёқин боғлаб, ҳар қозонга бир кишининг боши қўли солиб, икки оёқин юқори тутуб турдилар. То маҳара пишгунча. Андин сўнг отланиб Тайжут элина борди. Чопди. Яхшиларининг ўғлон ўшоқин банда қилди. Ёмонларни суруб келтуруб ўз элига қўшти. Ул эл қўшилгандин сўнг кучли бўлди. Оти ва овозаси мўғул ичинда шуҳрат топти»⁹⁹.

Шундаи кейинги зикрларда ҳам Чингизхоннинг ҳарбий юришларидаги жаҳонгирлик, шафқатсизлик, қасоскорлик воқеалар баёнида ёрқинроқ олиб борилади. Масалан, «Чингизхоннинг Бухоро атрофига юриганининг зикри»да Бухоронинг йигирма минг қўшинини нобуд қилиб, масжиди Жомеъга от билан бостириб кирган қаҳр-ғазабли босқинчининг қиёфаси гавдалантирилади. Чингизхон қиёфасида қасоскорлик, уста нотиклик,

⁹⁹ Ўша асар, 50б.

шафқатсизлик хусусиятларининг қоришиб кетганини кўрамиз. Бу ўринда Абулғози «Шажарайи турк»ка асос бўлган манбаларга ижодий ёндашганлигини ҳам айтиб ўтиш зарур. Улардан тарихий шахслар қиёфаларини қайта чизганда ҳам, фаолиятларини қайта яратганда ҳам, биз ана шу ҳолатни кўрамиз. «Ўғузнома»га ҳам, Чингизхон тўғрисидаги бошқа китоблардаги фактларга ҳам тузатишлар, ўзгартишлар киритади. Масалан, бизгача етиб келган «Ўғузнома»даги афсонавий тасвир «Шажарайи турк»да анча реаллаштирилади. Бош қаҳрамон Ўғузхон қиёфаси ҳам жиддий ўзгаришга учрайди. «Ўғузнома»даги бош қаҳрамоннинг ҳарбий юришларига кўмаклашган афсонавий бўрилар фаолиятлари билан боғлиқ ҳолда берилган бўлса, «Шажарайи турк»да Ўғузхоннинг ўзи ислом динининг бир ҳомийси сифатида қаламга олинади. Чақалоқ пайтидаёқ у онасини динга киргизади. Динга кирмаган икки хотини билан ярашмайди ва нихоят мусулмон бўлган қизга уйланади.

Агар «Ўғузнома»да бош қаҳрамоннинг биргина хотини борлиги кўрсатилган бўлса, «Шажарайи турк»да уч марта уйланади. Шунингдек «Ўғузнома»даги бош қаҳрамоннинг ҳарбий юришлари «Шажарайи турк»дагидан анчагина фарқ қилади. У дастлаб бутун мамлакатларга урушсиз таслим бўлиш ҳақида нома юборади. Ўнг томондаги Олтунхон урушсиз таслим бўлади, чап томондаги Урумхон таклифни рад этади. Натижада Ўғузхоннинг биринчи ҳарбий юриши Урушхонга қарши қаратилади. «Шажарайи турк»да эса, Ўғузхон биринчи дафъа ўз отаси Қорахон билан кураш майдонига тушади. «Ўғузнома»да бош қаҳрамон томонидан тобеъ қилинган мамлакатлар за шаҳарларнинг номлари деярли афсонавийроқ бўлса, «Шажарайи турк»да улар аниқлаштирилган. Шунингдек, «Ўғузнома»нинг асл нусхасида учрамайдиган Эркинхожа номли вазирнинг тўқима қиёфаси келтирилади, у кўпроқ халқ оғзаки ижодидаги доно вазир образига ўхшаб кетади. Чингизхон ҳақидаги тарихий фактларни ҳам муаллиф қайта ишлаб чиққан.

Асарда Чингизхон фаолиятига қадар бўлган ўринларда портретли тасвирга хос бўлган айрим жумлалар ва парчалар учраса-да, биронта тарихий шахснинг мукаммал портрети чизилмаган. Асардаги саҳифаларда қуйидаги жумлаларни учратамиз: «Есугай баҳодир ўлганда улуғ ўғли Чингизхон уч ёшинда эрди. Инилари ёш эрди... Мўғулистоннинг андоқ қаттиқ совуқларида киш кунлари яланғоч ва ялангоёқ югурар эрди.. Тақи айтур эрдиким, ҳар нечук кунда бир-қарай, ғойибдин менға бир от келтурурлар. Анго миниб, осмонга бориб, тангрила сўзлашиб келурман теб»¹⁰⁰ («Шажарайи турк», 113-бет). Чингизхоннинг истилочилиги баёнида муаллиф унга тўқнаш келган характер ва қиёфадаги кишиларни қиёсий тасвирлайди. Асарда Чингизхон улғайгани сари қаҳри қаттиқ, бир сўзли, ўта тадбиркор, ҳарбий хийлаларни ипидан игнасиғача биладиган саркарда, раҳм-шафқатсиз ҳукмдор, ўз феодал давлатини босқинчилик эвазига тобора кенгайтириб, мустаҳкамлаб бориш йўлида ҳар қандай ёвузликлардан қайтмайдиган шахс сифатида гавдалана боради. У Ўрта Осиёни забт этар экан, ҳар хил қиёфали тарихий шахсларга дуч келади. Асардаги Таянхон ва унинг навкарлари баҳодирона курашларини тасвирловчи ёки Чомуқа чечаннинг мардлиги, тантилиги ва букилмас иродаси ҳақида: «Тақи Чомуқа чечанни тутуб қўлин ва оёғин боғлаб, Чингизхонға олиб келдилар. Хон буюрди,— бўғун- бўғун кесиб ўлдуринглар. Бўғунун кесатурғанда айтди: «Мен кўнглумдин айтур эрдим Чингизхон менинг қўлумга тушна, бўғун-бўғун қилиб ўлдурсам теб. Менинг теганим бўлмади».

Чингизхон букилмас иродали қаҳрамонларга юзлаб мартаба дуч келади. Хўжанд ҳокими бўлган Темур Малик ҳам шундайлардандир. Асарда унинг қиёфаси; «... уруш кунида Рустам ва Асфандиёр анинг олдиндан тоқат келтуруб тура билмас эрди»,— деб таърифланади. Мўғуллар сон-саноксиз лашкарлар билан устунлик қилгач, Темур Малик минг йигитлари билан қамалиб қолади. Ўн икки кема ясатуб эрди. Дарёнинг қуйи оқимиға қараб одамлари бирлан чекинади ва йўлда кўрдиким, рудхона устидин бир улуғ

¹⁰⁰ Ўша асар, 113б.

тўғон занжир тортиб турурларким, ўта билмасун теб, Темур Малик ул занжирни бир табарзин бирлан урди ким, занжир пора-пора бўлди ва кемалари андин ўтуб кетди»¹⁰¹. Ривоятларга қараганда, мўғуллар Сирдарёга тўғон занжир тортганлар, аммо жасур Темур Малик тўсиқни бузиб, Хоразмга йўл олган.

Ниҳоят, биз китоб саҳифаларидан Чингизхон фаолиятини ана шу хилдаги шиддатли жанглар жараёнида кузатиб борамиз, унинг кексайиб, таназзулга юз тута боришини кўрамиз: «Чингизхон Хитой устина юрганда, бир воқеа кўруб, андин ажойиб кўрқуб эрди. Узининг яқинда ўларин жазм билаб эрди. Ногоҳ хон хаста бўлди»¹⁰²,— дейилади ва унинг ўлими тасвирланади. Биз юқоридагилардан шундай бир мантикий хулосага келамизки, гарчи Абулғози ўз асаридаги тарихий шахсларнинг ташқи қиёфаларини, кийим-кечаклари, юз ва гавда тузилишларини ниҳоятда мукаммал тасвирламаса-да, уларнинг ички портретини—руҳий оламини шу қадар усталик билан яратадики, бу билан ўша шахслар қиёфаси гўё жонланади. Хусусан, асарда Хива хонлари, хонликда аҳамиятга эга шахсларга алоҳида тавсиф берилган.

Хива хонлигига асос солган Берка султон ўғиллари *Элбарс ва Билбарс* ҳақида қуйидагиларнинг қайд этади: «Берка /Бурка/ султондин икки ўғил қолди. Улуғининг оти Элбарс ва кичигининг оти Билбарс. Халқ ичинда машҳур оти Беликач эрди. Тизиндин туманининг жони йўқ эрди. Эмчак эматурған вақтда хаста бўлиб, икки оёқи маъб бўлуб эрди. Иккиси ҳам туғушли яхши йигитлар бўлди». «Ул сабабдин отға ўлтура билмай арабаға минар эркандур. Бир киши фароғат ўлтуруб ётқундек қудалақ арабанинг тегаражекина темур қоплатиб йилдам арғимоқ отлар еткуриб, тўрт беш баҳодир йигитларга бошин еттуриб ҳамиша Абулхон ва Манқишлоққа йўртар эркандур. Кезатиб ёзмас мерган эркандур. Арабанинг ичинда ётиб тик

¹⁰¹ Ўша асар, 67б.

¹⁰² Ўша асар, 80б.

юкунибтуруиб ўнгли ва сўлли отқаниға кўз эгармас эрканди. Улуғ ёв бўлганда ўзи йигитларга бош бўлиб эровул бўлур эркандур»¹⁰³.

Элбарсхон Вазирни қўлга киритгач, юртни қизилбошлар қўлидан олганлиги шарафига барча ўғилларига ғозий деб, укаси Беликач султоннинг ўғилларига эса хожи деб ном беради. Элбарсхон вафот этгач, Ёдгорхон набиралари орасида Беликач султоннинг ўғли *Султон хожининг* ёши каттароқ эди ва натижада у хон этиб кўтарилди. Аммо унинг навкари кам эди. Барча эл, мол, юртнинг ихтиёри Элбарсхонда эди, у вафот этганидан кейин буларнинг барчаси Султонғози султонга ўтди. Асарда «У ақллик, туғушлуқ ва бўйни берк йигит эрди. Ул замонда эл ичинда ушбу сўз машхур эрдиким, султон хоҳ яхши, хоҳ ёмон ҳукм қилса, Султонғози ёрлиқидур, чора не темак. Аммо ёмон айби шул ким бахил эрди. Султонхोजихонға икки улуш бериб эрди, бириси хонлиқнинг оти, иккинчи шилан ошининг олди»¹⁰⁴. Демак, юқоридаги маълумотлардан шуни англаш мумкинки, 1518-1519-йилларда хонлик тахтига ўтирган Султон хожининг фақатгина хон номига эгалик қилган.

Ҳасанқулихон даврида (1519) маълумки, Элбарсхон ўғиллари Урганч қамал қилиниб, шаҳарда очарчилик бўлади. Ҳасанқулихон ҳақида асарда шундай дейилади «Ҳасанқулихон отадин ёлғиз эрди. Аммо садақ боғлагани Билол отли ўғли бор эрди. Ота ўғил иккиси ҳам туғушсизроқ кишилар эрди. Бир томондан Элбарсхоннинг туғушли кўп ўғлонлари Ҳасанқулихонни ёлғиз ва Урганчни ҳосили кўп, Ҳасанқулихон чиқиб урушқудек қуввати йўқ, беилож бўлди». Парчада Урганч қамалгача серҳосил бўлганлиги Ҳасанқулихоннинг ўз шаҳрини ҳимоя қилишга лаёқатсизлиги туфайли шаҳар мана шундай ҳолга келганлигини муаллиф таъкидлайди.

1519-1522-йилларда ҳукмронлик қилган *Сўфиёнхон* даврида солиқ ва мажбуриятларнинг ҳаддан кўп бўлганлиги ҳақида қайд этилган бўлса-да, бу

¹⁰³ Ўша асар, 124б.

¹⁰⁴ Ўша асар, 124б.

даврда «Ободонлиқ ва маъмурликнинг ҳеч ниҳояти йўқ эрди»¹⁰⁵ деб таъриф берилади.

1522-1526-йилларда хонликни бошқарган *Бучғахон*га асарда алоҳида таъриф берилмаган бўлса-да, унинг ҳукмронлиги даврида Эрон шоҳи Таҳмасп хонликка элчи юборганлиги, ҳамда икки ўртада қариндошчилик алоқаларининг вужудга келиши бу даврда Хива хонлиги мавқеининг нисбатан ошганлигидан далолат беради.

1526-1538-йилларда хонликда ҳукмронлик қилган Аванешхон ҳақида «Аванешхоннинг подшоҳлик зикри»дан унинг хонликда тинчлик ва осойишталикни сақлашга интиланлиги англашилади. Бироқ Аванешхоннинг ўғли Динмуҳаммад ўзбошимчалик қилиб Астрободга ҳужум қилади ва қизилбошларни ўлдириб, кўп ўлжалар билан қайтади. Дурун ҳокими Илбарсхоннинг ўғли Муҳаммад ғози бу ҳақида Аванешхонга етказди. Натижада Динмуҳаммадхон Муҳаммад ғозини ўлдиради. Султон ғози султон укасининг ўлимини эшитиб, ҳеч қандай кенгашсиз Вазирда Сўфиёнхоннинг Али исмли ўғлини ўллини ўлдиради. Натижада ўзаро урушлар бошланиб кетади. Аванешхон ярашишига қанчалик уринмасин фойдаси бўлмади. Динмуҳаммадхоннинг бундай ўзбошимчаликлари, хийлалар ишлатганлиги асарда бир неча ўринларда акс эттирилган бўлса ҳам, муаллиф уни қаттиқ танқид қилмайди ва унинг бу ҳаракатларига хонликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилган иш сифатида қарайди.

Абулғозига замондош бўлган тарихий шахсларнинг портрети ҳам асарда ўзига хос яратилган. У ўзига замондош бўлган тарихий шахсларнинг сифатлари, қилиқлари, феъл ва хулқларини шу қадар муфассал тасвирлайди. Масалан, «Али Султоннинг сифати» деб алоҳида таъкидлангандан сўнг қуйидагиларни ўқиймиз: «Ҳожимхон айтур эркандур: Ёдгорхон замонидин то бу чоқгача Алидай киши туқгани йўқ. Қилиқли оғзи ор ва жовға баҳодир ва жувонмард, сурфали-саранжомли, навкарнинг аҳволина

¹⁰⁵ Ўша асар, 126б

яхши карай турған, одил сиёсатли...»¹⁰⁶. Али султонга бағишланган ўринларни ўқир эканмиз, унинг номусли ва ҳаёли эканлиги кўз ўнгимизда жонланади: «Улуғ чилланинг ичинда икки болдирининг ўрта ерина куйдирги чиқти, шуни кишина айтмади. Куйдирур вақти ўткондин сўнг йиқилди. Халқ кўроли деганда кўрсатмади. Анинг учунким, ҳаёли андоқ ғолиб эрдиким, таҳорат қилғонини ҳеч киши кўрғон эрмас эрди. Охири халқ айтдилар: «Тўнингизни кесиб кўроли». Анга ҳам рози бўлмади. Зўр бирлан тўнини чок қилдилар тақи кўрдилар, вақти ўтиб турур. Доғ қилдилар, фойда қилмади, ҳақ раҳматига кетти»¹⁰⁷. Али Султоннинг фаолияти Абулғози дунёкарашига мос тушгани учун уни ҳар томонлама улуғлайди. Ундан фақат яхши сифатларнигина излайди ва яхши фазилатли шахс сифатида тақдим этади.

Мамлакатни тадбиркорлик билан бошқаролмаган Пўлод султоннинг фаолияти ҳақида Абулғози «Пулод султоннинг сифати» дейилган алоҳида таъкиддан сўнг қуйидагиларни келтиради: «Пулод султон ақлсиз, ғайратсиз, тентак киши эрди. Биз кичик эрканда андин кўп нимарсалар нақл қилурлар эрди... Анинг икки одати бор эрди. Бириси сўзлаганинда бир сўзни айтур, тақи «Шалфрў» дер эрди ва бири икки кичик бармоғини юмуб, ўрта бармоғини бош бармоғининг устинда қўйиб, икки кичик бармоқини юмуб, ўрта бармоқни бош бармоқнинг устунда қўйиб, икки кичик бармоқина уруб, шарқ-шарқ овоз чиқарур эрди. Нечук ким масхаралар ва маъракагирлар қилурлар. Икки қўлини шундоқ қилиб «Шалфрў!» дер эрди.. Ҳар қилган сайин бир «шалфрў!» дер эрди.

Бир карат сўрди ким Хуросонга карвон кета турған борму?—теб. Карвон туна кун кетди тедилар. Бир кишига ҳукм этди.— Бор!—Тақи карвоннинг барчасини қайтариб олиб кел. Ул киши Сочға қудуғинда карвон кейининдин етиб, қайтариб Хевақға олиб келди. Ул мусулмонларнинг кўнглина бу маъқул бўлди ким, албатта султон Хуросон бирлан ҳов бўла турур. Йўқ эрса, агар ўзга иш учун бўлса, бизнинг биримизни қайтармоқ керак эрди. Карвон

¹⁰⁶ Ўша асар, 145-146б.

¹⁰⁷ Ўша асар, 145б.

халқининг барчасин султон олдина олиб келдилар. Султон юзларин боқиб, кўллариини шарқ-шарқ этиб, «Менга бир етти поки» - Шалфрў» тўрт-беш каррат шуни мукаррар айти. Карвон халқи тушунмадилар. Султоннинг навкарлари айтди: «Менга бир поки келтур, ўзга нимарса керакмас!»— дейтурурлар, боринг-кетинг»¹⁰⁸.

Юқоридаги тасвирдан Пулод султоннинг аҳмоқлиги ҳам, унинг девонавор киёфаси ҳам кўзга яққол ташланади. Бу хил воқеий ҳикоялар тарихий мемуар асарнинг қимматини оширган. Абулғози ўз отаси Арабмуҳаммаднинг, акалари Ҳабаш, Элбарс ва Асфандиёрхонларнинг, шунингдек ўзининг ҳам мукаммал портретларини чизиб бермайди. Ўрни-ўрни билан отасининг золимлигини, Ҳабаш ва Элбарсларнинг тахтпараст, ҳасадгўй кишилар эканлигини, Асфандиёрхоннинг эса ҳийлагарлигини очиб ташловчи фактларни шарҳлаб беради. Масалан, Араб Муҳаммадхон даври ҳақида асарда қуйидаги жумлалар келтирилади: «Шул вақтларда халқ хондин андоғ кўрқар эдиларким, барча ўзбек бир йилгача эвина кириб хотин билан ётмасун теса, ҳеч кимнинг ҳадди йўқ эрди, эв тарафина бир қадам кўя билғай. Хон кўрунушга чиқиб халқга айтса, ин ива ўғлунгизни Ҳабаш ва Элбарс қатиға юборманг, агар ҳар ким юборса, мендин яхшилиқ умид қилмасун, менинг бу сўзумни бир-бирингизга айтинг теб ҳукм қилса, киши юбориб шаҳрларда ва бозорларда ушбу сўзни айтиб жар чорлатса, бир кишининг ҳадди йўқ эрди эвиндин ташқари чиқа билғай»¹⁰⁹. Энг муҳими, ўзининг руҳий олами— акалари Ҳабаш ва Элбарслар мамлакатни парчалаб юбориши, шоҳликни қўлга киритиш учун исён кўтарган пайтларидаги ички кечинмалари шу қадар ёрқин ифодаланганлиги тарихни жонлантиради.

Хулоса қилиб айтганда, Абулғозихон ўз асарида тарихий шахслар ҳақидаги маълумотларни келтирар экан, йирик феодал давлат асосчиларининг ёрқин, забардаст ҳолда, жамият тараққиётига ва равнақиға

¹⁰⁸ Ўша асар, 147б.

¹⁰⁹ Ўша асар, 161б.

хизмат қилмаган тарихий шахслар, хонларнинг эса салбий жиҳатларини ифодалайди.

3-боб. «Шажарайи турк» асарида ўзбек хонликлари тарихининг ёритилиши.

3.1 Асарда хонликдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт масалалари ҳақидаги маълумотлар

XVI ва XVII асрнинг биринчи ярмида Хива хонлигидаги ички аҳвол ҳақидаги маълумотлар жуда оз бўлиб улар асосан Хивага келган элчилар ва савдогарларнинг хотиралари, сафар ҳақидаги маълумотлари билан чекланган. Бу даврда хонликнинг тарихини ёритувчи асосий манба Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» асаридир. Асарда муаллиф Хива хонлиги тарихидаги ўша давр сиёсий воқеаларни ёритишга эътибор қаратган бўлса-да, унда тарихнинг турли масалаларига оид эътиборли маълумотлар кўплаб учрайди. Жумладан, асарда ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий вазият ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар мавжуд.

Асарда турк-мўғул қабилалари, хусусан, улар номлари, этимологияси, урф-одатлари ҳақидаги этнографик маълумотлар келтирилган. Бунда ўзбеклар, сартлар ҳамда туркман уруғлари (сарик, ёвмут, қизил аёқ, эрсари ва ҳ) ҳақидаги маълумотлар ҳам ўта муҳимдир. Жумладан, у туркий қабилаларга кирувчи ва турк номи билан аталувчи қабилалар қуйидаги катта 5 авлод (бўғин)ни ташкил қилади деган. Булар: уйғур, қанғли/қиниқли, қипчоқ, қалач, қарлук қабилалари. Шуниси эътиборга моликки, муаллиф уруғ, қабилаларнинг номларини келтирар экан, уларнинг ҳудудий жиҳатдан жойлашиш ўрни ҳақида ҳам маълумот беради: «Қалач – Ўғуз ўғлонлари туркманлардин айрилмай Мовароуннаҳр ва Хуросонга тушдилар. Қипчоқ – Тин ва Атил ва Ёйик; бу айтилган сувларнинг орасинда ўлтурдилар. Қиниқли – туркманлар билан бирга ўлтурур эрдилар. Туркман вилоятга тушгандин сўнг, Иссиқкўл ва Чу ва Талош; бу айтилган

сувларнинг ёқаларинда ватан қилиб кўп йиллар ўлтурдилар»¹¹⁰. Сўнгра у бошқа туркий қабила ва уруғлар ҳақида тўхтаб ўтади: 1. Такрин ёки макрин; 2. Қирғизлар; 3. Камкамчутлар; 4. Ўрманқит; 5. Татарлар; 6. Ўйрат/ойрат 7. Тумат уруғи; 8. Найман; 9. Қирайт 10. Унгут; 11. Хитой; 12. Турқақ 13. Мўғул уруғлари; 14. Маркит/макрит; 15. Қўнқират; 16. Инкирас; 17. Алканут; 18. Қоранут; 19. Қурлас ва Эчкирин; 20. Ўрмавут; 21. Қўникқимар; 22. Арлат; 23. Килгит; 24. Бадай ва қишлиқ уруғлари; 25. Уйшан; 26. Сулдус; 27. Илкуркин; 28. Канкит; 29. Дўрман; 30. Барин ва сукут; 31. Ўклан. 32. Баёвут; 33. Жалайир уруғларининг номларининг келиб чиқиши ҳамда ҳудудий ўрнини келтирган. Абулғозий Баҳодирхон ўз китобида мўғулларни икки катта бўлаққа бўлади. Бири қиён/қиёт (нирун), иккинчиси нугуз/нукуз (дарликин). Булардан ташқари, мўғуллардан 25 та уруғ ва қабилаларини тилга оладики, улардан бариси ўзбек халқининг этник таркибига кирган¹¹¹.

Асарда қабила ва элатлар ҳақида кўплаб қиссалар келтирилган. Қиссаларда қавмларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ ажойиб маълумотлар берилган. Туркларнинг бу кекса қавмлари, қиссаларда қайд этилишича, Ўғузхон замонида шаклланган. Эътиборга лойиқ ери шундаки, дostonларда, ўрни билан, ушбу қавм номларининг асл маъноси (этимологик изоҳлари) ҳам келтирилади. Чунончи, Абулғозий асарларида уйғур қавмининг шаклланиши шундай воқеа билан боғлиқ: Ўғуз билан Қорахон ораларида бўлган жангда Қорахон иниларининг ўғиллари ундан ажраб, Ўғузхонга бориб қўшиладилар. Ўғуз бундан мамнун бўлди ва уларга *уйғур* (яъни “қўшилган, уюшган”) отини берди. Шу ўринда асар муаллифи ушбу сўзнинг маъноси ҳақида ёзади: *Лафзи уйғур турк тили турур, маънисини барчага маълум турур, япишғур маънисина турур. Айтурлар: сут уйиди. Сут эркинида бири бириндин айрилур эрди, қатиқ бўлгандан сўнг бири бирига*

¹¹⁰ Абулғозий. Шажарайи турк.Т.: «Чўлпон», 1992. – 316.

¹¹¹ Булар: меркит, қўнғирот, қоранут, қурлос, элчигин, урмовут/уймовут, қўникмар, арлот, келкит, бадай/бадай, қилиқ, уйшун, сулдус/сулдуз, элдуркин/илдуркин, кенкит, дўрбан/дўрман, барин/бахрин, сукут, қурловут, буркут, уклан/ўклан, журот, ҳожарот, бойвут, жалайир.

япиша турур. Бу тақи айтурларким, имамга уйидим. Имам ўлтурса, ўлтира турур, турса, тура турур. Бас, япишқани бўлмасму? ШТ.да келган уйиди сўзи ҳозирги ўзбекчада ивиди (қатик ивиди, сут ивиб қатик бўлди) шаклида ҳам учрайди. Ёки уюшмоқ феъли айна сўздан.

Қипчоқларнинг келиб чиқиши эса шундай воқеага боғланади: Ўғузхоннинг бекларидан бири навбатдаги юришга кўчини (аёлини) ҳам олиб борганди. Жангда ўзи ҳалок бўлди. Беваси юкли эди, ой-куни яқинлашиб, тўлғоқ тута бошлади. Кун совук, пана жой йўқлигидан аёлни катта бир ғовак дарахтга олиб кирдилар. Аёл ўша ерда бўшалди. Бола дарахт ғовагида туғилгани боис Ўғуз унга *Қипчоқ* деб от қўйди. Шу ўринда муаллиф қўшиб қўяди: *Қадимтурк тилинда ичи бўш яғачни қипчоқ дерлар эркандур. Анинг учун ул ўғланияғач ичинда тугди теб атин Қипчақ қўйдилар. Бу вақтда ҳам ичи бўш яғачни қипчақ дейтурурлар. Шу қипчақ турурким, чипчақ дейтурурлар.*

Ўғузхон Қипчоқни ўз қўлида тутди. Катта бўлгач, унга кўп элу навкар бериб, Тин ва Итил сувининг ёқасидаги юртларга бош қилди, унинг эли *қипчоқлар* дейилди.

Ўзбекларнинг уруғ ва қабилаларига тегишли маълумотлардан асарда келтирилган уруғ ва қабилалар номи жуда муҳим. Булар: Орлот/арлат, оғор, олаюнотли, ўқли, аймоқ, бошқирд, баёт, тот, тотар, темирли, турумчи, турк, туркман, така, турботли, тевачи, жоби, жомачи, чўбичоқ, чўбони, чигатой, чўни, хизир эли, хуросонли, халаж, дукар, соик, солур, сурхи/сурқи, соқар, салжук, султонли, савроқи, совчили, кўрғоли, кўрқин, қорлик, қипчоқ, қоратошли, қалмоқ, қирғиз, чиройли, қутлар, лола, мўғул, манғит, найман, мўнди, ёзир, яғмо, ёвмут, юрти ва б¹¹².

Ўлканинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига оид маълумотлар орасида Хоразмнинг ўша замонларда ҳам обод бўлганлиги, Амударё ўзанининг ўзгарган вақти ва унинг оқибатлари ҳақидаги маълумотлар ҳам қимматлидир. Жумладан, Хива хонлигида яшовчи халқнинг турмуши,

¹¹² Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Б. 35.

яшаш шароити, фаолияти билан боғлиқ қизиқарли маълумотлар учрайди. Шунингдек, хонликдаги таназзулнинг асосий сабабларидан бири хонлик аҳолиси нафақат этник, балки маданий-иқтисодий муносабатларда ҳам бири-биридан кескин фарқ қилувчи уч гуруҳга бўлинганлиги, хонликдаги ўзаро ички қарама-қаршиликларни кучайтирган сабаблардан бири шу эканлигини таъкидлайди.

Жумладан, шаҳар ҳамда деҳқончилик билан шуғулланувчи қишлоқлар аҳолиси Хоразмда қадимдан яшовчи халқ авлодлари ҳисобланган. Улар асосан деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланганлар.

Иккинчи муҳим этник гуруҳ туркман қабиалари бўлиб, улар хонликнинг ғарбий ва жанубий қисмларида яшашган, ҳамда асосан чорвачилик ва қисман деҳқончилик билан шуғулланганлар. Туркманлар кўплаб уруғ ва қабиаларга бўлинганлиги сабабли ягона куч сифатида ҳаракат қила олмаганлар ва XVI асрда хонликка бўйсундирилганлар. Туркманларнинг қўшни давлатлар билан иқтисодий ва сиёсий муносабатлар доирасига киритилиши туркман қабиаларида ички алоқаларнинг ривожланишига олиб келди. Бу жараён туркман амалдорларини Хива хонлари хизматига ўтишини тезлаштирди, натижада туркман қабиаларининг тарқоқлиги янада кучайди.

Елбарсхон билан Хоразмга кўчиб ўтган ўзбеклар учинчи этник гуруҳни ташкил қилиб, улар кўчманчи ҳаёт тарзини ва қабила ҳамда уруғларга бўлинишни сақлаб қолди.

«Шажарайи турк»да XVI-XVII асрларга оид халқ тарихининг жуда кўп томонлари ҳақида маълумот берилади. Муаллиф хонликлар ўртасидаги талончилик урушлари ёки яқин қариндошлар орасида юз берган тожу-тахт учун зиддиятли курашларни тасвирлар экан, бу курашларда меҳнаткаш халқнинг ҳал қилувчи роли борлигини таъкидлайди. Шунингдек, халқнинг тез-тез бўлиб турган қонли тўқнашувлар туфайли вужудга келган аянчли турмуш манзараси тасвирланади.

Елбарсхон вафот этгач, ўша давр таомили бўйича хонлик тахтига Ёдгорхон набираларининг тўнғичи Беликач султоннинг ўғли Султонхожи, унинг вафотидан сўнг эса Абулакхоннинг ўғли Хасанқули ўтирди. Аммо Хасанқулининг хон бўлганидан норози бўлган Элбарсхон ўғиллари Урганчга бостириб келади. Бироқ асарда қайд этилишича Хасанқулихон урушишга лаёқатсиз бўлиб, Урганч шаҳрига қамалиб олади. Бу вақтгача Урганч шаҳрининг арк қалъаси бўлмай, Эшсултон арк қалъаси қурдиради. Ушбу жангда Амнакхоннинг кичик ўғли Оғанай султон вафот этади. Урганч қамал қилинади. Бу ҳақида асарда шундай дейилади: «Урганч улуг шаҳр. Тез-ўк қаҳатлик бўла қолди. Бир эшакнинг калласи қирқ-еллик танга бўлди топилмади. Чиғирик деса Урганч сартларининг аччиғи келур. Анинг маъноси ул турурким, Урганчнинг муллолар теган жамоати бўлур. Уларнинг бир давлатманд яхши кишиси бор эди. Ул эвиги кириб борса кўрарким муллоларнинг оқсоқолликлариндин беш-олти киши ўлтуруб турур. Эв эгаси эшакнинг закарини табаққа солиб йилқининг ўгурган қазисин тўғрагандек чиғирик-чиғирик тўғрай турур. Халқнинг аҳволи икки ойда шундақ бўлди. Андин сўнгтисин мундин қиёс қилинг»¹¹³. Бунда оддий халқ ўзаро урушлар вақтида қанчалик қийин аҳволга тушиши ёритилганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Урганчнинг ўтмишдаги қаҳатчилиги ва ундаги халқларнинг очликдан ўлар ҳолатга келганликлари ҳақида Урганч кўрғони қамал қилинганда одамлар очликдан ўлмаслик учун эшак, ит гўштлирини ейишга мажбур бўлганликлари Муҳаммад Солиҳ ҳам ўзининг «Шайбонийнома»¹¹⁴ достонида тасдиқлайди.

Хонликда мавжуд солиқлар ҳақида асарнинг Сўфиёнхон ҳукмронлиги даври қисмида келтирилган. Сўфиёнхон Абулхонда яшовчи туркман қабилаларига одам юбориб, «Тангри буюруқинда закот бермак фарз турур. Ҳар йилда моллариндин закот берсунлар. Мен киши юбориб

¹¹³ Абуғозий. Шажарайи турк. Т.: «Чўлпон», 1992. – 1256.

¹¹⁴ Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Т.:1961. – 3216.

чоптурмайин»¹¹⁵деб одам юборади. Туркманлар хонга итоат қилдилар ва ҳар йили ўзларининг мулкларидан закот бериб турдилар. Бунда катта уруғларга бир киши ва 2-3 та кичик уруғларга бир киши жами қирқта солиқ йиғувчи юборилган. Улар бир неча йил давомида солиқларни вақтида тўлайдилар, аммо бир куни хонга итоат қилишдан бош тортиб, солиқ йиғувчиларни ўлдирадилар. Хон уларни жазолашга қарор қилади ва Абулхонга боради. Сўфиёнхон қўшинидан қочган туркманлар Чўтакка яширинганлар. Хон ўз қўшинлари билан Чўтакни қамал қилади. Қамалда қолганлар Оқатойхонга итоат этишга мажбур бўлади. Хон уларга ҳар бир ўлдирилган одам учун минг қўйдан қирқ минг қўй солиқ белгилаган. Солиқни хонга итоат этмаган така, ёвмуд, сарик, ва эрсарилар тўлаганлар. Бу воқеадан бир неча йил ўтгандан кейин бу солиқ жон бошига ва чорвасининг миқдориغا қараб бошқа туркманларга ҳам жорий қилинди: «туркманларнинг бошларина ва молларина лойиқ мол бературған туркманларнинг бошининг, молининг юзиндин ҳисоб қилиб, ички салурға ўн олти минг қўй, мундин бошқа подшоҳлиқ шиланда сўймоқ учун минг олти юз дўнан қўй». Бунда кейинги солиқ «қозон қўйи», ўн олти минг қўйга «барот қўйи» деб ном берилган¹¹⁶. Игдил ва човулдур уруғлари 12 минг, ушоқ уруғи 4 минг, кўкланга 12 минг барот, минг икки юз қозон қўйи, адақлиға 12 минг барот қўйи ва минг икки юз қозон қўйи тўлаган. Бунда «Барот қўйи» солиғи навкарлар ҳисобига, «қозон қўйи» солиғи эса хон саройига олиб кетилган.

Бу даврда Урганчдан Абулхонга ўтиш бир овулдан иккинчисига ўтишга тенг эди, чунки Амударё Урганч қалъасидан Абулхон тоғининг шарқий томонига қараб оқар эди. Ўша жойдан Ўғаргача ўтиб Мозандарон (Каспий) денгизига қуйилган. ўша даврда Амударёнинг ҳар икки томони бўйлаб экинзорлар бўлган, бу ерда кўплаб мевали дарахтлар, узумзорлар бўлган. Баланд ерларга чиғириқлар қурилган¹¹⁷. Сўфиёнхон даврида

¹¹⁵¹¹⁵ Абуғозий. Шажарайи турк. Т.: «Чўлпон», 1992. – 126б.

¹¹⁶ Бу солиқларнинг умумий миқдори 58 минг 800 қўйни ташкил қилган.

¹¹⁷ Абуғозий. Шажарайи турк. Т.: «Чўлпон», 1992. – 126б.

солиқлар кўп бўлганлигига қарамай муаллиф: “ободонлик ва маъмурликнинг ҳеч ниҳояти йўқ эрди” деб таъкидлайди.

Хонлик аҳолиси асосан қишлоқ хўжалиги – деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Деҳқончиликда ғалла, пахта ва полиз маҳсулотлари етиштирилган. Жумладан, асарда маълумот берилишича, экинзорларга асосан ғалла экилиб, айниқса кузги буғдой экиш етакчи ўрин эгаллаган. Бу ҳақида асарда қуйидагича ёзилади: «Ул вақтда Маздеҳқон қалъасиндин то Бақирғаннинг бери юзи Қуйғун теган ергача буғдой экилур эрди. Бизнинг хон (Араб Муҳаммадхон) Тук қалъасининг юқорисидин бир ариқ қаздуруб турурлар. Фақир дунёға келмасдин бир йил бурун. Меъзон бўлғанда сақасини кўмарлар эрди. Буғдойни ўрған вақтда очарлар эрди. Бир неча йилдин сўнг ариқнинг кенглиги отқан ўқ ўтмасдай бўлди. Сувнинг оёқи Қуйғун борди. Ёлғуз буғдой экилур эрди. Отли киши ўн кунда буғдойнинг тошиндан айланиб кела билмас эрди. Ул вақтда пул-пучак, ярим мисқол кўмуш биртанга ерина юрур эрди.¹¹⁸ Бир тангага ярим тева юки буғдой берурлар эрди. Бир мисқол кўмушга бир харвор буғдой берурлар эрди». Бундан Арабмуҳаммадхон даврида Тук қалъасининг юқори қисмидан канал ўтказилгани, бу билан жуда кенг ҳудудларнинг суғорилганлиги ҳақида билиб олишимиз мумкин бўлади. Деҳқонлар меъзон ойларида буғдой экканлар ва ўримдан сўнг у ерга сув қуйганлар. Бу орқали улар буғдойдан ҳосилини кўпроқ олганлар. Абулғозихон бир неча йилларда канал суви катта оқимга айланганлиги ҳамда табиийки экин ерлари ҳам кенгангайлигини, натижада буғдойнинг нархи анча арзонлашганини алоҳида таъкидлаган. Бундан ташқари, юқоридаги парча орқали ўша даврдаги пул муомаласи ҳақида ҳам маълумотга эга бўлишимиз мумкин, яъни муаллифнинг ёзишича, ярим мисқол кумуш бир танга миқдориға тенг бўлган. Бир мисқол кумушга бир эшак юки оғирлигида, бир тангага эса, бир туя юки оғирлигида буғдой олиш мумкин эди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, хонликдаги сиёсий вазият ниҳоятда кескинлашган

¹¹⁸ Ўша асар. – 161-1626.

Арабмухаммадхон даврида ҳам суғориш иншоотлари қурилишига, халқ ҳаёти, турмуш даражасининг яхшиланишига эътибор қаратилган.

Бу даврда суғориш иншоотлари қурилишининг асосий сабаби, ўша даврда суғориш тизимининг ўзгарганлиги бўлди: Амударё ўз ўзанини ўзгартириб, эски ўзан атрофидаги ерлар чўлга айланади. Бу ҳақида муаллиф: «Биз дунёга келмасдин ўттуз йил илгари Аму суви, хост кинорасининг юқорисини Қора айғир тўқайи дерлар, ул ердин йўл ясаб оқиб, Тук қалъасина бориб, Сир денгизина қўйған эркандур. Ул сабабдин Урганч чўл бўлубти. Раъият Урганч чўл ҳам бўлса ўлтуруб, хон бошлиқ сипоҳ халқи ёз Аму сувининг ёқасинда муносиб ерларда экин экиб ўлтуруб, экинни олғандин сўнг Урганч борурлар эркандур»¹¹⁹. Демак, Амударё ўзанининг ўзгарганлиги (1573) сабаб, Урганч чўлга айланади. Натижада бу ерда деҳқончилик билан шуғулланишнинг имкони бўлмади ва аҳоли дарё ёқасида экин экиб, уни ўргач Урганчга қайтади. Бундан аҳолининг бу даврда ҳам тўла ўтrockлашмаганлиги маълум бўлади.

Хонликдаги сув танқислиги аҳолининг катта қисмини ташкил қилган чорвадорлар ҳаётига ҳам таъсир этмай қолмади. Бу ҳақида: «Баҳор қўй кўзилар. Хевақда ўт бўлмас. Ранг чиқар. Хевақ туркмани қумға кетар. Сарт экин экмак учун кендли кендина кетар»¹²⁰.

Аҳоли орасида руҳонийлар алоҳида мавқега эга эдилар. Дарвиш шайхлари Хивадаги таъсирларидан фойдаланиб, хонлар ўртасидаги курашларда фаол қатнашганлар. Бу ҳақида Абулғозихон шундай ёзади: «Бакирған остонасинда Сайид ота авлодиндин бир киши бор эрди, Назар хожа дерлар эрди. Элбарс султон анинг қизин олди... Шул кунлар халқнинг барчаси отланиб Асфандиёр султоннинг келганини яхши бўлди, отасини билмаган золимлардан худой қутқазди, деб гуруҳ-гуруҳ Асфандиёр султонга кела эркандур... Пиёда ва отли ўтмасдан Асфандиёр султонга кўмакка келатурған кишининг ва баъзисини сўз бирлан ва баъзисини зўр бирлан

¹¹⁹ Ўша асар, 1676.

¹²⁰ Ўша асар, 1726.

ўзини қўшуб айтибдур. «Худой кўрсатмасин Асфандиёр султон юрт олса эркагингизни ўлтурур ва урғачингизни Абулхон ва Манқишлоқ туркманига буюрур. Ул ўлжа қилиб олиб кетар. Агар менинг бу сўзимда ёлғон бўлса, тангрининг каломи урсин мени»- теб, ҳар кишининг олдинда Қуръондан бир онт ичибдур. Асфандиёр султонга келатурған кишининг барчасини қатиға йиғди-да олди. Ўғлон-ушоқини туркман ўлжа этар теб онд ичгандин сўнг, кўркти... Бир оқсақолли сайид ҳар кунда Қуръондин юз каррат онт ичса, мен сизларнинг ғамингизни ейман теса ким инонмас»¹²¹. Бундан кўринадики, 1622-йилда отасига қарши исён кўтарган Ҳабаш Султон ва Элбарс Султонларни Шайх Сайид ота авлодидан ҳисобланган шайх Назар хожа қўллаб қувватлайди, ҳамда халқни ҳам ўзига эргаштиришга эришади.

Бу давр ҳақида бошқа манбаларда ҳам маълумотлар бор. Хусусан, 1558-йилда Волга дарёси бўйлаб сузиб Астрахан шаҳридан Каспий денгизи орқали Манғишлоқ яриморолида бўлган сайёҳ А.Женкинсон ўз эсдаликларида шундай ёзади: «Бу султон (Темур султон) кўшк ва шаҳарда яшамай, саҳрода яшаган ва мен унинг кичкинагина қамишдан ясалган, усти кигиз ва гиламлар билан ўралган ўтовига кириб борганимда у ўтирган эди. У билан бирга бу мамлакатнинг руҳонийси ўтирган эди. Европанинг каттагина қисмида Рим епископини қанчалик ҳурмат қилсалар, уни ҳам халқ шунчалик азизлар эди»¹²² - дея қайд этган эди.

Бу даврда хонликда савдо муносабатлари тўхталадиган бўлсак, ўзаро феодал урушлар ва қўшни давлатлар билан бўлган ихтилофлар савдо алоқаларининг, хусусан карвон савдосининг ўсишига катта зарба берди. Лекин, шунга қарамай, Бухоро ва Хива хонликлари ўртасида савдо-сотик тамоман тўхтаб қолмади. Абдуллахон II хонликни эгаллаши арафасида Мовароуннаҳрлик йирик савдогарлар шунингдек, зиёратчилар Ширвонга кетишда қизилбошлар ерлари орқали ўтишни хохламай, Урганч орқали Манғишлоққа ўтишган, ҳамда шу ердан Ширвонга борадиган кемаларга

¹²¹Ўша асар, 164б.

¹²²Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию 1558-1560гг. Английские путешествия в Московском государстве в XVI веке. Перевод с английского Л.Готье. Л.:1932.

ўтишган. Абдуллахон II нинг хонликка бостириб киришининг муҳим сабабларидан бири ҳам шу эди. Россия билан савдо алоқалари юритиш эса Ўрта Осиё хўжалигининг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга эди: «Биз дунёга келган йилининг аввал баҳоринда ўн етти киши ўрусга савдога кетар»¹²³. Бу ҳақда асарда батафсил маълумот берилмаган бўлса-да, ўша даврда хонлик аҳолисининг қўшни мамлакатлар билан савдо алоқалари бўлганлигидан далолатдир. Шунингдек, Хоразм маданияти тарихини ўрганган олим С.П.Толстов бу ерда оз бўлсада Бухоро ва Эрондан турли моллар келтирилганлиги қайд қилган¹²⁴.

3.2 «Шажарайи турк» асарида ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт масалалари

«Шажарайи турк»да келтирилган тарихий маълумотлар ичида Шайбон улусининг XV асрнинг сўнгги чораги XVI аср бошларидаги умумий аҳволи, Сибир хонлиги, Хоразмнинг XVI – XVII асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти, унинг Русия, Қозоқ ҳамда Бухоро хонликлари билан бўлган ўзаро муносабатлари ҳақидаги маълумотлар диққатга сазовордир.

Абулғозихон ўзининг «Шажарайи турк» асарида Хива хонларининг ташқи сиёсати, ҳамда чет давлатлар билан алоқалари ҳақидаги муҳим маълумотларни баён этади. Асарда ташқи сиёсатда Эрон билан муносабатлар кўп ўринларда эслатилади. Жумладан, унда шоҳ Исмоил вафотидан сўнг Хива-Эрон муносабатлари нисбатан яхшиланганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Бучғохон ҳукмронлиги даврида шоҳ Таҳмаспнинг хонликка элчи юборганлиги ҳақида берилган маълумот

¹²³ Абуғозий. Шажарайи турк. Т.: «Чўлпон», 1992. – 167б.

¹²⁴ Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. М-Л.:1948. – 53б.

диққатга сазовор: «Мен хонға ўғул бўлайин дейтурурман. Темурбий Чингизхон авлодина куёв бўлди эрса, ханузгача ани Темур Кўраган дейтурурлар. Мен ҳам Чингизхон авлодина кўраган бўлмоқни кўнглим излай турур. То Хункордек улуғ душманам айтқай ким шоҳ Таҳмосиб ўзбек подшоҳининг қизин олди; яхши ярашди»¹²⁵. Бундан Эрон шоҳининг Бучғахон жиянига уйланиб ўртадаги алоқаларни никоҳ муносабатлари билан мустаҳкамлашга интилишида сиёсий мақсад кўзланганлиги, Эрон шоҳининг Амир Темурнинг Чингизийларга куёв бўлгани каби Хоразм хонига куёв бўлмоқчи эканлиги бу даврда Хива хонлигида хон ҳокимияти нисбатан мустаҳкам эканлиги кўринади. Эрон билан яхши қўшничилик алоқалари ўрнатишни истаган Бучғахон ўз қизи йўқлиги сабабли, Сўфиёнхоннинг Ойша беги исмли қизини унга узатади. Ойша бегининг Ағиш султон исмли акаси бошчилигида тўққиз киши Казвинга юборилади. Шоҳ Ағиш султонни жуда катта эҳтиром ва тантаналар билан қарши олади. Шунингдек, Бучғахонга тўққизта олтин хишт (ханжар), тўққизта кумуш хишт, тўққизта тепаси зарбоф, қуйиси ипакдан тикилган, тўшаки ва барча буюмлари олтин ва кумушдан бўлган чодир, эгари ва югани бўлган тўққизта от, шу билан бирга минг бўлак ипак матолар юборади.

Динмуҳаммадхон даврида вазият бирмунча ўзгаради. Асарда Абулғозихон «Динмуҳаммадхон бир ерда фароғат турқудек киши эрмас эрди. Ҳамиша қизилбошни чопди. Ул сабабдин Шоҳ Таҳмосиб лашкар юборди»¹²⁶ дея қайд этади. Эрон шоҳининг лашкари Обивардни олиб унга ҳоким тайинлайди. Натижада ноилож Динмуҳаммад Казвинга бориб Шоҳ Таҳмасп билан кўришади ва у ерда олти ой туради. Аммо мақсадига эришолмагач, шоҳ номидан сохта муҳр ясатиб, Обивард ҳокимига “Обивардни Динмуҳаммад султонга суюрғол қилганлиги” ҳақида ҳукм ёздирди. Обивардга боргач, Динмуҳаммаднинг барча

¹²⁵Абуғозий. Шажарайи турк. Т.: «Чўлпон», 1992. – 128б.

¹²⁶ Абуғозий. Шажарайи турк...-140б.

қизилбошларни кириб ташлаши натижасида шоҳ унга қарши юриш бошлайди. Бироқ бундан хабар топган Динмуҳаммад унинг ҳузурига бориб ўз қилмишларига иқдор бўлади. Унинг бу ҳаракати натижасиз кетмайди. Асарда шоҳ Таҳмасп катта тўй қилиб, тегишли инъомлар билан Обивардни Динмуҳаммадга топширганлиги, сўнг ўғли Абул Муҳаммадхон отасига берилган ҳудудни бошқариш ҳуқуқига эга бўлганлиги ҳақида маълумот берилади. Хоразм ҳукмдорларининг бу ҳаракатларини ўша давр нуқтаи назаридан олиб қаралса, буни уларни ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаш, давлат ҳудудларини кенгайтиришга бўлган интилишлари ҳамда, шу мақсад йўлида вужудга келган қулай вазиятдан фойдаланиб қолиш ҳаракатлари билан изоҳлаш мумкин. Ўз навбатида Эрон шоҳининг ҳам марҳамати бекорга бўлмай, бунинг замирида Мовароуннаҳрда тобора кучайиб бораётган Бухоро хонлигига қарши курашда Хива хонлигини ўз таянчига айлантириш мақсади ётганлигини тушуниш мумкин¹²⁷.

Хива хони Ҳожи Муҳаммадхон (Ҳожимхон) даврида Эрон саройи билан ўзаро алоқалар ва ёзишмалар айниқса кучайиб, нисбатан мунтазам тус олади. Бу даврда Хиванинг Бухоро хонлиги билан кескинлашган муносабатлари Хива-Эрон сиёсий алоқаларнинг мустакамланишига хизмат қилган. Чунки, Абдуллахон ИИ сингари кучли рақибга қарши курашда бир томондан кучли иттифоқчига эга бўлиш, ёки ҳеч бўлмаганда, икки давлат ўзаро урушаётган даврда учинчи давлатнинг бетарафлигини таъминлаш зарур эди.

XVII аср бошларида ўзаро сулолавий курашлар Бухорода бўлгани сингари Хива хонлигида ҳам авж олди. Ҳожимхондан сўнг тахтга ўтирган Араб Муҳаммадхон ва унинг ўғиллари Элбарс ва Ҳабаш султонлар ўртасидаги зиддият ҳокимият учун жиддий курашларга айланиб кетган. Бу воқеалар асарда батафсил ёритилган. Жуда ҳам

¹²⁷ Аллаева Н.А. Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги ўзаро алоқалар. Тарих фан. Ном. Дисс. Т.: 2007

мураккаб тарихий шароитда Абулғозихоннинг Шоҳ Сафо хузурига юборилганлиги ҳақида асарда қуйидаги маълумотлар берилади: “Ул вақтда шоҳ Аббос ўлуб, набираси Шоҳ Сафо шул йили подшоҳ бўлуб эрди. Ҳамадонда бориб кўрдум. Исфакон юборди. Бир хавли берди. Емакина ҳар йили ўн минг танга берди. Қочмасун деб киши тайин қилди”¹²⁸.

Юқоридаги маълумотлардан маълум бўладики, ташқи сиёсатда Хива хонлари Эрон шоҳлари билан барқарор бўлмаса-да ҳар қалай доимий равишда алоқаларни сақлаб қолганлар ва бундай муносабатлардан ўз навбатида, Эрон шоҳлари ҳам манфаатдор эдилар.

Маълумки, хонликлар даврида рус давлати билан ҳам алоқалар ўрнатилган эди. Уларнинг аксарияти, асосан XVII асрнинг охири ҳамда XVIII асрда амалга оширилганлигига қарамай, албатта бу давргача ҳам Ўрта Осиё хонликлари ва рус давлати ўртасида ўзаро савдо муносабатлари шаклланган эди. «Шажарайи турк» асарида бундай савдо алоқалари ҳақида деярли маълумот келтирилмаган. Фақатгина бир ўринда «Биз дунёга келган йилининг аввал баҳоринда ўн етти киши ўрусга савдога кетар»¹²⁹ дейилади. Бироқ бундан Россиядан хонликка қандай маҳсулотлар келтирилиши ёки олиб борилишини тушуниш қийин.

Яна бир ўринда Араб Муҳаммадхон ва унинг ўғиллари Элбарс ва Ҳабаш султонлар ўртасидаги кураш натижасида Араб Муҳаммадхон ўлдирилгач, кичик укаси Афғон султонни Ҳабаш султон «бу ёш ўғлоннинг не гуноҳи бор теб, ўлтурмай ўрус подшоҳина юборди. Афғон султон ўрус қўлинда ўттуз йил турғандин сўнг ҳақ раҳмати кетди»¹³⁰ дея қайд этилади. Рус давлати ҳужжатларидан 1622-йилда ўзаро урушларнинг кучайганлиги сабабли Русга қочиб кетишга мажбур бўлган Афғонхоннинг Рус подшосига мурожаати орқали «унинг отаси Рус

¹²⁸ Абуғозий. Шажарайи турк ... -1716.

¹²⁹ Абуғозий. Шажарайи турк ... 1676.

¹³⁰ Ўша асар, 1656.

подшоси сингари Бухоро хони Имомқулихон, Эрон шоҳи Аббос I, Ҳиндистон подшоси билан ҳамиша дўстона муносабатда бўлганлиги»¹³¹ни билиб олиш мумкин. Бироқ «Шажарайи турк»да Россия подшоси ёки Ҳиндистон ҳукмдори билан хонларнинг бирор-бир ёзишмалари ёки элчиликлари ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмайди.

Бухоро хонлиги билан муносабатларда эса «Шажарайи турк»да асосан урушларнинг сабаблари, қай тарзда кечганлиги, натижалари баён этилади. Масалан, Убайдуллахоннинг Хивага юришига ўша даврда Хива хонлигидаги ўзаро ички келишмовчиликлар сабаб бўлганлиги, Убайдуллахоннинг қулай вазиятдан фойдаланиб Абулхайрхон ўғиллари Тошкентда Бароқхон, Самарқандда Жавонмардхон, Ҳисордан Мамза Маҳдийнинг набиралари билан иттифоқ тузиб юриш қилганлиги ҳақида маълумот берилган. Абдуллахон II нинг Хивага юриш қилиши ҳақида эса «Абдуллахон иккинчи келганининг зикри»¹³²да юришнинг уч сабаби санаб ўтилади.

Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» асарида Хива хонлигидаги ижтимоий ҳаёт, халқнинг турмуш кечириши, хонликдаги солиқ тизими, хонлар фаолиятидаги ўзига хос ижобий томонлар ва баъзи хатолар, ўзаро ички ва ташқи келишмовчиликлар ва урушлар ҳақидаги маълумотларни батафсил ёритишга ҳаракат қилинган. Ташқи сиёсат масалалари ёритилаётганда эса, асосан Хива хонлигининг сиёсий ва ҳарбий алоқалари қайд этилади. Бироқ Хива хонлигининг ташқи иқтисодий алоқалари, ташқи савдо муносабатлари ҳақидаги маълумотлар жуда оз. Абулғозихон яшаган даврда турли низоларнинг кўпайганлиги балки муаллифни кўпроқ сиёсий жиҳатга эътибор беришга ундаган бўлиши мумкин. Шундай бўлса-да асарни ўрганиш Хива хонлигининг ташқи алоқалари ҳақида яхши тушунчага эга бўлиш имконини беради.

¹³¹ Международное положение Средней Азии XV-XVII вв. Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. Л.:1932. – 300с.

¹³² Абулғозий. Шажарайи турк... – 150б.

Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида, XVI асрда Ўрта Осиё ҳудудида феодал тарқоқлик кучая бошлайди. Бунинг ижтимоий - сиёсий сабабларидан бири шайбонийлар давлати бошида чексиз ҳуқуққа эга бўлган хон ўтирган, бутун вилоятлар шу хонадон аъзоларига, султонларга бўлиб берилган, вилоят ҳукмронларн эса махсус аскарӣй гуруҳга, уруғ ва қабилаларнинг юқори доираларига, руҳонийларга суянганлар. Бироқ ҳукмдорлар хонга бўйсунитиши истамай, ўз ҳудудини мустиқил бошқаришга интилан.

«Шажарайи турк»да муаллиф таъкидлаганидек, асарни ёзишдан мақсад Ёдгорхон давридан бошлаб ёзилмай қолган тарихни ёзиб, уни кейинги авлодларга етказиш эди. Бунда Абулғозихоннинг ўзи ҳукмдор бўлганлиги сабаб, у расмий доира арбобларига итоат этиши шарт бўлмаган. Бу эса, мутлоқ ижод эркинлигини таъминлаган яъни асарда ўзидан олдинги ва ўзи билан замондош ҳукмдорларнинг, шунингдек ўзининг ҳам давлат бошқаруви, ички ва ташқи сиёсати ҳақидаги фикрларини очиқ баён этган. Жумладан, ҳукмдорлар сиёсати ўзаро курашлар оқибатида маҳаллий халқнинг азият чеккани асарда жонли тарзда баён этилади. Элбарсхон вафотидан сўнг, Ёдгорхон набиралари ўртасида тож-тахт учун бўлган курашларда Урганч шаҳри, унинг аҳолисининг аҳволи ифодаланган.

Шайбонийхон вафотидан сўнг шоҳ Исмоил Хуросондаги барча вилоятларга доруға юборди. Хоразмга ҳам учта доруға юборилиб, улардан бири Хива ва Ҳазораспга, яна бири Урганчга ҳамда кейингиси Вазир шаҳарларига жўнатилади. Демак, хонлик тузилиши арафасида ундаги асосий шаҳарлар Хива, Ҳазорасп, Урганч ва Вазир шаҳарларининг сиёсий мавқеи баланд бўлган. Сўфиёнхон даврида хонлик пойтахти Урганч шаҳри бўлиб, шунингдек бу даврда хонликда Вазир, Янги шаҳар, Тирсак, Хуросон, Дурун, Манқишлоқ, Хива, Ҳазорасп, Кат, Булдумсоз, Пингичка, Боғобод, Нисой, Обивард, Чаҳордеҳ, Маҳна, Чача, Абулхон ва Деҳистон каби шаҳарлар бўлган.

Хонлик тахтига сулола вакиллариининг энг ёши улуғи ўтқазилган. Бундай таомилнинг мавжудлиги ҳам баъзан аянчли оқибатларга олиб келганлиги ҳақида асарда бир неча бор қайд этилади. Чунки, сулола вакиллариининг ҳаммаси ҳам бошқарувчилик қобилияти эга эмас эди.

Аванешхон даврида Хуросон этагидан то Астрободгача бўлган ерлар Урганч подшоларига тааллуқли бўлган. Унинг Динмуҳаммад, Маҳмуд ва Али султон исмли уч ўғли бўлган. Динмуҳаммад 19 ёшига етганда ҳам отаси унга ҳеч нима бермайди. Бу вақтда Урганчлик йигитлар Хуросонга, қизилбошлар устига юриш қилиб ўлжага эга бўлиб қайтар эдилар. Динмуҳаммад отасининг рухсатисиз Астробод ва Мозандаронга юришга шу йигитлар билан келишади. Ўзаро келишмовчиликлар туфайли Динмуҳаммадхон Муҳаммадғози султонни ўлдиради. Бу хабарни эшитган Султонғози Вазирда Али султонни ўлдиради. Аванешхон бу воқеалардан сўнг кенгаш чақиради. Калхон, Ақатойхон, акаси Сўфиёнхон ва Буғачахон бундан хабар топгач, Султон ғозининг кишилари Аванешхонга хужум қилди деб Вазир устига, Аванешхон кишилари эса Урганчга юриш қилади. Амнакхоннинг ўғиллари Урганчда, Элбарсхоннинг ўғиллари Вазир шаҳрида кенгашадилар. Аванешхон кўп марта ярашишни таклиф қилади, аммо ака-укалари бунга рози бўлмайдилар. Амнакхон ўғиллари Вазирнинг кун чиқиш томонидаги обод Қумкенд шаҳрига борадилар ва Султон ғози билан урушиб, Вазир шаҳрига кириб борадилар ва Элбарсхоннинг Султон ғози бошлиқ 16 та ўғилларини ўлдирдилар. Ақатойхон Султон ғозининг хотини, икки ўғли ва икки қизини Бухорога юборади. Шундан сўнг Беликач султон авлодлари Янги шаҳардан Қумкендга келгач, бўлган воқеадан хабар топадилар. Натижада Урганч орқали Бухорога юришга қарор қиладилар¹³³.

Бу воқеалардан хабар топган Бухоро хони Убайдхон (Убайдуллахон) Бухородан, Абулхайрхоннинг ўғиллари иттифоқ тузиб,

¹³³ Ўша асар, 1992. – 1336.

Тошкентдан Бароқхон, Самарқанддан Жувонмардхон, Ҳисордан Ҳамза Махдийхоннинг набиралари Урганч устига юриш қиладилар. Абулғозихон Убайдуллахонга қарши курашга отланган Динмуҳаммадхон ҳақида гапирар экан унинг ташаббускорлигини таърифлаб: «“Тангрим жонимни сенга топширдим, танимни тупроққа топшурдум” теб турпоқни кўйлакининг ёқасиндин кўйнига кўюб кўпа берди-да бекларга қараб айтди «Мен ўлдум агар сизларнинг жонингиз мендин ортиқ бўлса, урушга борманг, агар менинг бирлан баробар бўлса қолманг», теди, тақи отланиб юрий берди. Барчалари йиғлай-йиғлай Динмуҳаммад султоннинг ортиндан кетдилар»¹³⁴.

Ҳожи Муҳаммадхон (1558-1593) хонлиги даврида Абдуллахон II хонлик ҳудудига юриш қилади. «Шажарайи турк»да Абдуллахон II юриши учун уч сабаб кўрсатилади. Биринчидан, Абдуллахон II нинг овозаси бу даврда Рум ҳукмдоригача боради ва у Абдуллахон олдида Паёла подшоҳ деган кишини элчи қилиб юборади. Бир томондан Рум ҳукмдори ва бир томондан Абдуллахон бўлиб шайх ўғлини (форс шоҳи) қириб ташлашни таклиф қилади. Абдуллахон II Паёла подшони эҳтиром билан кузатди. У бу ерга Ҳиндистон орқали уч йилда етиб келган эди. Шундан сўнг у Урганч ва ундан туркманга бориб Ширвон орқали Истамбулгача борсам тўрт ойлик йўл дейди. Юришнинг иккинчи сабаби ҳам мана шудир. Чунки, бу даврда Ширвон Рум ҳукмдори мустамлакаси бўлиб, Мовароуннаҳрнинг ҳожилари ва савдогарлари қизилбошларнинг еридан ўтмаслик учун Урганч орқали Манғишлоққа ўтиб, бу ердан Ширвон кемаларига чиқадиладар. Урганчга келган Паёла султоннинг барча молларини Ҳожи Муҳаммадхоннинг ўғли Иброҳим султон олиб кўяди. Бундан ғазабланган Абдуллахон уни қайта Манғишлоққа юбориб, Ширвон кемасига ўтиришини таъминлайди. Урганчга юриш қилишидан бир йил олдин Ҳожи Қўтас деган киши кўп ҳожиларга ва карвонга

¹³⁴ Ўша асар, 1992. – 1356.

бошчилик қилиб Хивага келади. Пўлод султоннинг тўнғич ўғли Боба султон уларнинг барча молларини тортиб олади ва ўзларини пиёда Бухорога қувиб юборди. Ҳожи Қўтас Абдуллахонга арз қилади, бунга жавобан Абдуллахон «Ҳожи Муҳаммадхон мен каби подшоҳ, навкарим эмас» дейди. Шунда Ҳожи Қўтас: «тангла тангри қози бўлиб, пайғамбар шафоатчи бўлганда, сени тутуб юкунурман-да, айтурман «Худойим Ҳожи Муҳаммадхоннинг кучи Абдуллахоннинг бир навкариндин ортук эрмас эрди. Абдуллахоннинг кучи ётар эрди, эринди. Тақи бориб менинг ҳаққимни олиб бермади» дерман. Хон айтибди ҳожи бир улуғ ердин туттунг. Хўб-хўб, қўлимиздан келса қилали»¹³⁵ тебди.

Юришнинг кейинги сабаби бу даврга келиб Аванешхон набираларининг барчаси вафот этиб, Абулхоннинг лўлидан туғилган бир номаълум ўғли қолган эди. У Марв ва Обивардни бошқарган. Ҳожи Муҳаммадхон укаларининг ўғиллари ҳар йили Марвга юриш қилиб унга кўп озор берадилар. Нурумхон бунга чидолмай Абдуллахон олдига хутбани Ҳожи Муҳаммадхон номига эмас Абдуллахон II номига ўқисам Марвни менга берар деб келади. Шундан сўнг Абдуллахон II ҳужум бошлаб Марв, Обивард, Нисой ва Боғободни эгаллайди. Ҳожи Муҳаммадхон қўлида Хуросонда Дурундан бошқа вилоят қолмайди¹³⁶.

Араб Муҳаммадхон даврида курашлар янада авж олган. Абулғози Хоразм хонлигининг ўзига тегишли бир бўлагини бошқараётган дастлабки йиллардан бошлаб, кучли марказлашган феодал давлати тарафдори эканлигини намойиш қилади. Хисрав султон, Соми султонларнинг Арабмуҳаммад давлатини фитна йўли билан эгаллашга интилишларини қаттиқ қоралайди. Отасининг фақат фитна бошлиқларинигина ўлдириб, уларнинг шериклари гуноҳларини кечиши билан келиша олмайди. «Хоннинг феъли кенглиги ва гуноҳкорларни афв қилгани, отамиз хоннинг бошина ва барча юрт халқининг бошина

¹³⁵ Ўша асар, 151б.

¹³⁶ Ўша асар, 151б.

кўргуликлар келтирур»¹³⁷, - ҳисоблайди. Юртдаги нотинчликларда, қавм-қариндош, ота-бола, ака-укаларнинг тож талашиб, ўзаро урушларидан безор бўлган Абулғози феодализмнинг илк ривожланиш даврлари ҳақида шундай ёзади:

«Қадимий халқ бу замоннинг халқиндин яхши эрди. Агар эл ва халқ йиғилиб, киши ўлтура билур бўлса ва ё гуноҳкор сўрай билур бўлса ва ё бир иш бошқармоқ қўлиндин келур бўлса, не учун бир мардга подшоҳ от қўюб, эвининг тўрмида ўлтуртуб, барча халқ ихтиёрларин анинг қўлина бературурлар»¹³⁸.

Бу ўринда чексиз ҳуқуққа эга бўлган ҳокими мутлақ ҳақидаги барча элу юртларнинг «бир мард подшоҳ»га бўйсунити тўғрисидаги орзулар, яъни мамлакатнинг кичик-кичик хонликларга бўлиниб кетишидан норозилик, эътироз кўриниб турибди. Шу боисдан ҳам Абулғози ўз отаси тириклигидаёқ тож-тахт талашиб, хонликни парчалаб юбораётган акалари Хабаш ва Элбарс султонларга ва уларнинг ниқобланган ҳомийлари Қурбон ҳожи ва Чин ҳожиларни қоралайди. Отаси Арабмуҳаммаднинг исён кўтарган ўғиллари ёнига Қурбон ҳожини юбориб, у келтирган сохта хабарга ишонганидан норози бўлган Абулғози:

«... Мен ҳам отамни кўрайин теб эшикка бориб эрдим, Ҳожи ҳам эшикка келди, хон қатиға бирга кирдук. Хон: «Кўрган-ешитганингни айт, ҳожи»,— тедилар. Не айтайин хоним, борганима пушаймои бўлдум. Юқориси Доруған ота, қуйини Бақирған отагача ўлтурған ўзбек ўғлонларининг қатиға йиғилиб турур... Мен бир оғиз отангиз чорулата юбордн теб айтиб эрдим, минг ердин қичқурған овоз келди... Хоним иш ёмон бўлди. Ўзунг билурсен, менинг сенга жоним куйганда, ўзгаларнинг тўкининг этаки куймас. Эмди Хевақга кетакўр. Бу золимлардин йироқ бўл. Элимиз,

¹³⁷Ўша асар, 1606.

¹³⁸Ўша асар, 1616.

халқимиз бир маслахат қилурмиз»¹³⁹,— деб айтган гапларига ишонганидан Абулғози ғазабланади. Ваҳоланки, асарда таъкидаланишича, «Ўша вақтларда халқ хондин (Араб Муҳаммадхон) андағ кўрқар эдиларким, ... Хон кўрунушга чиқиб халқга айтса, ини ва ўғлунгузни Ҳабаш қатиға юборманг, агар ҳар ким юборса мендин яхшилик умид қилмасун, менинг бу сўзумни бир-бирингизга айтинг теб ҳукм қилса, киши юбориб шаҳрларда ва бозорларда ушбу сўзни айтиб жар чорласа, бир кишининг ҳадди йўқ эрди, эвиндин ташқари чиқа билгай».¹⁴⁰

Асфандиёр султон билан Абулғозихон биргалашиб кўшин тортиб, Элбарс султоннинг устига бостириб борадилар ва исёнчи устидан ғалаба қозонадилар. Мағлубиятга учраган Элбарс султон беш-олти киши билан қирға чиқиб кетади. Ана шундан кейинги воқеалар, «Шажарайи турк»да қуйидагича тасвирланади: «... Эвини ва элини чобдуқ. (Элбарс султоннинг оила аъзолари ва унинг яқин одамлари кўзда тутилади.) Барча султонлар хон қатиға йиғилдуқ. Отамни кўрайин теб келдум. Урдуда якка намозшом ўқуб туруб эрдилар. Намоздин фориг бўлғандии сўнг яқинлариға келиб ўлтурдим-да, айтдум: «Элбарс султон беш-олти киши бирлан қирға чиқиб кетди. Эмди не фикр қиласиз?» Айтдилар: «Сенинг кўнглингга не кела турур?» Мен айтдум: «Асфандиёр султон бирлан фақирға ҳукм қилунг... Элбарс султонни ўлдурали, андин сўнг қолган беш ўғлингизнинг ҳеч қайсиси сизнинг ҳукмингизга тажовуз қилмаслар»¹⁴¹. Араб Муҳаммадхон бу масалада Чин ҳожи билан маслахатлашади. Ҳабаш ва Элбарслар томонида бўлган Чин ҳожи «Ўғлонларингизнинг бирисин ўлтурсангиз, қолганининг ҳеч қайсиси сизга инонмас»¹⁴² дейди.

Бу ўринда Абулғозининг дунёқараши очиқ-ойдин ифодаланган. У йирик давлатни парчаланиб кетишдан сақлаб қолишга интилади, отаси

¹³⁹Ўша асар, - 1676.

¹⁴⁰Ўша асар, - 1616.

¹⁴¹Ўша асар, - 1636.

¹⁴²Ўша асар, - 1636.

ва акаларини шунга ундайди. Лекин отаси Арабмуҳаммад ўғли Абулғозининг таклиф-мулоҳазаларини қабул қилмайди. Абулғози ҳақиқатни отаси юзига антиб солишдан ҳам қайтмайди: «... Сизни тутуб, эвга солиб, молингни олғандин сўнг, эмди не қолди? Тонгла мундин ёмонки ишлар бўлур, пушаймон қилурсиз»,— дейди.

Биз Абулғозининг юқоридаги сўзларидан унинг ўша давр тарихий воқеаларининг шоҳиди, фаол ишгирокчиси эканлигини билиб оламиз. Ҳақиқатан ҳам, Хабаш ва Элбарслар, Абулғози тўғри таъкидлаганидек, ёмон ишлар қила бошлайдилар.

Арабмуҳаммад жангда енгилади, қамоққа олинади, фарзандлари ҳар томонга тарқаб кетади. Абулғози Бухорога, Асфандиёр султон Маккага кетишга мажбур бўлади. Кейинчалик Хабаш ва Элбарс султонлар ўз отасининг кўзига мил тортиш билан ҳамқаноатланмай, уни ўғли ва набиралари — Асфандиёрхоннинг икки ўғли билан Хоразмшоҳ исмли укасини қатл қиладилар.

Асфандиёрхон даврида ҳам ўзаро қирғин урушлар тўхтамайди. Асфандиёрхон тахтга туркманлар ёрдамида чиққач, хонликда уларнинг мавқеини оширишга ҳаракат қилади, ҳамда ўзбекларга зулм қила бошлайди, уларни шафқатсизлик билан қиради. Айниқса, уйғурлар ва найманлар қаттиқ жабр кўрадилар: «... Асфандиёрхон уйғур, найманни қирди. Андин сўнг барча ўзбек бирлан ёв бўлди. Ўзбек уч бўлинди. Бириси манғит, бириси козоқ, ва бириси Мовароуннаҳрга кетди»¹⁴³.

Бундан кейинги курашлар ака-укалар Асфандиёрхон, Абулғози ва Шарифмуҳаммад хонлар ўртасида юз беради. Чунки тож-тахтга эга бўлган Асфандиёрхон ҳам ўзидан олдинги салтанат анъаналарига амал қилиб, Хива, Хазорасп ва Катни ўзи олади. Урганчни Абулғозихонга, Вазирни Шарифмуҳаммадхонга инъом қилади. Асфандиёрхоннинг туркман қабилаларига таяниб салтанатни бошқарганини курган

¹⁴³Ўша асар, – 166б.

Абулғозихон ўзбек қабилаларига таяниб, хонликни бутунлай қўлга киритиш сиёсатини юргизади.

Асфандиёрхон барча ўзбекларнинг Бухорога кўчиб кетишларидан ҳайиқиб, уларнинг таклифини қабул қилишга мажбур бўлади. Бу муваффақиятдан мағрурланиб кетган ўзбек қабилаларининг беклари Абулғозининг тадбирларига кўнмай, уни тезроқ тахтга кўтаришга шошиладилар. «... Бу кеча тўрт ёқга киши юборали. Тонг отканда минг киши дарвозада ҳозир бўлсун. Муҳаммад Ҳусайнбек бошлиқ бу туркманни қироли. Тақи, Хевақдақн ўлтурған туркманни чопали. Бу қиш Хевақнинг қалхасииин қабаб стали. Баҳор олурмиз»,— деб шовқин солишади.

Абулғозининг «... туркманни қира билмассиз. Эшитиб қочар. Қишина туркманнинг барчаси Хевақ устида турур. Ани ҳам ола билмассиз. Хевақ бориб ёқангиз эвингиз эгасиз бўлур. Қалмуқ келур. Тақи ўғлон ўшоқингизни олур кетар», деб уларни бу йўлдан қайтаришга интилади ва ўзининг қуйидаги тадбирларини улар ўртасига ташлайди:

«... Муҳаммад Ҳусайн бошлиқ туркманларни яхши сийлаб юборали. Шариф Муҳаммад куюк қалъада қишласун. Ўзбекнинг барчасини буз тўйғандин сўнг кўчуриб Шариф Муҳаммад бирлан бизнинг орамизга келтурали. Ҳар беш юз эвли ва минг эвли бир жиб солиб қишласун... Бир ерға йиғилали. Ичимизда оз бўлса беш-олти юз туркман бўлур. Аввал ани қирали. Тақи Хевақ устина юрали, бу вақтда Абулхон ва Манқишлоқнинг туркмани ошлиқ олмоқ учун Хевақга келиб, барчаси энлик эвина кетар. Баҳор қўй-қўзилар учун Хевақда ўт бўлмас... Сарт эки экмоқ учун кендли кендина кетар. Хевақ ичинда Асфандиёрхон қатинда кўп бўлса юз, оз бўлса эллик киши қолур. Ғофил бориб, дарвозанинг оғзига тушоли»¹⁴⁴— деб ғалаба қозониш йўлини кўрсатса ҳам қабул қилишмайди. «Отланмоқни муносиб кўруб, Хевақ устина юрдилар. Ёмон иш қилдингиз, юртни буздингиз теб, айта-айта икки кундан сўнг

¹⁴⁴Ўша асар, – 1726.

кейинлариндин бордум. Хикаиик ариқининг лабинда Тошкўприк теган, ерда бориб тушдук. Туркманнинг оч-ариқин топиб ўлтурдик», деб афсусланади.

Бироқ ғалабага эриша олмайдилар. Асфандиёрхон билан бўлган урушда енгилдилар. Абулғози мағлубиятга учрагач, мадад умидида аввал қозоқ хони Турсунхон, сўнгра Бухоро хони Имомқулихон даргоҳларида пайт пойлаб юришга мажбур бўлади. У ўзбек қабилаларининг ёрдамида яна ўз юртига қайтади. Яна ўзбек-туркман бўлиб урушадилар.

«Андин сўнг мен беш-олти киши бирлан Хевақ келдим. Шариф Муҳаммад мендан икки ойдин сўнг Ҳазорасбда Асфандиёрхон қатиға келди. Ул иккиси бир бўлди. Тақи менинг бирлан урушдилар. Мен ғолиб келдим, сулҳ қилдилар. Олти ойдин сўнг Хевақда ғофил ўлтуруб эрдим, иккиси нлғаб келиб дарвозаға яқин тушди. Ташқарида ўлтурғон туркманнинг қора-ёмони Асфандиёрхонға йиғилди. Ул беш минг киши бўлди. Менинг қатимда олти юз киши бўлди... Бир эт пешим уруш бўлди, шул вақтда жов қочти»¹⁴⁵.

Хуллас, ака-ука ўртасидаги тож-тахт талашиб, қон кечилган урушларда Абулғозихон енгилиб, Асфандиёр томонидан Эронга сургун қилинади. Ироқнинг Исфаҳон шаҳрида ўн йил назорат остида сақланади. Бироқ, бу ўн йил Абулғози учун, унинг келажаги учун ниҳоятда фойдали бўлиб чиқади. У гарчи салтанат бошқаришдан маҳрум этилган бўлса ҳам, аввалги ўн йилда, яъни олти ёшидан ўн олти ёшига қадар олган билимининг камини тўлдиради. Сургундалигида олган билимлари унинг етук шахс, ижодкор бўлиб етишувига замин бўлади¹⁴⁶.

Абулғози ўн йилдан сўнг ўз тайёргарлигини меъёрига етган ҳисоблаб, ўн биринчи йил сургундан қочади ва бир қанча қийинчиликлар билан қолмиқ хонининг ёрдамида ўз юртига етиб келади:

¹⁴⁵ Ўша асар, – 174-175б.

¹⁴⁶ Худойназаров Ҳ. «Шажарайи турк» ва унинг ўрганилиши. Т.: 1993. – 39б.

«... Андин кетиб Манқишлоқ бордим. Ул пактда Манқишлоқ туркмани бузулиб етти юз эвлик қолиб, ул ҳам Қолмуқға тобиъ бўлуб туруб эрди.

Қолмуқнинг нодшоҳи маним келганимни эшитиб, яхши кншиларни юбориб мани олиб борди-да, бнр йил сақлаб Урганчда ўлтурган ўз халқимиз ичина юборди» («Шажарайи турк», 532-533- бетлар).

Бундан сўнг Абулғози сиёсий фаолиятининг янги даври бошланади. Бу 1643-1663 йилларни ўз ичига олади. Абулғози шу вақтга қадар (у ҳам бўлса, ўн олти ёшидан бошлаб, то Асфандиёрхон томонидан Эронга сургун қилинганига қадар) отаси ва акасининг вассали сифатида мамлакатнинг бир бўлаги — ўзига инъом қилинган ҳудудда салтанат ишларини бошқариб, тажриба тўплаган эди. У қирқ бир ёшида, аввало, Орол ҳокимлигини, сўнггра бутунлай Хива хонлиғни бошқариш ишларини қўлга киритиб, йигирма йил давомида — олтмиш бир ёшигача хонлик қилади.

Бироқ, Орол ҳокимлигига кўтарилгач; хонликни бутунлай қўлга киритиш осон бўлмади. Бу ҳақда «Шажарайи турк»да шундай дейилади: «Ул вақтда Имомқулихон ўлуб, иниси Нодирмуҳаммадхон акаси Имомқулихои ерига хон бўлиб эрди. Биз туркмандин ақамизнинг ўғлонлари ва вилоятини тиладук, бермади. Тақи Нодирмуҳаммадхоннинг отина хутба ўқуб Ашраф султонни юборди. Биз ёв бўлуб Хевақни икки мартаба чопдук. Андин сўнг Нодирмуҳаммадхон Хевақ бирлан Ҳазорасбга ҳоким юборди. Асфандиёрхоннинг ўғлун ва қизин ва кўчин кўчуруб олиб бориб Қаршида ўлтуртди. Хевақ бирлан Ҳазорасбнинг амалотини Асфандиёрхон кимга берган бўлса, Нодир Муҳаммадхоннинг келган илгор беклари шул кишидан аюрмади...»¹⁴⁷

Тарихшунос олим ва шоир Шермуҳаммад Мунис «Фирдавсул-иқбол» асарида ёзишича, Абулғози давлат тепасига келгандан сўнг кўп кишиларга ўз ёнидан ўрин ва амал тайин этган. Абулғозихон хонликни

¹⁴⁷Абулғозий. Шажарайи турк. Т.: «Чўлпон», 1992. – 179б.

бошқаришда даставвал хонликда марказлашган бошқарув тизимни мустаҳкамлашга эътибор қаратди. Бу жараёнда у аввало, туркман йўлбошчиларини бошқарув ишларидан четлаштирди. Уларнинг ер - сувлари, мол - мулклари мусодара қилиниб, ўзлари мамлакат ичкарасига сургун қилинди.

Хонликдаги барча лавозимларга ўзбек урғуларининг бошлиқлари қўйилди. Абулғозихон маъмурий ислоқот ўтказиб, хонликнинг бошқарув тизимини батамом янгитдан ташкил этди. Хонликнинг бошқарув тизимида ўзбек уруғларининг мавқеи ортиб борди ҳамда улардан 360 нафар вакил хон саройида турли лавозимларга қўтарилди. Хон янги амалдорлар орасидан энг обрўли 32 нафарини ўз ёнига олди. Мунис таъбири билан айтганда, «андоқким икки шайх ул-ислом, икки қози, бир раис Саид ота авлодидан, бир мутавалли, бир нақиб, тўрт оталиқ, тўрт иноқ, тўрт мироб, тўрт парвоначи, икки око, икки арбоб, тўрт чигатойи иноки ва бир вазирким, ҳоло меҳтар дерлар ва бир қушбеги, бу иккови ўринсиз хон хузурида оёқ устида турадилар»¹⁴⁸.

Мамлакат бошқарувида муҳим ислоҳот ўтказиб ўзбек уруғларини тўрт гуруҳга бўлди: биринчи гуруҳга уйғур-найманлардан иборат бўлиб, дўрмон ва юзминг жамоаси уйғурларга, ҳамда пайғамбар авлоди шайх ва бўрлоқлар наймонларга қўшилдилар; нукуз-манғитлар ҳам бир гуруҳга киритилиб, канагас ва хўжа эллари уларга бириктирилди; кейинги гуруҳларга канғли қипчоқ уруғлари киритилиб, уларга ўн тўрт уруғ қўшилади. Бирлашмаларга иноқлар бошчилик қилганлар. Хон ана шу иноқлар орқали қабилага тегишли масалаларни ҳал қилган.

Бу уруғларнинг барчасига Дарғондан Орол денгизигача, Амударёнинг ҳар иккала томонидан ер ажратиб берилади. Шу тарзда аҳоли Янги Урганч истеҳкомига кўчирилади. Хон 1646-йилда жануби-ғарбда қалъа бунёд қилдиради, ҳамда Эски Урганч харобалари шу даврдан бошлаб Кўҳна Урганч деб атала бошланади. Муниснинг

¹⁴⁸ Ўша асар, 526.

маълумотига кўра, бу ер «бағоят маъмур ва ободон ва Хоразмнинг улуг савдо хонасидур»¹⁴⁹. Академик олим Я.Ғуломов Абулғозихон ҳукмронлик қилган даврни тавсифлаб хоннинг ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги ҳақида шундай дейди: «Гарчи тарихда Абулғози ҳукмронлик қилган даврда унинг номига қўйилган канални учратмасакда, Хивани эгаллаган ва Жанубий Хоразмни обод қилишда катта ташаббус кўрсатган Абулғози тарихда қолади».

Ички сиёсатда Абулғозихон мамлакат яхлитлигини сақлаш мақсадида 1646 - 1653 йиллари Тажан, Бомбаурма (Қизил арвотнинг жанубий-шарқий тарафида жойлашган манзилгоҳ), Атрок ва Журжон туркманлари билан уруш олиб борди, 1655 - 1662 йиллари ўлкага вақт-вақти билан боқин қилиб турган Ёйиқ (Урал)лик ўрис қозоқлари, қалмиқлар ва қозоқ кўчманчилари билан кураш олиб борди. 1663 - 1664 йиллари бир неча марта Бухоро устига юриш қилади, ҳамда хонлик сарҳадларини кенгайтиришга ҳаракат қилди.

¹⁴⁹Шермуҳаммад Мунис. Муҳаммадризо Огаҳий. Фирдавс ул-икбол. Т.:2010. – 526.

ХУЛОСА

Ўзбек хонликлари даври ўзаро урушлар авж олган давр эди. Бу феодал урушларнинг бутун оғирлиги, жабр-жафоси, даҳшати меҳнаткаш халқ бошига тушиб, уни қон қақшатган эди. Абдулмўминнинг отаси Абдуллахоннинг Урганч устига уч марта қўшин тортиб бориши юртга харобалик келтиради. Абдуллахон ва унинг ўғли Абдулмўминхонлар даврида Хоразм жуда кўп марталаб ўзаро қирғин урушлар гирдобиди қолиб, тобора қашшоқлаша ва хонавайрон бўла борди. Талончиликдан ташқари, солиқлар хаддан оширилди. Абулғозининг отаси Арабмуҳаммадхон тахтга чиққач ҳам Хива хонлигида ўзаро қирғин урушлар давом этиб турди. Бир томондан, Эрон ва Бухоро ҳукмронларининг босқинчилиги, иккинчи томондан, ўзаро тақсимлаб олинган қавм-қариндош бекликлар ўртасидаги тинимсиз фожиали курашлар узлуксиз давом этди.

Бу давр муҳитини хонликда мана шундай кескин сиёсий вазият ҳукм сурган вақтда яшаган, ҳамда болалик ва ўсмирлик йилларидан узоқ ва яқин қариндошлари ўртасидаги курашларнинг гувоҳи, ҳамда иштирокчиси бўлган Абулғози Баҳодирхон бошқа замондошларидан кўра яхшироқ тушунарди. Ҳукмдор ва олим сифатида у мамлакатдаги мураккаб вазиятдан чиқишнинг ягона йўли ўтган тарихий жараёнларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ислохотлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш эканини яхши тушунар эди. Бу ҳолат уни мамлакат тарихини ўрганиш ва тарихий асар ёзишга даъват қилди. Зеро, у аждодларининг бепарволиклари туфайли ёзилмай қолган тарихнинг ёзилиши зарурлигини биринчилардан бўлиб англади. Унинг «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарлари Хоразм ва умуман Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганишда бугунги кунда ҳам катта аҳамиятга эга бўлган асарлар ҳисобланади.

Муаллиф «Шажараи турк» асарида Хива хонлиги тарихининг бошқа хонликлар тарихи билан боғлиқ тарзда ижтимоий, иқтисодий,

сиёсий, ҳамда маданий жиҳатларининг барча жабҳаларини ёритишга интилан. Жумладан, **ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан:**

- Хива хонлигида яшовчи халқнинг турмуши, яшаш шароити, кундалик машғулоти билан боғлиқ қизиқарли маълумотлар келтирилган. Жумладан, хонлик аҳолисининг этник, маданий ва иқтисодий муносабатларда унга ёриқ гуруҳга бўлинганлиги;

- Хоразмда қадим замонлардан буён яшаб келаётган шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси асосан деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиши;

- Туркман қабилалари хонлигининг ғарбий ва жанубий қисмларида яшаганлиги ва асосан чорвачилик билан шуғулланганлиги;

- Елбарсхон билан Хоразмга кўчиб келган ўзбекларнинг кўчманчи тарзда ҳаёт кечирганлиги ва улар таркибидаги уруғ ва қабилалар ҳақида;

- Хонликда кўплаб солиқ турларининг мавжуд бўлганлиги, уларнинг миқдори ва ёиғиб олиниши;

- Амударё ўзанининг ўзгариши муносабати билан хонлик аҳолиси ҳаётидаги ижтимоий ўзгаришлар тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар келтирилган.

Хонликдаги **сиёсий муносабатлардан:**

- Хонлики бошқарган ҳукмдорларнинг давлат бошқаруви, ички ва ташқи сиёсати;

- Феодал муносабатлар, ўзаро урушлар ва уларнинг оқибатлари, Бухоро хонлиги билан сиёсий муносабатлар, Бухоро хонлари Убайдуллахон, ҳамда Абдуллахон II ларнинг хонликка юришларининг асосий сабаблари санаб ўтилган;

- Араб Муҳаммадхон давридаги сиёсий муносабатлар: ота ва ўғиллар ўртасидаги ўзаро қирғинлар тафсилотлари;

- Бу даврда аҳоли ўртасидаги диний муносабатлар, ҳамда дин вакиллариининг сиёсий ҳаётга аралашуви масаласи;

- Абулғозихон даврида ўтказилган маъмурий ислохотлар ва давлат

бошқарув тизимини янгитдан ташкил этилишининг моҳияти кабилар ҳақида батафсил ёритиб берилган.

Маданий ҳаётда:

- Хонликнинг маданий ҳаётида Хива, Ҳазорасп, Урганч, Вазир каби шаҳарларининг ўрни;
- Ерон билан муносабатлар, жумладан Буғачахон даврида шох Таҳмасп билан қариндошлик муносабатларининг ўрнатилганлиги, ҳамда Эрондан хонликка кўплаб совғалар юборилганлиги;
- Бу даврдаги савдо муносабатлари, жумладан Бухоро хонлиги ва руслар билан савдо алоқалари, шунингдек савдо қарвонларининг Манғишлоқ орқали ўтганлиги ҳақидаги аҳамиятга молик маълумотлар каби масалалар ёритилган.

Юқоридагилардан Абулғози Баҳодирхон ва «Шажараи турк» асарининг ўзбек хонликлари тарихини ёритишдаги аҳамияти, шунингдек Хоразм маданияти тарихидаги ўрни ҳақида шундай хулоса қилишимиз мумкин:

1. Муаллиф «Шажараи турк» асарини яратиш жараёнида турли уйдирма ва сохталикларга йўл қўймасликка ҳаракат қилади. Шу маънода, ўзигача бўлган давр тарихини ёзишда бир неча ўнлаб тарихий асарларни ўрганиб, фақат тарихий ҳақиқат деб билган ҳодисаларнигина асарга киритади. Рашидиддиннинг «Жоме ут-таворих», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарлари бунда алоҳида таъкидлаб ўтилади.

2. Абулғозихон асарнинг асосий қисми, яъни ўзи яшаган давр тарихини ёзишда қариндошлар ўртасидаги курашларни ҳам, ўзининг сургунликдаги даврларини ҳам ғалаба ва мағлубиятларини ҳам очиқ баён этишга ҳаракат қилади. Бу ҳижатдан, олимлар уни Заҳириддин Муҳаммад Бобурга қиёслайдилар. Чунки, Абулғози Баҳодирхон ҳам аввало ҳукмдор эди. Бу эса, унга мутлақ ижод эркинлиги учун имкон яратди. У сарой расмий арбобларига итоат этиши, қатъий шаклланган

анъанавий услуб исканжасида ижод этиши шарт бўлмаган. Унинг асарни ёзишдан асосий мақсади, бошқа тарихчилардан фарқли ўлароқ маълум бир ҳукмдор даврини улуғлаш эмас, балки тарихнинг ёзилмай қолган қисмини тўлдириб кейинги авлодга етказишдан иборат эди. Шунинг учун ҳам, муаллиф тарихий воқеа ҳодисаларни содда, тушунарли, ихчам тил бирликлари орқали баён этади. Шунингдек, «Бобурнома» Андижон шевасида ёзилган бўлса, «Шажараи турк» Хоразм шевасида ёзилди. Бу ҳақида унинг илмий фаолияти билан танишган венгер шарқшунос олими Г.Вамбери: «Абулғози Баҳодирхоннинг кўпгина ишлари Бобурни хотирга туширади... Жаҳон унинг «Шажараи турка асари учун ундан миннатдордир»¹⁵⁰ деган эди.

3. Шунингдек, ўзининг «Шажараи турк» асари билан Абулғозихон Хоразм тарихнавислик мактабига асос солди. Кейинги хоразмлик ижодкорлар Мунис, Огаҳий ва Баёнийлар Абулғозининг илғор анъаналарини ривожлантириб, янги тарих асарларини яратдилар. XIX асрда Мунис томонидан бошланиб, Огаҳий томонидан ёзиб тамомланган «Фирдавс ул-икбол» шубҳасиз, Абулғозихон бошлаган анъаналар таъсирида, ундан фойдаланиб ёзилган тарихий асар ҳисобланади. Зеро бу тарихчилар ўзларигача бўлган тарихни баён этишда кўпроқ Абулғози Баҳодирхон асарларига таянганлар.

¹⁵⁰ Вамбери Г.А. История Бухары или Маварауннахра. Том I. М.: 1964, 115б.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Сиёсий адабиётлар:

2. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент: «Ўзбекистон» 1998. -
3. Каримов И. А.Биз ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 133 б.
4. Каримов И. Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент:«Ўзбекистон», 2000. – 32 б.
5. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
6. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: «Маънавият», 2008.

2.Тарихий манбалар:

7. Абуғозий. Шажарайи турк. Т.: «Чўлпон», 1992. – 167б.
8. Абулғози Баҳодирхон. Шажараи тарокима. Самарқанд: 1995. – 72б.
9. Баёний. Шажарайи хоразмшоҳий. Тошкент:1994.-Б. 49.
- 10.Гулбаданбегим. Ҳумоюннома. Тошкент:«Ўқитувчи», 1997.
- 11.Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Ҳозирги ўзбек тилига В.Раҳмонов ва К.Муллаҳўжаевалар таъдил қилишган. - Тошкент: Ўқитувчи, 2008.
- 12.Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Т.:1961. – 321б.
- 13.Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Зубдату-т-тавоҳих. Нашрга тайёрловчи Н.Жабборов. Тошкент: «Ўзбекистон», 2009. – 238б.
- 14.Рашидиддин. Жомеъ ут-тавоҳих.
- 15.Шермуҳаммад Мунис. Муҳаммадризо Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. Тошкент:«Ўқитувчи», 2010. – 381б.
16. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Масъул муҳаррир: Б. Эшпўлатов. Тошкент: «Шарқ», 1997

17. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. Нашрга тайёрловчи: Б.Аҳмедов. Тошкент: «Шарқ», 1999.

3. Илмий адабиётлар:

18. Абдурасулов А. Хива. Тарихий-этнографик очерклар. Тошкент: 1997.
19. Абдуллаев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи. II китоб. Тошкент: «Ўқитувчи», 1980. – 344б.
20. Абдуллаева М.Д. «Бобурнома» ва «Шажараи турк»нинг қиёсий типологик таҳлили. Авт-т, ф.ф.номз. Самарқанд: 2004. -22б.
21. Агзамова Г.А. XVI-XIX аср биринчи ярмида Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти. Тарих фан.ном.дисс. Т.: 2000.
22. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент: «Шарқ», 2001.
23. Аллаева Н.А. Взаимосвязи Хивинского ханства с Ираном в XVI-XVII вв. Авт-т канд.ист. наук. Тошкент: 2007. – 30с.
24. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Тошкент: «Ўқитувчи», 1994.
25. Аҳмедов Б.А. Кўчманчи ўзбеклар тарихи. Тошкент: 1965.
26. Бобожонов Д., Абдурасулов М. Фирдавсмонанд шаҳар. Хива: 2008.
27. Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. СПб., 1914.
28. Бартольд В.В. Сочинение. ЧI. Москва: 1963.
29. Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 91б.
30. Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию 1558-1560гг. Английские путешествие в Московском государстве в XVI веке. Перевод с английского Л.Готье. Л.:1932.
31. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Тошкент: «Янги асравлоди», 2012.
32. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии. Москва: 1958.
33. Иванов С.И. родословное дерево тюрок Абулгазихана. Тошкент: 1969.
34. Йўлдошев М.И. Хива хонлигида ер эгаллиги ва давлат

- тузилиши. Тошкент: Ўздавнашр, 1959.
35. Лунин Б.В. История Хорезма с древнейших времен до наших дней. Тошкент: «Фан», 1976.
36. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. I китоб. Тошкент: «Ўқитувчи», 1963.
37. Матниёзов Н., Сотликов А. Жаҳон тарихи ва маданияти тарихида Хоразм. Урганч: 1999. 178б.
38. Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002.
39. Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийларнинг тарихий асарлари. Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960.
40. Рахманова Ю.М. Общественно-политическая жизнь города Хивы в XVI- начале XX века. Авт-т дисс. канд. ист. наук. Тошкент: 2009. – 46б.
41. Рахманова Ю.М. Хива шаҳри Абулғози Баҳодирхон ҳукмронлиги даврида. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Урганч: 2006. – 8-9б.
42. Семенов А. А. Собрание Восточных рукописей , том I. Тошкент: 1952.
43. Саидкулов Т.С. Ўрта Осиё халқларининг тарихшунослигидан лавҳалар. Тошкент: 1993.
44. Хасанов С. Хоразм маърифати – олам кўзгуси. Тошкент: 1996.
45. Хасанов С. Хоразм маънавияти дарғалари. -Т.: 2001.
46. Хива жаҳон маданияти дурдонаси. Илмий-назарий анжуман материаллари. Т.: 1997.
47. Хива – минг гумбаз шаҳри. Масъул муҳаррир: А.Азизхўжаев Т.: «Шарқ», 1997. – 108б.
48. Хоразм тарихи. I жилд. Муаллифлар жамоаси. Урганч, 1997.
49. Худойназаров Ҳ. «Шажараи турк» ва унинг ўрганилиши. Тошкент: «Ўқитувчи», 1993.

- 50.Худойназаров Ҳ. Абулғози Баҳодирхон тарихчи ва адиб.
Тошкент:«Ўзбекистон», 1994.
- 51.Толстовнинг С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб.
Тошкент:«Фан», 1964. – 436б.
- 52.Толстов С.П. Древний Хорезм. Москва: 1948.
- 53.Юнусов М. Барҳаёт анъаналар. Тошкент: 1969.
- 54.Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир
А.С.Сагдуллаев. Тошкент: «Ўқитувчи», 1997.
- 55.Ғаффоров Ш.С., Нарманов Ф.А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Услубий
кўрсатма. Самарқанд: СамДУ нашр., 2013. -75.
- 56.G'afforov Sh.S. va b. O'zbekiston arxitektura yodgorliklari tarixi.
Samarqand: SamDU nashr., 2011. – 203b.
- 57.Ғуломов Я. “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” . – Т.:1959.
- 58.Гулямов Я. Памятники города Хивы. Тошкент: «Фан», 1941.

4. Газета ва журналларда чоп этилган мақолалар:

- 59.Абдуллаева М.Д. «Бобурнома» ва «Шажараи турк»нинг қиёсий
типологик таҳлили.// Ҳозирги давр тил ва адабиёти масалалари. Илмий
мақолалар тўплами. Самарқанд: СамДУ нашри, 2001. – 33-38б.
- 60.Абдуллаева М.Д. Бобур ва Абулғози. // Мулоқот. Тошкент: 2003. 33-
34б.
- 61.Агзамова Г.А. Хиванинг хонлик пойтахтига айланишига доир айрим
маълумотлар.// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Т.: 1997. №6-7. – 84-
87б.
- 62.Аллаева Н.А. Хива хонлиги ва Эрон ўртасида савдо алоқалари
тарихидан. // Ўзбекистон тарихи. Тошкент: 2007. № 1.
- 63.Аллаева Н.А. Абулғозихон ҳақида яна бир сўз.// Имом ал-Бухорий
сабоқлари. 2006. №3

64. Матякубова М., Абдуллаев Ў. Хоразмда шажаравий тарихнавислик мактаби. Турон тарихи. –Т.: 2005.
65. Матякубова М. XVI асрда Хива хонлиги. Маърифат ёғдуси. – Урганч. 2007.
66. Қодиров Р. Алимова Р. Аجدодларимиз ҳикояси. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. Тошкент: №17, 24- апрел.

ИЛОВАЛАР




Абулғози Баҳодурхон

(Wikipediya)




«Шажарайи турк» асари нашрлари



Абулгази Баядур-хан

Родословная
история
о татарах



РОДОСЛОВНАЯ
ИСТОРИЯ
О ТАТАРАХЪ, ²⁹₅₁₆

переведенная
на французской языкъ
съ рукописныхъ татарскихъ книги,
сочиненія

АБУЛГАЧИ-БАЯДУРЪ-ХАНА,

и
дополненная великимъ числомъ примѣчаній
достоверныхъ и любопытствъ о
прямомъ нынѣшнемъ состояніи

СѢВЕРНЫЯ АЗІИ

съ потребными

географическими ландкартами,

а съ французскаго на российский
въ академіи наукъ.

Томъ I.

При Императорской Академіи Наукъ



РОДОСЛОВНАЯ ІСТОРІЯ О ТАТАРАХЪ



Томъ. II.



ЧАСТЬ ПЯТАЯ.

Содержащая исторію о Чагатай-Ханѣ, второмъ сынѣ Чингисъ - Хановомъ, также и о владѣльцахъ его помомшва, копорые государствовали надъ городами и государствами Кашгарскими, и Ма - Уренскими.

ГЛАВА ПЕРВАЯ

О жизни и государствованіи Чагатай - Хановъ.

Чагатай - Ханъ имѣлъ много вѣрнаго свѣдѣнаго въ своемъ лицѣ, такъ что каждаго боялся на него споминать; однако
А 2 у него

АЪУЛҶОЗИЙ
ШАЖАРАЙИ
ТУРК



Ўзбек тилидаги наشري

Иловалар:№1

ЎзР ФАШИда №11110 рақами остида сақланаётган Абулғозий
Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асари қўлёзмаси:

66-7а варақлар

219


[illegible]

مومنان

تلاش کن و سر انگیزی تا کشند و غرقند و بخار ادا بشد و صفای روح پیدا شود و ارفع شود

ЎЗР ФАШИДа №1223 рақами остида сақланаётган Абулғозий
Баҳодирхоннинг “Шажарайи тарокима” асари қўлёзмаси:

56-6а варақлар



اینک اندامه قور و آند بار میل و بر میل
بولور خاندین اوز که انشی قیل ایشل تندی قیز
قنول قیلار شول زمانه قوریدی قعی نرزدین
باشنه یاندی کچیلار باشنه یاتیب کوندوز
لهولاش ایس ایدی برنجده قیدین کونک
قوراجانه دیدیلر او غلو کونقوننی سوغا
قور و سوماس لیکیدین انان کوندین باری
بریده انا دی بودور قودین کونک برنجده
اولک ندین کونک اغوز بر کونک او غده قنده
قاتب کبیلر قور و ایدی کور و لیکونقونق
برنج ضعیف لار کور بودور و ایدی که انا سیک
ایشی که او خان کونک قیز موندنغی
او قور و ایدی قور و ایدی ساریل کور
سوزلار شول که محسوس یادی سیم ایل قور
بولور و ایدی قور و ایدی قور و ایدی قور

بدرالحمید

[illegible]

